

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Ингизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. МЧЖ «Better Print» босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй.

Баҳоси келишилган нархда.

Босишга рухсат этилди 26.06.2018.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2018.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2018 йил, 2-сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни такомиллаштириш**Судебно-правовые реформы и совершенствование законодательства**

Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг ўзига хослиги ва вужудга келиш омиллари.....3

Отажонов А. А. Хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахслар жиной жавобгарлигининг тартибга солиниши ва миллий қонунчиликда улар жавобгарлигини белгилаш масалалари.....8

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари**Перспективы развития правового государства и гражданского общества**

Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг конституциявий-ҳуқуқий механизмлари.....13

Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш масалалари**Совершенствование деятельности органов внутренних дел и вопросы обеспечения приоритета закона**

Бердикулов С.Н. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида қонун устуворлиги принципининг аҳамияти.....18

Шоимов Н. Б. Ҳамкорлик – ички ишлар органлари томонидан экологик хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг шакли.....23

Югай Л.Ю. О некоторых аспектах применения ИТ-технологий в органах внутренних дел.....27

Эшназаров М.Ж. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги.....32

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера:

С. А. Раззаков, И. В. Солохина

Дизайн и верстка

Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print» Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1 проезд, дом 254.

Цена договорная.

Подписано в печать 26.06.2018.

Заказ №

ISSN 2181-4872

© Академия МВД

Республики Узбекистан, 2018.

Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд экспертизаси масалалари**Вопросы доследственной проверки, дознания, предварительного следствия и судебной экспертизы**

Маматқулов Т.Б. Суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш бўйича айрим тавсиялар.....38

Муминов М.Э. Судга қадар иш юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....42

Нурумбетова С.А. Трасологик экспертизаларнинг долзарб муаммолари.....47

Маҳмудова Ҳ.Т. Ўзбекистонда суд психологиясининг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамияти.....50

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**Проблемы профилактики правонарушений и обеспечения общественной безопасности**

Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари.....54

Холов А. Т. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти.....58

Таълим-тарбия ва комил инсонни шакллантириш муаммолари**Вопросы образования, воспитания и формирования гармоничного человека**

Душанов Р.Х. Ҳарбийлашган олий таълим тизимида ўқитувчининг психологик компетенциясини ошириш.....64

Қодиров Б. Б. Олий таълим муассасаси ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари.....67

Тураева Д.Р. Ўзбекистонда «Ўқитувчи – ўқувчи» психологик тизимида педагоглар фаолияти услубларининг ўрганилиши.....71

Иноятлов Б. Совершенствование силовых качеств у курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан, специализирующихся по самбо.....76

Тадқиқот, таҳлил, мулоҳаза**Исследование, анализ, дискуссия**

Янгибаев А.К. Сиёсий партиялар ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари.....80

Норбутаев Э.Х. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ва назарий асослари.....84

Юсупова Н. Ислом ҳуқуқида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг ўзига хос жиҳатлари.....87

Имамова Д. Коллизионные вопросы при оформлении внешнеэкономических сделок с культурными ценностями.....92

Э. Эгамбердиев,

ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР, УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ВУЖУДГА КЕЛИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги ва вужудга келиш омиллари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқ, суд, даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар, прокурор, ҳуқуқий муносабат, ҳаракат, юридик факт.

Гражданско-процессуальные правовые отношения, их особенности и факторы возникновения

Аннотация. В статье проанализированы особенности гражданско-процессуальных правоотношений и предпосылки их возникновения.

Ключевые слова: право, суд, истец, ответчик, третьи лица, прокурор, правовые отношения, действие, юридический факт.

Civil-law relations, their features and factors of the background

Annotation. In the procedural article, the features of the civil procedural legal relationship and the prerequisites for its occurrence are analyzed.

Key words: law, court, plaintiff, defendant, third parties, prosecutor, legal relations, action, legal fact.

Ҳуқуқий муносабатлар — мазмун-моҳиятига кўра, барча мустақил ҳуқуқ соҳаларига, шу жумладан фуқаролик процессуал ҳуқуққа ҳам тааллуқли бўлган ўта муҳим назарий масалалардан бири. Ҳар бир ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келса ҳам, объектлари, субъектлари ва мазмуни билан бошқалардан фарқ қилади. Ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун қонунда кўрсатилган омиллар бўлиши шарт.

Ушбу омилларга тўхталишдан аввал фуқаролик процессуал муносабатнинг ўзи нималиги, унинг мазмуни, объекти, қисмларини нималар ташкил қилиши, шунингдек ҳуқуқий муносабатнинг мустақил субъектини атрофлича таҳлил қилиш муҳим.

Ҳуқуқий муносабатлар ўз предметларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жараёнида унинг субъектлари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар шаклида вужудга келади. Бу ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормалари таъсирида ҳуқуқий муносабатларга айланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ишларини фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормаларда белгиланган тартибда кўриб ҳал қилиш жараёнида суд билан ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида вужудга келади. Агар суд ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келган ижтимоий муносабатга фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормалар таъсир этмаса, бу ижтимоий муносабат ўз-ўзидан фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатга айланмайди.

Суд ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида вужудга келган ижтимоий муносабат айнан фуқаролик процессуал ҳуқуққа оид нормалар билан тартибга солинганлиги сабабли фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатга айланади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга катта эътибор берилади. Бунинг асосий сабаби ҳуқуқий тартибга солинадиган

ижтимоий муносабатга фуқаролик процессуал нормаларни татбиқ этишга хизмат қилиши ҳамда процеснинг динамикасини ифода этганлигидир.

Фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш натижасида суд билан ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида вужудга келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат айрим хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар фуқаролик ишларини биринчи инстанция судлари томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриб ҳал қилиш билан узвий бўлган ижтимоий фаолиятнинг ўзига хослигига боғлиқ. Бу ҳуқуқий муносабат бошқа ҳуқуқий муносабатлардан бир неча жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш ваколатига эга судлар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг асосий субъекти ҳисобланади. Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат бошқарув органлари бир-бирлари билан фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатда бўлмайдилар, чунки бу муносабат судсиз вужудга келмайди. Айнан суд фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилиш жараёнини бошқариб, амалга оширади. Шунинг учун фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатни судсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Суд давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлардан бири бўлиб, фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилиш орқали суд ҳокимиятини амалга оширади ва фуқаролик суд ишларини юритиш олдида турган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни бажаради.

Суд фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилиш жараёнини бошқаришда асосий роль ўйнайди. Айнан суд фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилади, ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришларида кўмаклашади. Суд ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш, судга тақдим этилган далилларни ҳар томонлама ва тўлиқ

текшириш асосида кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши бўйича қонуний, асослан-тирилган, ҳамма томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланадиган одил судлов ҳужжати, яъни ҳал қилув қарори қабул қилади.

Иккинчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга эмаслиги ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Моддий ҳуқуқ соҳалари бўлган фуқаролик, оила, меҳнат ҳуқуқи нормалари асосида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатга унда иштирок этувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятга эга эканлиги хос. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатда эса унинг асосий субъектлари бўлган суд билан процеснинг бошқа иштирокчилари ўртасида тенглик бўлмайди, чунки суд одил судловни амалга ошириш ваколатига эга давлат ҳокимияти органидир. Суд билан процеснинг бошқа иштирокчилари ўртасидаги муносабат ҳокимият ва унга бўйсунувчи ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар эса суд ҳокимиятини одил судлов орқали амалга оширолмайдилар, чунки уларга бундай ҳуқуқ берилмаган. Улар бундай ҳуқуқий муносабатнинг мустақил субъектлари сифатида иштирок этадилар.

Фуқаролик суди одил судловни ўзига берилган ваколат доирасида амалга оширади. Зеро, суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи фақат судларга берилган. Шунинг учун суд фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатда тегишли ваколатга эга бўлган субъект сифатида иштирок этади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи бошқа шахслар суднинг ваколатларига эга эмас (масалан, улар суд каби фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошира олмайди). Бундай ваколат фақат судларга берилган.

Учинчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат бошқа ҳуқуқий муносабатлардан субъектлари кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ҳуқуқий муносабат суд билан ишда иштирок этувчи тарафлар (даъвогар, жавобгар), учинчи шахслар, улар-

нинг вакиллари ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш жараёнида юзага келади. Фуқаролик ишини кўриб ҳал қилувчи суд ҳамда ишда иштирок этувчи тарафлар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг асосий иштирокчилари ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатни фуқаролик ишини кўриб ҳал қилувчи судларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Низолашувчи тарафлар (даъвогар ҳамда жавобгар) ўзларининг ўрталарида вужудга келган низо-ни кўриб ҳал қилиб беришни суддан талаб қилишади. Тарафларнинг суд кўриб ҳал қилдиган фуқаролик ишининг оқибатидан ҳуқуқий манфаатдорлиги бир-бирига мос келмайди, аксинча, қарама-қарши манфаат ҳисобланади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, агар фуқаролик иши бўйича низолашувчи тарафлар (даъвогар, жавобгар) бўлмаса, яъни суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибидан кўриб ҳал қилинадиган даъвогар тарафнинг жавобгар тарафга билдирилган моддий ҳуқуқий талабига оид ҳуқуқ тўғрисидаги низо ҳам, суд томонидан кўриб ҳал қилинадиган иш ҳам бўлмайди. Бу ҳолат, ўз навбатида, суд фаолиятининг предмети йўқлигидан далолат беради.

Айрим ҳолларда фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатда судда мазмунан кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишининг характери, аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, ишда иштирок этувчи тарафлардан ташқари, бошқа шахслар (прокурор, вакиллар, таржимонлар, мутахассислар, гувоҳлар, экспертлар) ҳам иштирок этишлари мумкин. Уларнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштироки ишни кўриб ҳал қилувчи суд, кўриб ҳал қилинадиган иш ҳамда низоли муносабатда иштирок этувчи тарафларга боғлиқ.

Фуқаролик процессуал муносабатнинг яна бир ўзига хос жиҳати бундай муносабатнинг фақат ҳуқуқий шаклда бўлишидир. Уларнинг моддий ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилувчи жиҳати шундаки, фуқаролик ҳуқуқий муносабат фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинмаган асосда вужудга келмайди, барча ҳолларда фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда юзага келади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг тузилиши ҳам бундай ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу масала бўйича айрим процессуалист олимларнинг фикрига кўра, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир иштирокчиси фуқаролик процессуал ҳуқуқ ҳамда бурчларнинг келиб чиқиши, фуқаролик ишини процессуал тартибда кўриб ҳал қилувчи суд билан боғлиқ бўлади. Суд процессининг айрим иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар аҳамиятга эга эмас, фақат уларнинг йиғиндисигина мураккаб ҳуқуқий муносабатни ташкил қилади².

Бошқа олимларнинг фикри бўйича, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат ягона ҳуқуқий муносабат эмас, у ягона ишни кўриш мақсади бўйича ҳар бир алоҳида ҳуқуқ, бурч ва уларнинг йиғиндиси асосида суднинг процесс иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган, бир-бирлари билан боғлиқ бўлган, маълум бир тартибда ривожланиб ва бир-бирини алмаштириб борадиган кўп қиррали фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тизимидир³.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳар бири билан суд ўртасида (масалан, ишни кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ ҳолда суд билан даъвогар, жавобгар, учинчи шахс, гувоҳ, экспертлар ўртасида) алоҳида-алоҳида тарзда вужудга келмайди. Бу субъектларни фуқаролик суд ишларини юритиш олдида турган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш манфаати бирлаштиради. Бунинг натижасида суд билан ишда иштирок этувчи шахслар ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида ягона, бир бутун фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат келиб чиқади. Бу ҳуқуқий муносабатнинг асосий субъектлари суд ҳамда ишда иштирок этувчи шахслардир.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат суд ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбурияти бир-бирини алмаштириб бориши натижасида

аста-секин вужудга келади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларининг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг ҳаракатлари билан амалга оширилади. Бу процессуал ҳаракатлар юридик факт сифатида субъектлар учун маълум процессуал ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун қуйидаги омиллар бўлиши керак:

- а) фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари;
- б) фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши;
- в) юридик фактлар.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиришнинг асосий омил бўлган процессуал нормалар қуйидаги хусусиятларга эга:

1) ҳуқуқ нормалари, шу жумладан фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларининг давлат томонидан ўрнатилганлиги;

2) ҳуқуқ нормаларининг умуммажбурий хусусиятга эгаллиги;

3) ҳуқуқ нормаларининг умумий характердалиги;

4) фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган судлар томонидан одил судловни амалга ошириш натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинггина ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши;

5) давлат томонидан ўрнатилган мажбурлаш чоралари, шунингдек давлатнинг мажбурлаш чораларига боғлиқ бўлмаган чораларни қўллаш билан таъминланганлиги;

6) қонун бўйича ўзларига тааалуқли қилиб белгилаб қўйилган фуқаролик ишларини суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида ўз вақтида кўриб ҳал қилиш ва иш юзасидан қонуний, асосланган қарор қилув қарори қабул қилиш.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиришнинг асосий омилларидан бири ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш бўлиб, бу ҳол процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мустақил субъекти бўлиш учун имкон яратади. Шундай экан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш

учун унда иштирок этувчи субъектлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишлари керак. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати барча фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир. Бу қоидага асосан фуқаролик суд ишларини юритишда фақат ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахсларгина иштирок этишлари мумкин.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати моддий ҳуқуқнинг субъектлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларга тенг даражада тегишли бўлади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати фуқаролик процессуал муомала лаёқатидан фарқ қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати — процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати бўлса, фуқаролик процессуал муомала лаёқати эса судда ўзининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати бўлиб, вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир.

Жисмоний шахслар ўн саккиз ёшга тўлганда, айрим ҳолларда (масалан, ўн етти ёшга тўлган қиз никоҳга кирган тақдирда) ундан ҳам аввал тўла муомала лаёқатига эга бўладилар. Юридик шахсларда ҳуқуқ лаёқати билан муомала лаёқати давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир вақтнинг ўзида вужудга келади.

Юридик фактлар ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Процессуал ҳуқуқий муносабат юридик фактларга асосланган ҳолда вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Процессуал ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тугашини ҳуқуқий норма юридик фактлар бор-йўқлигига қараб белгилайди⁴.

Таъкидлаш жоизки, ҳамма юридик фактлар ҳам юридик оқибат келтириб чиқармайди. Бундай оқибат факт суднинг ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида келиб чиқади. Ҳодиса юридик факт сифатида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди, ўзгартирмайди ёки бекор ҳам қилмайди. Ҳодиса фуқаролик ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш учун асос бўлиши мумкин.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва туга-

шида суд ҳамда суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракатлари асосий роль ўйнайди. Чунки фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ўзларига тегишли процессуал ҳуқуқ ҳамда бурчларини айнан ўзларининг ҳаракатлари билан амалга оширадilar. Масалан, даъвогар — судга даъво қилиш ҳуқуқини, жавобгар — эътироз билдириш ҳуқуқини, суд — даъво аризасини қабул қилиб олиш, ажрим чиқариш, ишни кўриб ҳал қилиш ваколатини ўз ҳаракатлари билан амалга оширади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи процессуал юридик фактлар тўғрисида шуни айтиш керакки, бир томоннинг ҳаракати бундай муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун етарли бўлмайди. Масалан, даъвогарнинг даъво аризасини судга тақдим этиши суд билан унинг ўртасида бундай ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирмайди. Бунинг учун суд ҳам унинг даъво аризасини ўз иш юритувига қабул қилиб, иш қўзғатиш билан боғлиқ ҳаракатни амалга ошириши керак. Шундагина суд билан процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат вужудга келади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун юридик таркибни ташкил қилувчи юридик фактлар йиғиндиси, жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг ўзига хослиги ва вужудга келишининг омиллари мавжуд бўлиши керак.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳам бошқа ҳуқуқий муносабатлар каби ўз таркибий қисмларига эга. Бу ҳуқуқий муносабатнинг таркибий қисмларини, яъни элементларини ҳуқуқий муносабатнинг объекти, субъекти ва мазмуни ташкил этади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг объекти тўғрисида юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган. Масалан,

фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг объектини, К.С. Юделсоннинг фикрича — суднинг ижтимоий эҳтиёжни қаноатлантиришга қаратилган одил судловни амалга ошириш борасидаги ҳаракати, М.П. Рингнинг фикрича — суд томонидан ҳимоя қилинаётган моддий ҳуқуқий муносабат, Н.Б.Злидернинг фикрича эса даъволи ишларда низо ташкил қилади.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг объекти фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахсларнинг ўзига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари ва бу ҳаракатлар нимага қаратилган бўлса, шу нарсалар, яъни шахсларнинг бузилган субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг иккинчи элементи бўлган унинг субъектларини фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган судлар, судда кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишининг оқибатидан бевосита манфаатдор бўлган шахслар (даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар), одил судловни амалга оширишда судга ҳамда тарафларга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳ, таржимон, мутахассислар) ташкил қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини аниқлаш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим. Бу масала бўйича ҳам олимлар турли фикрларни билдирган. Масалан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мазмунига, О.М.Чечетнинг фикрига кўра — процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари, В.П. Мазолиннинг фикрига кўра эса, бунга қўшимча тарзда, уларнинг ҳаракатлари ҳам киради.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини бундай муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари ва уларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси ташкил қилади.

¹ Гражданский процесс / Под ред. М. К. Треушникова. — М., 2008. — С. 82.

² Гражданский процесс / Под ред. В. В. Блажеева, Е. Е. Уксусова. — М., 2015. — С. 98.

³ Гражданский процесс / Под ред. М. К. Треушникова. — М., 2008. — С. 25.

⁴ Ярков В. В. Юридический факты в механизме реализации норм гражданского процессуального права. — Екатеринбург, 1992; Гражданский процесс / Под ред. М. К. Треушникова. — М., 2008. — С. 86-87.

А.А. Отажонов,

ИИВ Академияси бошлигининг илмий ишлар бўйича ўринбосари,
юридик фанлар доктори, доцент

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДА УЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида миллий жиноят қонунчилигида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: жиноят субъекти, юридик шахс, юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги, жазо турлари.

Регулирование уголовной ответственности юридических лиц в зарубежном законодательстве и вопросы установления ответственности в национальном законодательстве

Аннотация. В статье на основе анализа зарубежного законодательства рассмотрены вопросы установления уголовной ответственности юридических лиц в национальном уголовном законодательстве.

Ключевые слова: субъект преступления, юридическое лицо, уголовная ответственность юридических лиц, виды наказания.

Regulation of criminal liability of legal entities in foreign legislation and issues of establishing of responsibility in the national legislation

Annotation. In the article, on the base of analysis of foreign legislation, the issues of establishing the criminal liability of juridical persons in the national criminal law are considered.

Key words: subject of crime, legal entity, criminal liability of legal entities, types of punishment.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда 2018–2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур»¹, — деб таъкидлаган эди. Шу боисдан 2018 йил 14 май куни Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизими-ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан жиноят қонунчилигида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаганлиги ушбу соҳадаги камчиликлардан бири сифатида кўрсатилди. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноят қонунида юридик шахслар жиноий жавобгарлигини белгилаш масаласи, авваламбор, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилишни, юридик шахснинг жиноят-ҳуқуқий тушунчаси ва унинг асосий

белгиларини аниқлашни ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими ва ушбу институтни миллий ҳуқуқ тизимига жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тарихий-ҳуқуқий таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи XIX аср ўрталарида Англия ва АҚШ иқтисодиёти улушида корпорация ва компаниялар ролининг ошиши натижасида уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораларини белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Чунки йирик корхона ва ташкилотлар томонидан атроф табиий муҳит, меҳнатни муҳофаза қилиш, монополия ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган жуда катта миқдордаги зарарнинг олдини олиш ва қоплаш заруратини юзага келтирди. Шундан келиб чиққан ҳолда экология соҳасидаги жиноятлар, техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш, тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик шахслар жавобгарлигини белгиловчи нормалар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунга келиб, 70 дан ортиқ мамлакатлар қонунчилигида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланган бўлиб, улар қаторида Австралия, Австрия, Албания, АҚШ, Афғонистон, Бельгия, Босния ва Герцеговина, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Ванауту, Венгрия, Грузия, Дания, Жазоир, ЖАР, Исроил, Иордания, Ироқ, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Канада, Кения, Корея, Куба, Латвия, Ливан, Литва, Люксембург, Македония, Малайзия, Мальта, Марокко, Мексика, Молдова, Нигерия, Нидерландия, Норвегия, Озарбайжон, Покистон, Перу, Польша, Португалия, Руминия, Сингапур, Сурия, Словакия, Словения, Того, Туркия, Украина, Финляндия, Франция, Хорватия, Хитой, Ҳиндистон, Черногория, Чехия, Чили, Швейцария, Швеция, Эстония,

Эфиопия, Янги Зеландия каби давлатларни санаб ўтиш мумкин.

Хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг белгиланиши турлича кўринишни касб этади. Қоидага кўра юридик шахслар жиноий жавобгарлиги Жиноят кодексларида, бироқ айрим ҳолларда бошқа норматив ҳужжатларда (шу билан бирга қонун ости ҳужжатларида) ҳам белгиланган². Хорижий давлатлар жиноят қонунларида юридик шахслар учун жавобгарлик белгилашга оид қоидалар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Бельгия Жиноят кодексига юридик шахслар жавобгарлиги жиноий жазо қўлланилишини назарда тутувчи жиноятлар, ахлоқ тузатиш жазосини назарда тутувчи қилмишлар ва полиция томонидан жазоланадиган ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилган. Бундан ташқари, Австралия, Венгрия, Дания ва АҚШ қонунчилигида юридик шахслар содир этилган ҳар қандай жиноят учун жавобгарликка тортилади. Янги Зеландия ва Покистонда эса юридик шахслар содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг рўйхати алоҳида келтирилади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахслар жавобгарлигини белгилашда икки хил ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Биринчи ёндашувга кўра юридик шахслар жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишнинг субъекти сифатида тан олинаиб, уларга нисбатан тегишли жиноий жавобгарлик чоралари белгиланади (масалан: Австралия, Англия, Ирландия, Канада, Янги Зеландия, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, Австрия, Бельгия, Дания, Исландия, Испания, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Норвегия, Чили, Швейцария, Швеция, Хитой, Албания, Босния ва Герцеговина, Венгрия, Македония, Сербия, Словакия, Словения, Хорватия, Черногория, Чехия, Литва, Молдова, Эстония ва бошқ.) ва иккинчи ёндашув асосида жиноий жазоланадиган қилмишларнинг субъекти сифатида фақат жисмоний шахслар тан олинади, бироқ юридик шахсларга бошқа турдаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида юридик шахслар жавобгарлигига нисбатан ўзига хос ёндашув мавжуд. Масалан, Франция ва Венгрия қонунчилигига кўра, юридик шахслар, содир этилган жиноий қилмиш учун жисмоний шахс аниқланган тақдирда жавобгарликка тортилади. Бельгия, Исландия, Словакия, Словения ва Финляндия қонунчилигида, жиноят содир этилишида айбдор бўлган жисмоний шахслар аниқланган ёки аниқланмаганидан қатъи назар, юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади.

Шунингдек, хорижий давлатларда юридик шахс мақомини қонунчиликда ифодалаш борасида ҳам турли иборалардан фойдаланилади. Масалан, Канада қонунчилигида ташкилотларни жавобгарлик субъекти сифатида белгилашда давлат органи, юридик шахс, жамият, фирма, корхона, ширкат, касаба уюшмаси ҳамда умумий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилган, бошқарув тузилмасига эга бўлган шахслар бирлашмалари назарда тутилади. Бельгия жиноят қонунида юридик шахслар жиноий жавобгарлик субъекти сифатида вақтинчалик бирлашма ва ноошкора ширкатлар ҳамда ташкил этилган ёки ташкил этиш босқичида бўлган тижорат ширкатлари тарзида ифодаланади.

Молдовада ҳокимият органлари, Бирлашган Араб Амирликларида ҳукумат ва унинг органлари, департаментлари ва жамоат бирлашмалари юридик шахс сифатида жавобгарликка тортилмайди. Франция, Бельгия, Дания ва Исландия давлатлари қонунчилигида эса ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам юридик шахс сифатида жавобгарликка тортилади. Фақат ушбу мамалакатлар жиноят қонунчилигида давлатни жиноий жавобгарликка тортиш истисно этилади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахсларга жиноий жазо белгилашда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Австрия давлати жиноят қонунчилигида юридик шахсларга барча тоифадаги субъектлар учун тайинланадиган жазолар қўллани-

лади ҳамда қонунчиликнинг айрим нормаларида назарда тутилган жазо турлари юридик шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳақидаги изоҳлар берилади. Аксарият давлатлар қонунчилигида фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган махсус жазо турлари алоҳида тарзда белгиланади.

Кўпгина давлатлар қонунчилигида юридик шахсларга жарима жазоси қўлланилади. Ушбу жазо юридик шахс жавобгарлигини назарда тутувчи (Албаниядан ташқари) деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида назарда тутилган. Хусусан, Австралия, Австрия, Дания, Ирландия, Исландия, Литва, Янги Зеландия, Швейцария, Хитой ва Финляндия жиноят қонунчилигида жарима жазоси (корпоратив жарима) юридик шахсга тайинланадиган ягона жазо тури ҳисобланади. Бошқа бир қатор давлатлар қонунчилигида юридик шахсларга қўлланиладиган жазо турлари икки ва ундан ортиқдир. Масалан, юридик шахсларга тайинланадиган жазо тури Норвегияда иккитани, Испания ва Перуда тўрттани, Бельгияда олтитани ва Францияда тўққизтани ташкил этади.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлилига кўра, юридик шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо турлари қаторида жаримадан ташқари қуйидагилар ҳам назарда тутилган: 1) мусодара қилиш (Албания, Бельгия, Ироқ, АҚШ, Франция); 2) юридик шахс фаолиятини чеклаш, шунингдек алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишни тақиқлаш, бўлинма ёки филиалларни ёпиш (Албания, Бельгия, Испания, Литва, Молдова, Перу, Франция); 3) юридик шахс фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш (Испания, Перу); 4) юридик шахсни тугатиш (Бельгия, Литва, Молдова, Перу, Франция); 5) ҳукми оммавий эълон қилиш (Бельгия, Франция) каби жазолар.

Шу билан бирга, Франция қонунчилигида, юқорида таъкидланганлардан ташқари, юридик шахсларга нисбатан муайян муддатга суд назоратига олиш; айрим ҳуқуқларини чеклаш, масалан, давлат билан тузиладиган шартномаларда иштирок этиш ҳуқуқидан,

қимматли қоғозлар ёки омонатларини кўйиш бўйича оммага мурожаат этиш ҳамда кредит карточкалари ёки чек билан мурожаат этиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш; бир ёки бир неча турдаги жамoa ёки касбий фаолият билан бевосита ёки билвосита шуғулланиш-ни тақиқлаш, бутун ташкилотни ёхуд унинг бир ёки бир неча бўлимлари фаолиятини тугатиш каби жазолар ҳам қўлланилади.

Қоидага кўра, юридик шахсларга қўлланиладиган жазо турлари ҳам асосий ва қўшимча жазо турларига ажратилади. Аксарият давлатлар қонунчилигида жарима ва юридик шахсни тугатиш асосий жазо турлари сифатида қўлланилади. Бошқа турдаги жазолар давлатларнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тури сифатида тайинланади. Масалан, Молдова қонунчилигида жисмоний шахсни муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва унинг фаолиятини тугатиш ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида назарда тутилган.

Шунингдек, юридик шахснинг жиноий жавобгарлигини белгилаш ҳақидаги талаблар турли халқаро ҳужжатларда ҳам белгиланган. Масалан, бундай ҳужжатлар қаторида «Янги халқаро иқтисодий тартиб ва ривожланиш контекстида жиноий одил судлов ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги раҳбарий принциплар (Ҳуқуқбузарлар билан муаомала қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича БМТнинг еттинчи Конгрессида қабул қилинган Милан ҳаракатлар режасига илова, Милан (Италия) 26 август – 6 сентябрь 1985 йил), «Хўжалик фаолияти юритиш вақтида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахс бўлган корхоналарнинг жавобгарлиги тўғрисида» тавсиялар (Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 1988 йил 20 октябрдаги R (88) 18-сонли қарори билан қабул қилинган), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши (Нью-Йорк) ва 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциялари ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Жисмоний шахсларнинг айбли қилмиши учун юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ижтимоий хавфли қилмиш юридик шахс манфаатлари учун ёки унинг функцияларини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир этилганида келиб чиқади. Шу боис юридик шахснинг жавобгарлиги жиноий қилмишнинг юридик шахс фойдасини кўзлаб ҳамда унинг раҳбари ёки вакили томонидан содир этилганлиги билан боғлиқ.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини тўлдириш мажбуриятдан, шунингдек айбдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий жиноят қонунчилигида қилмиш учун юридик шахслар жавобгарлигини белгилашга оид нормаларини такомиллаштиришда унинг тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятга алоқадорлик ҳолатлари юридик шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос сифатида инобатга олиниши лозим. Жумладан, бошқарув функцияларини бажараётган ёки унга раҳбарлик қилаётган ёхуд унда фаолият юритаётган шахснинг жиноий қилмиши юридик шахс манфаатларини кўзлаб содир этилганида, шунингдек юридик шахс имкониятларидан жиноят содир этиш ва уни яшириш мақсадида фойдаланганида, юридик шахс ҳисобварақларидаги маблағ жиноятни молиялаштириш мақсадида ишлатилганида, жиноят натижасида топилган мол-мулк ва маблағ юридик шахс эҳтиёжлари учун ишлатилганида, юридик шахс номидан жиноят содир этиш ёки яшириш учун фойдаланилганида юридик шахс жиноятга алоқадор деб топилади.

Жиноятга алоқадор ва белгиланган тартибда юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро

ташкилот деб топилган юридик шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Бунда давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини истисно этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, миллий қонунчиликда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган юридик шахслар қабул қилган қарорлар оқибатида ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этиши натижасида келиб чиққан зарарни қоплаган ҳамда жиноятни фош этишда фаол қўмаклашган тақдирда уларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўлламасликка оид нормалар назарда тутилиши лозим.

Юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда уларга нисбатан огоҳлантириш, махсус рухсатнома ёки имтиёзлардан, муайян турдаги фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширишни чеклаш ва уларни мажбурий

тугатиш каби жазо чораларини назарда тутиш мумкин. Жазо тайинлаш учун ушбу турдаги жазо чораларини танлашда юридик шахслар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, бунинг натижасида келиб чиққан жиноий оқибатнинг оғирлиги, унинг жиноятга алоқадорлик даражаси, жиноят оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қилганлиги инобатга олиниши лозим.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида юридик шахсларнинг жиноят содир этганлиги тўғрисидаги суд қарори кучга кириши билан юридик шахсни судланган деб топиш ҳақидаги нормалар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Мухтасар айтганда, бугунги шароитда юридик шахсларга жиноий жавобгарлик белгилаш масаласи жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнларида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, корпоратив жиноятчиликка қарши курашда халқаро алоқаларни кенгайтиришга ҳамда мавжуд қонунчиликни унификация қилишга оид қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ <http://uza.uz>

² Федоров А.В. Оценка эффективности ответственности юридических лиц как одно из направлений партнерства государства и бизнеса в противодействии коррупции // Юридический мир. – 2015. – № 12. – С. 37.

Ш. У. Якубов,

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати, юридик фанлар номзоди, доцент*

ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг конституциявий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: давлат, фуқаролик жамияти, ҳамкорлик.

Конституционно-правовые основы сотрудничества государства и институтов гражданского общества

Аннотация. В статье проанализированы конституционно-правовые основы сотрудничества государства и институтов гражданского общества, даны предложения по совершенствованию правового механизма данного сотрудничества.

Ключевые слова: государство, гражданское общество, сотрудничество.

Constitutional and legal bases of cooperation between the state and civil society institutions

Annotation. The article analyzes the constitutional and legal framework for cooperation between the state and civil society institutions, and offers suggestions for improving the legal framework for this cooperation.

Key words: state, civil society, cooperation.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига яқинда чорак аср тўлди. У давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида амал қилмоқда. Асосий қонунимиз ўтган қисқа тарихий давр мобайнида янги демократик ўзбек давлатчилиги ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг барқарор қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг бири-бири олдидаги масъулияти, давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатларнинг чегаралари ҳақидаги сиёсий ва ҳуқуқий қоидалар баён этилган. Хусусан унинг 58-

моддасига мувофиқ, «давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди».

Модданинг биринчи қисмида давлатнинг мазкур соҳадаги икки асосий мажбурияти белгиланган: биринчиси — жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш; иккинчиси — уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб бериш.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида эса Ўзбекистонда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жамоат бирлашмалари фаолиятига ва аксинча, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги муҳим қоида сифатида мустақамланган.

Ушбу конституциявий норманинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти катта бўлиб, унда давлат ва жамият муносабатларининг ўзаро ҳурмат ва масъулият каби демократик мезонларга асосланганлиги кўрсатиб ўтилган. Давлатнинг жамоат бирлашмалари олдидаги масъулияти ва қонунчиликда белгиланган мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолияти учун тенг имкониятлар яратиб берилиши давлат ва жамиятнинг бир бутун организм сифатида шаклланиши, уларнинг ҳамкорлиги ва бир-бирига таъсир этиш механизмларига куч берадиган асос ҳисобланади.

Ушбу қоидалар, туб моҳиятига кўра, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини Конституция даражасида кафолатлаши билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш каби энг эзгу мақсадга йўналтирилган. Шу жиҳатдан, мазкур норманинг умум эътироф этган халқаро мезонлар асосида шакллантирилганлигини алоҳида қайд этиш ўринли. Хусусан, ушбу конституциявий қоидада давлат томонидан жамоат бирлашмаларининг эркин фаолиятига шарт-шароит яратиб беришдек жиддий талаблар ўз аксини топган.

Бу талаблар халқаро ҳужжатларда ҳам белгиланган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсоннинг тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эгаллиги; ҳеч ким бирор уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган (20-модда). Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасида «ҳар бир инсон бошқалар билан уюшмалар тузиш, жумладан, касаба уюшмалари ташкил этиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга»лиги қайд этилган.

Давлат мазкур соҳадаги конституциявий мажбуриятларини турли ҳуқуқий шаклларда бажаради.

Биринчидан, у соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантиради, жамоат бирлашмалари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланишини таъминлайди ҳамда бу соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этишнинг самарали тизимини яратади.

Бу вазифалар айрим соҳавий қонунларда янада мукаммал ёритилган. Жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотига «...ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш; ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш; оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш; уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш; ўз рамзий белгиларини таъсис этиш; ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш»¹ ҳуқуқлари берилган.

Ушбу қонунда юқоридаги нормаларни амалга ошириш механизмлари ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, унинг 4-моддасига асосан, «давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин».

Давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамоат бирлашмаларига муайян имтиёзлар

бериш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фаолият юритишлари учун шароитлар яратиб бериш, уларни ҳар хил ноқонуний назорат ёки тазйиқ ўтказиш ҳаракатларидан ҳимоя қилиш орқали уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди.

Масалан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида қайд этилишича, «давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради»².

Иккинчидан, давлат жамоат бирлашмаларига уларнинг ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. «Тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш» қонунининг ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан муҳим бўлиб, унинг Конституцияда белгиланиши жамиятда ижтимоий адолат принципи нақадар юксак даражада амал қилаётганлигини кўрсатади.

Тенг ҳуқуқий имкониятлар деганда жамоат бирлашмаларининг барча турлари ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда, ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этишда, қонуний ҳимоя восита ва механизмларидан фойдаланишда, давлат органлари билан муносабатларда, солиқ имтиёзларида ва бошқа преференциялар тақдим этилишида, давлат грантлари ва субсидияларини олишда ҳамда моддий ва молиявий қўллаб-қувватлашда бир хил ҳуқуқларга эга бўлиши тушунилиши лозим.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан, нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий

инфратузилмани ривожлантириш солиғини, шунингдек Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган.

«Тенг ҳуқуқий имкониятлар» тушунчаси ҳуқуқий давлатнинг қонун олдида ҳамманинг тенглиги принципини янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, у Конституция асосида қабул қилинган қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Буни «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасидаги қоидадан кўришимиз мумкин, яъни «давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради»³. Дарҳақиқат, давлат турли сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш орқали Конституцияда белгиланган фикр, қараш ва ғоялар хилма-хиллиги принципини амалга оширишларида тенг ҳуқуқий имконият яратиб бериши лозим.

58-модданинг иккинчи қисмида қайд этилган давлат ва жамоат бирлашмалари бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ҳақидаги норма ҳам сиёсий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Мазкур қоида, бир томондан, жамоат бирлашмаларини турли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг тазйиқидан асраб, уларнинг эркин фаолият юритишини кафолатласа, бошқа томондан, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига жамоат бирлашмалари асосиз аралашувининг олдини олишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, давлат бошқаруви тизимидаги барқарорликни таъминлайди.

Ушбу қоида айни вақтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожидида муҳим муаммоларни ҳал этиш борасида давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасида тенг ҳуқуқли шериклик муносабатлари ўрнатишга мустаҳкам асос яратади.

Ушбу конституциявий норманинг янада кенгроқ баёнини 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида ҳам кузатиш мумкин. Унда белгила-нишича, «фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шерик-лик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ-лари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида қурилади. Давлат органлари фондларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларига риоя этилишини таъминлайди, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувват-лаши мумкин. Шу билан бирга, давлат орган-лари ва уларнинг мансабдор шахслари фонд-лар фаолиятига аралашшига, шунингдек, фондларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралаш-шига йўл қўйилмайди»⁴.

Қонун жамоат бирлашмалари фаолияти-га оид норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратининг шакллари белгилаб беради. Масалан, қонунда белгиланган ҳолатлардагина жамоат бирлашмалари тегишли давлат органларига ўз фаолияти тўғрисида маълумот бериб туради. Молия идоралари жамоат бирлашмаларининг маблағ билан таъ-минланиши ва улар даромадларининг ман-баларини назорат қилиб боради. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олади ва унинг фаолияти мақсадга мувофиқлигини, устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади.

Жамоат бирлашмаси қонунга зид хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда, фақат суд қарорига биноан тугатилиши мумкин («Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлаш-малари тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси).

Албатта, давлат ва жамоат бирлашма-лари бир-бирининг фаолиятига аралашмас-лиги ҳақидаги қонуннинг Конституция даражасида мустақамланиши амалда бундай ҳаракатлар учун юридик жавобгарликка тортиш заруратини юзага келтирган.

Масалан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун-нинг 21-моддасида мазкур қоидаларни бузган-лик учун жавобгарлик асослари ҳам белги-ланган. Унга кўра, «жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, мод-дий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади»⁵.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (216, 216¹-моддалари) ёки Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (202¹, 239, 239¹-моддалари)да ҳам мазкур ҳаракатлар учун давлат ва жамоат идора-ларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқароларнинг жавобгарлиги белгиланган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари-даёқ Конституция ва қонунларда турли жамоат бирлашмалари фаолиятига оид асо-сий принципларнинг мустақамлаб қўйил-гани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотларнинг кенг тармоқлари ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Ўтган даврда мамлакатимизни демокра-тик янгилаш жараёнида жамоат бирлашмалари-нинг аҳамиятини кучайтиришга, фуқаро-ларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига катта эътибор берилганли-гини кўрсатади.

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати-нинг тегишли қўшма қарори асосида мамлакат парламенти ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилиши билан янги босқичга кўтарилди. Бу Фонд маблағларини самарали ишлатиш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилиб, унинг таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутат-лар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари киритилган.

Мазкур жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилади⁶. Масалан, ана шу мақсадда 2010 йилда — 4,5 млрд, 2013 йилда — 7 млрд, 2017 йилда эса 12 млрд сўм ажратилган⁷.

Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг роли ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари доимо давлат эътиборида. Шу сабабли ушбу соҳага тегишли қонунларни қабул қилиш ҳамisha кун тартибида туради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, 2014 йилда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам жамоат бирлашмалари фаолиятини янги мазмун асосида такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Нуроний», «Маҳалла» каби жамоат ташкилотларининг фаолиятини ислоҳ қилиш борасида 2016 ва 2017 йилларда чиқарилган 10 дан ортиқ фармон ва фармойишлар ҳам фикримиз далилидир. Президентнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси каби жамоат бирлашмаларига

эътибори, барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасидаги ташаббуслари мазкур конституциявий норманинг амалий ижроси сифатида баҳоланиши мумкин. Айниқса, 2017 йил 7 февралдаги Президент Фармони⁸ асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида жамиятда жамоат бирлашмалари, хусусан фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш масалалари алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини 2017 йил — «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 48 ва 50-бандларида мазкур йўналишда бир қатор вазифалар белгиланган⁹.

Улардан келиб чиқиб, 2017 йилда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қатор янгиликлар киритилди. Бу орқали давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари янада такомиллаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоидалар мамлакатимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиш ва самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1999. — № 5. — 115-м.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1991. — № 4. — 76-м.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 2. — 36-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2003. — № 9—10. — 141-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1991. — № 4. — 76-м.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ноtijорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг расмий веб-сайти www.fundngo.uz.

⁷ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. — Т., 2016. — Б. 11.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — 13 февр. — № 6. — 70-м.

⁹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (ЎЗР Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова); 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (ЎЗР Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармонида 8-илова). // www.lex.uz.

С. Н. Бердикулов,

*ИИВ Академияси малака ошириш факультети юридик ва махсус фанлар кафедраси
профессори вазифасини бажарувчи, фалсафа фанлари доктори, доцент*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ПРИНЦИПНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада қонун устуворлигининг моҳияти, мутафаккирларнинг қонун устуворлиги ҳақидаги илмий қарашлари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида қонун устуворлиги принципининг ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: қонун, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқ, эркинлик, адолат, ҳуқуқий маданият, қонун устуворлиги, қонунга итоаткорлик.

Значение принципа верховенства закона в деятельности сотрудников органов внутренних дел

Аннотация. В статье исследованы сущность верховенства закона, научные взгляды мыслителей о верховенстве закона, роль и значение верховенства закона в деятельности сотрудников органов внутренних дел.

Ключевые слова: закон, правовое государство, право, свобода, справедливость, правовая культура, верховенство закона, подчинение закону.

The meaning of the principle of the rule of law in the activity of officers the organs of internal affairs

Annotation. The article deals with the essence of the rule of law, scientific views of thinkers about the rule of law and role and significance of rule in the activities of officers the organs of internal affairs.

Key words: law, legal state, right, freedom, justice, legal culture, rule of law, obedience to law.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бундай давлатда инсон ҳуқуқлари, эрки, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланади. Унда қонун ҳукмронлик қилиб, ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари қонун асосида яратилади.

Қонун устуворлиги принципи истиқлолнинг илк даврларида қабул қилинган ҳамда муваққат конституция вазифасини ўтаган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамланди. Кейинчалик бу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз конституциявий тузумининг асосий принципларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Конституциямизда белгиланган **қонун устуворлиги** принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир»¹.

Ушбу конституциявий принципнинг мамлакатимизда тўлақонли амалга ошиши улкан аҳамият касб этади. Зеро, «**жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш** — амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир»².

Қайси мамлакатда қонун устувор бўлиб, фуқаролар қонунга итоаткор бўлса, ўша мамлакатда жамият тараққий этади, шахс

ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланади. Бу борада Соҳибқирон Амир Темур шундай деган: «Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашшига ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди»³.

Авестонинг иккинчи китоби «Ясна»нинг 7-бобида айтилишича, Ахурамазда юборган қонун-қоида, тартибот, ахлоқий ўғитларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан галаба қилади⁴. Ушбу муқаддас китоб ўғитлари қадимдан халқимиз томонидан ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига қатъий амал қилишларига дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, адолат қарор топиши учун қонунга мурожаат қилинади. Қонун орқали жамиятда юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликлар, адолатсизликлар барҳам топади. Қонунларга итоат этилиши натижасида жиноятларнинг олди олинади, қонунларни четлаб ўтиш ёки бузиш каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмайди. Бу эса жамиятда қонунга итоаткорликнинг объектив зарурати ҳисобланади.

Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳақиқий, одилона татбиқ этилишидадир. Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари ходими ўз ваколатларига масъулият билан ёндашса, Ватан, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблашса, қонунларни турмушда адолатли қўлласа, жамият равнақ топади. Қонун халқнинг иродаси билан қабул қилинган ҳужжат бўлиб, ҳатто давлат бошлиғи ҳам ундан юқори тура олмайди⁵. Қонун устувор бўлган мамлакатда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги таъминланади. Бундан нафақат давлат, балки мана шу мамлакатда истиқомат қилаётган халқ ҳам катта наф қўради.

Адолатли жамият қонун устуворлиги асосида қурилади. Бу ҳақдаги фикрларни мутафаккир давлат арбоби Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» (XI аср) асарида ҳам учратиш мумкин. Унинг таълимотида адолат, инсоф, ахлоқ ва қонун ижтимоий-сиёсий

категориялар сифатида талқин қилинади. Унинг фикрича: а) давлат тизимига раҳбарларни жиддий текширувлардан ўтказиб, уларнинг шахсий ва ахлоқий хислатларини ўрганиш асосида танлаш лозим; б) раҳбарлар қонунга итоаткор бўлишлари ва уларнинг ижросини таъминлашда ахлоққа суянишлари даркор; в) қарорлар қабул қилишда, қонунчиликни яратишда кўпчиликнинг фикрига, хоҳиш ва иродасига суяниш керак. Қолаверса, «кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак. Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди»⁶.

Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида қуйидагиларни ўқиймиз: «Давлатнинг одату қонунига мувофиқ иш юргиздилар, зулм қўлини калта қилиб, адолат паноҳида мазлумларга жой бердилар, токи тўғрилиқ меваларини ростлик дарахтидан терсинлар»⁷. Ушбу фикрнинг асосида қонун устуворлиги масаласи эътироф этилган. Қонунларга итоат этиш, риоя қилиш қонунларнинг ижро этилишини таъминлайди. Қонун оддий фуқародан то мансабдор шахсгача кўзда тутилган ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда адолатни таъминлаб беради.

Жадидлар ҳам қонун устуворлиги масаласида ўз таълимотларига эга бўлишган. Улар фуқароларнинг қонун олдида ҳам, ҳукумат олдида ҳам тенг бўлиши тарафдори бўлганлар. Улар «қонунлар ва ҳукумат фуқароларни уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан, моддий ва конфессионал мансублигидан қатъи назар, манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини бир хил ҳимоя қилишлари лозим»⁸, деган фикрни билдирадилар.

Адолат тантана қилган жойда ўсиш, ривожланиш, тараққиётга эришилади. Аксинча, адолатсизлик авж олган пайтда жамиятни парокандалик, турғунлик қамраб олади, ижтимоий-сиёсий барқарорликка путур

етади. Шу сабабли ҳам адолатсизлик жамиятининг энг жирканч илллати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида: «Халқ очликка, ночорликка — ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин билиб қўйинглар, адолатсизликка чидамайди!»⁹, — дея айнан адолатсизликни қаттиқ қоралаган.

Қонун устуворлиги деганда оддий фуқародан мансабдор шахсгача қабул қилинган қонунларни ҳурмат қилиши, уларга амал қилиши, уларнинг ижросини таъминлаши тушунилади. Айниқса, ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатга хос бўлиб, у жамиятнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлашга хизмат қилади.

Қонун билан яшаш миллат вакиллари-нинг дунёқарашига айланишига эришиш миллий ривожланишнинг муҳим йўналишини ташкил қилади. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим»¹⁰.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади»¹¹. Шу боис бугун ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида бу масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ички ишлар органларининг ўрни алоҳида.

Жамиятда қонуннинг ролини ошириш, уни бажариш барча учун мажбурийлиги муҳимдир. Бунда қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонуннинг роли ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзбошимчалик билан қонунга асосланмаган қарорлар чиқаришига қарши унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ¹². Зеро, жамоатчи-

лик назоратининг асосий вазифаси ҳам қонуннинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилгандир.

Маълумки, жамоатчилик назоратини олиб боровчи субъектлар ижроия ҳокимиятининг фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар. Бу, ўз навбатида, ижроия ҳокимият вакили сифатида ички ишлар органларини ҳам четлаб ўтмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сон (2017 йил 10 апрель) фармонида «ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш»¹³ вазифаси қўйилган. Демак, бу ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти халқ назоратида эканлигини англатади.

Ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 3528-сон (2018 йил 14 февраль) қароридан «Тошкент шаҳрининг туманларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммоли оилалар билан ишлаш устидан назорат қилиш жамоатчилик кенгашларини тузиш»¹⁴ лозимлиги белгиланган. Эндиликда пойтахт туманларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммоли оилалар билан ишлаш масалалари қай тартибда ташкил этилаётганига катта эътибор қаратилади. Шундай экан, ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида қонун устуворлиги принципига оғишмай

амал қилсалар, уларнинг фаолияти жамоатчилик назорати субъектлари томонидан салбий тавсифланмайди.

Ички ишлар органлари ходимлари олдида турган энг муҳим масалалардан бири давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда инсон олий ижтимоий қадрият эканлиги принципига амал қилишдир. Мамлакатимиздаги барча ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур принципга асосланиб фаолият олиб бориши муҳим. Фикримизча, ҳозирда барча давлат ва жамоат органларининг фаолияти ҳам ана шу принципни имкон қадар тўлиқ ва кенг қўламда амалга оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда «инсон манфаатлари — олий қадрият» қондаси амалий ифодасини топмоқда. Ушбу жараёнда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам роли катта. Ходимлар инсон манфаатларини ҳимоя қилишга масъулдирлар ва шунга кўра фаолият олиб боришлари зарур.

Қонунларга итоат қилишда унинг ижросини таъминлаш учун масъул кишилар доим оддий фуқароларга ўрнатилган бўлиши лозим. Шу маънода, қонун устуворлигини таъминлашда фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлар кўпроқ етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқ ости қилиниши, улардан ғараз мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказди, халқнинг норозилиги ва ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши ёки этилмаслиги «фуқаро — давлат» муносабатларининг бутун бир тизимидаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради.

Шу ўринда ички ишлар органлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур деб ўйлаймиз. Зеро, ислохотларни амалга оширишда, жойларда адолат қоидаларини ўрнатишда уларнинг ўрни катта бўлиши зарур. Айрим ҳолларда улар томонидан инсон

ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, афсуски, содир этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев: «Қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур»¹⁵, — деган эди. Бу эса, ўз навбатида, соҳада хизмат қилаётган раҳбар ва мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу борада 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

«Қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак»¹⁶. Бунинг учун ички ишлар органлари оддий ходимдан раҳбарига қадар, аввало, уларнинг ўзлари томонидан қонунларни «айланиб ўтиш», бузиш ҳаракатларига чек қўйилиши шарт. Чунки ходимлар томонидан қонунларнинг бузилишига қаратилган кичик хатти-ҳаракат ҳам нафақат умумий тараққиётга зарар етказди, балки фуқароларнинг уларга нисбатан ишончи барбод бўлишига ҳам олиб келади.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг тез суръатлар билан кечаётгани, жаҳон афкор оммасини ташвишлантираётган глобал муаммоларнинг тобора салбий тус олаётгани республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятни янада модернизациялаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришни объектив заруратга айлантормоқда. Ушбу заруратни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони қабул қилинди. Фармонда давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш билан боғлиқ жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар қўйилди. Хусусан, унинг «Жиноятчиликка

қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» деб номланган бандида белгиланган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самардорлигини ошириш; экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни янада кучайтириш; коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самардорлигини ошириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш ана шулар жумласидандир.

Умуман олганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ички ишлар органларида фаолият юритувчи ходимларнинг ўрни беқиёс. Ҳаёт уларга қўйиладиган талабларни, яъни қонунга

итоаткорликни узлуксиз ошириб бормоқда. Бу талаблар жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида тобора кўпаймоқда. Чунки ички ишлар органлари олдида турган вазифалар кундан-кунга мураккаблашиб, кўп қиррали ва масъулиятли бўлиб бормоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан турли ҳаётий вазиятларга дуч келдилар, ишчидан тортиб ашаддий жиноятчигача бўлган ҳар хил одамлар билан мулоқотда бўладилар. Бу эса улардан юксак даражадаги маданият, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлиш ҳамда хушмуомалаликни талаб этади. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиб, ахлоқан бенуқсонлиги ва шахсий камтарлиги билан ажралиб туришлари керак. Уларнинг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган талаблар мажмуи фаолиятдаги мазкур хусусиятлар билан боғлиқ. Шунингдек, бугун ички ишлар органлари ходимлари аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишлари мўҳим.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 7 дек.

² *Мирзиёев Ш.М.* Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир // URL — <http://uzlidep.uz/uzc/news>

³ Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдухалимов ва бошқ. — Т., 2012. — Б.88.

⁴ *Нурматова М.* Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари. — Т., 2008. — Б. 9.

⁵ *Руссо Ж.Ж.* Трактаты. — М., 1969. — С. 177.

⁶ *Низомулмулк.* Сиёсатнома. — Т., 1997. — Б. 98.

⁷ *Ҳофиз Таниш ал-Бухорий.* Абдуллонома (Шарофномаи шоҳий). Иккинчи китоб. — Т., 2000. — Б. 106.

⁸ *Шарипов Р.Ҳ., Муҳиддинова Ф.* Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири — XX аср бошлари). — Т., 2004. — Б. 135-136.

⁹ *Каримов И. А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., 2011. — Б. 431.

¹⁰ *Мирзиёев Ш.М.* Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир // URL — <http://uzlidep.uz/uzc/news>

¹¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 7 дек.

¹² Доктрины правового государства и верховенства права в современном мире. — М., 2013. — С. 270.

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-м.

¹⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15.02.2018 й., 07/18/3528/0698-сон.

¹⁵ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 7 дек.

¹⁶ *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. — Т., 1996. — Б. 285.

Н. Б. Шоимов,

*ИИВ Академияси малака ошириш факультети юридик ва
махсус фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди*

ҲАМКОРЛИК – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг экологик хавфсизликни таъминлаш фаолияти шаклларида бири бўлган «ҳамкорлик» тушунчаси таҳлил қилинган, экологик хавфсизликни таъминлашда ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: экологик хавфсизлик, ички ишлар органлари, ҳамкорлик.

Сотрудничество органов внутренних дел как форма взаимодействия в сфере обеспечения экологической безопасности

Аннотация. В статье рассмотрено понятие сотрудничества как вид деятельности органов внутренних дел по обеспечению экологической безопасности, даны предложения и рекомендации по совершенствованию сотрудничества органов внутренних дел с другими органами и организациями в сфере обеспечения экологической безопасности.

Ключевые слова: экологическая безопасность, органы внутренних дел, сотрудничество.

Cooperation as a form of activity of providing ecological safety with organs of internal affairs

Annotation. The article deals with the essence of cooperation of ecological safety as a form of activity of organs of internal affairs and recommendations on improvement cooperation of organs of internal affairs with other organizations are given.

Key words: ecological safety, organs of internal affairs, cooperation.

Экологик муаммолар солаётган хавф ва унинг оқибатлари, яъни у билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг учраб туриши бугунги кунда уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан махсус комплекс профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Бундай комплекс профилактик чора-тадбирлар айтиқса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Табийки, ички ишлар органларининг бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритиши ана шундай чора-тадбирлардан бири бўлиб, айти вақтда ички ишлар органларининг экологик хавфсизликни таъминлаш шаклларида бири ҳамдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари

тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги қайд этилган бўлиб, унга асосан ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни амалга оширади¹.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат

хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

Қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай давлат идораси бошқа идоралар билан ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ички имкониятлари доирасида ўз фаолиятининг самарадорлигини тўлиқ таъминлай олмайди. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда таркибий тизимга кирувчи тармоқ хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни ташкил қилади ва амалга оширади.

Хусусан, ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Давлат экология қўмитаси, ИИВ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1996 йил 31 мартдаги 12/79/137-сонли қўшма буйруғига мувофиқ, «Тоза ҳаво» тадбирини мунтазам равишда амалга ошириб келмоқда.

Тадбир ҳар йили мамлакатмизнинг барча ҳудудларида икки босқичда ўтказилади. Тадбир жараёнида автотранспорт корхоналари (АТК), автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ), техник хизмат кўрсатиш шохобчалари (ТХКШ), автотаъмирлаш заводларининг (АТЗ) экологик ҳолати текширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 2-иловаси бўлган ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш

тартиби тўғрисидаги Низомнинг 88-бандига асосан, ички ишлар органлари браконьерликка қарши курашиш бўйича тезкор рейдларда, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш органлари, овчиликдан фойдаланувчилар ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда иштирок этиши қайд этилган².

Шу билан бирга, ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 370-сонли қарорига³ асосан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси билан ҳамкорликда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбирлар (рейдлар) ўтказилади.

Умуман, ички ишлар органлари томонидан табиатни муҳофаза қилувчи органларга бериладиган ёрдамнинг нисбатан кенг тарқалган шаклларида қуйидагилар киради: ҳамкорликда комплекс режалар ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарларни ушлаш ва уларнинг шахсини аниқлашда қатнашиш; ов қилиш ва балиқ тутиш қуроллари ва усулларини текшириш; патруллик, рейд ва пистирмалар ташкил қилиш; браконьерлардан ноқонуний ов ва балиқ тутиш қуролларини олиб қўйиш; экологик қонунларни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқаролардан тушунтириш хатлари олиш; баённомалар тузиш ва ҳоказо.

Рейд ва патрулликларни ташкил қилиш тадбирларини бажаришга ички ишлар органларининг барча хизмат ходимлари каби, давлат йўл-патруль хизмати, жиноят қидирув ва бошқа хизмат ходимлари жалб

қилинадилар. Браконьерларни аниқлаш ва ушлашнинг нисбатан самарали усулларига сув объектлари, овчилик хўжаликлари бўйлаб рейдлар уюштириш; махсус постлар қўйиш; сув ҳавзаларига ва овчилик хўжаликлари ҳудудларига олиб борувчи йўлларга пистирмалар қўйиш кабилар кирази.

Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси ИИВ ташкилотчилиги доирасида бошқа мутассади ташкилотлар ҳамкорлигида республикада экология борасида «Тўр» тадбирининг ўтказилиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу тадбирда барча ҳудудий ички ишлар идоралари назорат-лицензиялаш тизими, жиноят қидирув, йўл-патруль хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари, «Давбионазорат» инспекторлари, овчилар ва балиқ тутувчилар жамиятлари аъзоларидан иборат махсус гуруҳлар тузилади. Гуруҳ аъзолари мавжуд сув ҳавзалари, бозорлар ва улар атрофидаги ҳудудларда белгиланган режа асосида рейдлар ўтказишади.

Бу тадбир жараёнида ички ишлар идоралари ходимлари браконьерларни ушлаш ёхуд ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг бузилиши аниқланган ҳолларда баённомалар тузиш ҳамда ноқонуний ов ва балиқ тутиш қуролларини олиб қўйиш чораларини кўриб, уларни расмийлаштирадилар.

Хуллас, ички ишлар органларига табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида жуда кенг қўламли вазифалар юклатилганига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «**Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида**»ги ПФ-5005-сон Фармонида қайд этилганидек, «ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти»⁴. Ички ишлар органларининг бошқа орган ва ташкилотлар билан бу борадаги ҳамкорлигини самарадор деб айта олмаймиз.

Шу боисдан, ички ишлар органларининг экологик хавфсизликни таъминлаш фаолияти шаклларида бўлган ҳамкорликни такомиллаштириш учун қуйидагиларни тавсия этамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик хавфсизлик тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш, унда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги умумий, комплекс ва махсус ваколатли давлат бошқаруви органларининг, шунингдек жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар, сиёсий партиялар ва бошқа нотижорат ташкилотларнинг экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари аниқ кўрсатилишига эътибор қаратиш лозим. Мазкур қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мамлакатимизда атроф табиий муҳит ва инсонларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳозирда ва келгусида хўжалик ва бошқа фаолият салбий таъсиридан ҳамда табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда ҳолатлар юзага келиши таҳдидидан муҳофазаланганлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, технологик ва бошқа чоралар тизимини ташкил этади ҳамда экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга, энг муҳими, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва натижада экологик хавфсизлик таъминланишига хизмат қилади.

Иккинчидан, ички ишлар органлари экологик хавфсизликни таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш мақсадида бошқа идора ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ўтказадиган экологик тадбирлар фақат мавсумий бўлмасдан, уларни мунтазам равишда ўтказиб туришлари ва самарадорлигини таъминлашлари шарт. Бунинг учун Ички ишлар вазирлигининг тегишли норма-

тив ҳужжатларида ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолияти шаклларида бўлган ҳамкорликнинг мазмунини янада кенг ёритиш зарур.

Учинчидан, ички ишлар органлари ходимлари ўзларига қонун билан юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда бошқа нуфузли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилар экан, аввало амалдаги қонунларни мукамал билишлари, ўзларига нисбатан ўта талабчан бўлишлари, раҳбарлар ва турли тоифадаги фуқаролар билан муносабатда хушмуомала бўлишлари, ақл ва мулоҳаза билан иш юритишлари талаб этилади. Бунинг учун улар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 30 майдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг одобахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 82-сон буйруғи талабларини пухта ўзлаштиришлари лозим.

Тўртинчидан, ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган экологик-ҳуқуқий профилактик тадбирларини доимий равишда аҳоли эътиборига етказиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение ва бошқа нашрлар)да амалга оширилган экологик-ҳуқуқий профилактик тадбирларга оид эшиттиришлар, кўрсатувлар ва мақола-лар билан чиқишлар қилиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва маърифий ишларни кучайтириш ҳамда «Пайшанба — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасидаги тадбирларда экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар юзасидан аҳоли билан

манзилли мулоқотни самарали йўлга қўйиш ишларига жиддий эътибор бериш керак.

Бешинчидан, ички ишлар органлари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-2833-сон қарорида келтирилган «давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти»⁵, деган фикрдан келиб чиқиб, давлат идоралари, фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларига жалб этиш ишларини кенг йўлга қўйишлари лозим. Бу борада улар ҳар бир фуқаро онгида «**Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак**» деган туйғуни шакллантиришлари, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг мазмунини кенг оммага батафсил тушунтириб беришлари лозим.

Ушбу таклифларимизнинг амалиётга жорий этилиши ички ишлар органларининг экологик хавфсизликни таъминлаш фаолиятини ва бу фаолиятнинг шаклларида бири бўлган ҳамкорликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2016. — № 38. — 438-м.; 2017. — № 24. — 487-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 43. — 530-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 24. — 500-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 12. — 184-м., № 37. — 982-м.; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон.

О НЕКОТОРЫХ АСПЕКТАХ ПРИМЕНЕНИЯ ИТ-ТЕХНОЛОГИЙ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье отмечается необходимость широкого внедрения инновационных технологий в деятельность органов внутренних дел, актуальность использования информационных технологий, автоматизированных систем, баз данных во всех сферах социальной жизни и, в особенности, в сфере профилактики правонарушений и раскрытия преступлений.

Ключевые слова: информация, информационные системы, информационные технологии, автоматизированные базы данных, профилактика правонарушений, аппаратно-программный комплекс «Безопасный город», камеры видеонаблюдения, персональные данные, общественная безопасность.

Ички ишлар органларида ИТ-технологияларни қўллашнинг айрим жиҳатлари тўғрисида

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари фаолиятига инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш зарурлиги, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва жиноятларни очишда ахборот технологиялари, автоматлаштирилган тизимлар, маълумотлар базасидан фойдаланишнинг долзарблиги таъкидланади.

Таянч тушунчалар: ахборот, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, маълумотлар базасининг автоматлаштирилган тизими, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, «Хавфсиз шаҳар» аппаратли дастурлаш комплекси, видеокузатув камералари, шахсий маълумотлар, ижтимоий хавфсизлик.

About Using some aspects IT-technologies in the organs of internal affairs

Annotation. The article deals with necessity of wide introduction of innovative technologies for activity law-enforcement bodies. Use of the information technology, the automated systems, databases in all spheres of social life, and in particular, in sphere of preventive maintenance of offences and disclosures of crimes have a special urgency.

Key words: The information, information systems, the information technology, the automated databases, preventive maintenance of offences, hardware-software complex «Safe city», video observation chambers, personal data, social safety.

На сегодняшний день особую актуальность приобретают вопросы использования современных научно-технических средств при осуществлении охраны общественного порядка, профилактики правонарушений и раскрытия преступлений. Возникла необходимость переосмыслить и принять на вооружение новые, соответствующие требованиям времени методы борьбы с преступностью.

Наряду с этим, современная преступность не стоит на месте. Способы, средства и методы совершения преступлений соответственно динамично развиваются. В настоящее время наблюдается тенденция увеличения количества преступных деяний, которые совершаются с использованием компьютер-

ных технологий, специальных программных обеспечений и средств.

М.Ю. Воронин и Е.С. Смольянинов относят к данным высокотехнологичным преступлениям, имеющим международное название «High-tech crimes», деяния, предполагающие активное использование современных технических средств и методов для целей преступной деятельности¹.

А.С. Овчинский справедливо отметил, что изменение социально-политической ситуации в обществе, экспансия организованной преступности с её новыми характеристиками, новые возможности специальных технических средств и компьютерных технологий в добычании и обработке информации, а

также нарастающее противостояние преступных групп и сообществ правоохранительным органам требуют переосмысления как самого понятия «информация», так и её функциональных и инструментальных качеств².

Вышеуказанное обуславливает необходимость кардинально новых инновационных подходов при решении правоохранительных задач, привлечения к обеспечению безопасности государства и охраны правопорядка информационных и коммуникационных технологий для адекватного ответа международному терроризму, экстремизму, распространению в обществе деструктивных идей и другим негативным проявлениям современности.

Для реализации поставленных задач было принято Постановление Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 г. № ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий»³. Данным Постановлением была утверждена Программа поэтапных мер по созданию единого аппаратно-программного комплекса «Безопасный город». Комплекс «Безопасный город» предусматривает объединение разрозненных информационных систем органов внутренних дел, государственных органов и иных организаций, систем видеонаблюдения, фиксации правонарушений, охраны объектов. Для более эффективной и полноценной деятельности комплекса «Безопасный город» был тщательно изучен и проанализирован зарубежный опыт по внедрению современных информационных технологий в области обеспечения общественной безопасности и профилактики правонарушений Китая, Израиля, Республики Корея, Великобритании, Сингапура.

Центр мониторинга АПК «Безопасный город» оперативно отслеживает обстановку и соответственно реагирует на центральных улицах, в местах массового скопления граждан и рынках столицы, махаллях, учреждениях образования, а также осуществляет охрану имущества граждан при помощи видеокамер автоматизированной системы централизованного наблюдения⁴.

Так, например, с помощью алгоритма сравнения видеоматериалов, передаваемых с камер видеонаблюдения, установленных на въездах, выездах, а также рынках нашей столицы, с фотографиями из базы данных разыскиваемых нарушителей были пойманы преступники, находящиеся в розыске.

К примеру, функционирование камер видеонаблюдения на перекрестках города позволяет не только использовать их для выявления нарушений правил дорожного движения, но и применять в целях раскрытия или предотвращения преступления, идентификации разыскиваемого транспорта или правонарушителя и т.д.

Более половины из общего числа махаллей в столице уже оснащены видеокамерами. Сигналы с камер поступают на компьютеры опорных пунктов органов внутренних дел. За происходящим на мониторах следят добровольцы из махалинских сходов граждан. Такие записи с видеокамер часто способствуют раскрытию преступлений. В основном они устанавливаются при входе в подъезды жилых домов, на придомовой территории и парковке. Все поступающие записи архивируются и хранятся на специальных серверах, что дает возможность сотрудникам органов внутренних дел просматривать их в любое время. Даже одно наличие видеокамеры оказывает существенное профилактическое действие.

В рамках данного проекта предусмотрено внедрение интеллектуально-аналитической системы видеонаблюдения в общественном транспорте г. Ташкента для отслеживания пассажиропотока и проведения профилактических работ в общественном транспорте.

Камеры становятся необходимым явлением современной жизни, обеспечивающим в первую очередь безопасность населения, охрану общественного порядка, раскрытие преступлений по «горячим» следам и многое другое. Мы их наблюдаем в банках, аэропортах, на постах, улицах, стоянках и т.д.

Для многих зарубежных стран — это уже обычное явление. В Германии система видеонаблюдения была создана еще в 1942 г. В 1960 г. полиция Франкфурта-на-Майне ввела в

эксплуатацию первую автоматическую систему фотографирования нарушений правил дорожного движения на светофорах. Кроме мониторинга ситуации на дорогах и передвижения транспортных средств, камеры следили за обстановкой в местах массового скопления людей. В Великобритании внедрение видеосистем началось еще в 60-х гг. Ежедневно житель Лондона попадает в объектив видеокамер в среднем до трехсот раз в сутки. Для полиции видеонаблюдение превратилось в один из основных инструментов в работе по охране правопорядка.

В Нью-Йорке система городского видеонаблюдения стала активно внедряться после событий 11 сентября 2001 г. Когда в 2016 г. целый ряд взрывов потряс Нью-Йорк и штат Нью-Джерси, буквально через несколько дней был задержан предполагаемый террорист. Во многом его аресту способствовали изображения с видеокамер, на которых он был замечен в том самом районе за несколько минут до случившегося.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г. № ПП-3528 «О внедрении качественно новой системы охраны общественного порядка, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью в городе Ташкенте» одним из основных направлений деятельности правоохранительных структур является переориентация органов внутренних дел на широкое использование возможностей аппаратно-программного комплекса «Безопасный город», в первую очередь в целях обеспечения скоординированного взаимодействия и оперативности реагирования на преступления и их раскрытия.

В соответствии с данным Постановлением также предусмотрено оснащение сотрудников отделов внутренних дел, в первую очередь, инспекторов по профилактике и оперуполномоченных служебными мобильными телефонами (планшетами) с установлением целевого программного обеспечения и допуском к базам данных электронных информационных систем органов внутренних дел. С помощью планшетов сотрудники органов

внутренних дел смогут связаться с дежурной частью, после чего по фамилии и имени человека определить наличие судимости, находится ли человек в розыске или является пропавшим без вести. Кроме того, тестируются возможности использования планшетных компьютеров не только для уточнения места жительства граждан, но и для их идентификации по отпечаткам пальцев либо с использованием технологий распознавания лиц. К примеру, сотрудник отделов внутренних дел сможет обратиться через служебный мобильный телефон (планшет) к дактилоскопической базе данных для проверки по ней подозреваемого лица, минуя процедуру доставления в отдел внутренних дел, дактилоскопирования, временные затраты и иные бумажные формальности, имеющие место при традиционной проверке по базам. Это, несомненно, положительно отразится на профилактике правонарушений, раскрытии и предотвращении преступлений, а также идентификации разыскиваемых лиц.

Однако ряд ученых с сомнением относятся к происходящим процессам с точки зрения защиты персональных данных, неприкосновенности частной жизни граждан и т.д.

А.В. Туликов подчеркивает, что на сегодняшний день все чаще используются специализированные государственные информационные системы, для полноценного функционирования которых необходимо расширение полномочий органов власти в сфере обработки в автоматизированном режиме различного рода личной информации. Данные процессы наряду с мерами, которые предпринимаются для обеспечения национальной безопасности, приводят к формированию в законодательстве ограничений права на неприкосновенность частной жизни⁵.

К.Н. Обухов отмечает, что повсеместное появление камер, развитие специального программного обеспечения, способного идентифицировать нежелательные персоны, а также базирующийся на современных компьютерных и сетевых технологиях процесс повсеместной «оцифровки» частной

жизни приводят к принципиальной обзорности социального пространства⁶.

Л.В. Карнаушенко отмечает, что ключевой проблемой постиндустриального общества выступает потенциал современного программного обеспечения, управляющего процессом сбора, обработки и анализа информации, в том числе и личного, конфиденциального характера. В связи с этим открываются весьма широкие возможности, в ряде случаев не составит большой сложности под видом явных процессов сбора и обработки информации осуществить и параллельное вторжение в личную жизнь⁷.

Остановить процесс информатизации всех сфер жизни общества невозможно. При внедрении подобных инновационных ИТ-технологий возникает ряд вопросов правового, организационного и технического характера. В рамках данной статьи рассмотреть все из них по объективным причинам нам не представляется возможным, но мы попытаемся осветить самую важную – правовую сторону данного вопроса.

При получении видеоматериалов камерами в общественных местах, помещениях и т.д. собирается информация разного рода. В соответствии со ст.27 Конституции Республики Узбекистан каждый имеет право на защиту от посягательств на его честь и достоинство, от вмешательства в его частную жизнь. Черты внешности человека, его функционально-динамические признаки (походка, особенности телосложения и т.д.), по которым его можно идентифицировать, относятся к персональным данным.

В соответствии со ст. 13 Закона Республики Узбекистан «О принципах и гарантиях свободы информации»⁸ от 12 декабря 2002 г. информация о персональных данных физических лиц относится к категории конфиденциальной информации. Исходя из положений ст. 11 Закона Республики Узбекистан «Об информатизации» от 11 декабря 2003 г.⁹ конфиденциальную информацию содержат информационные ресурсы ограниченного доступа. Информационная безопасность личности обеспечивается путем защиты

тайны частной жизни. Не допускается сбор, хранение, обработка, распространение и использование информации о частной жизни, а равно информации, нарушающей тайну частной жизни без согласия лица, кроме случаев, предусмотренных законом. Отнесение полученной видеoinформации к личной и неличной зависит от конкретных обстоятельств.

Закон, обеспечивающий защиту персональных данных, в том или ином виде имеется в большинстве стран (к примеру, в России, Украине, Казахстане, Азербайджанской Республике, Китае, Сингапуре, Австралии, а также странах Латинской Америки, Европы и т.д.). Вышеуказанный закон у каждого государства может называться иначе чем у другого, в некоторых государствах принят отдельный закон о персональных данных, а в других случаях отношения по сбору, обороту, хранению персональных данных регламентируются другими законодательными актами, затрагивающими их. Во всех этих законах рассматривается процедура отношений по поводу сбора, оборота, хранения персональных данных между тремя субъектами права: физическими лицами, компаниями и посредниками. Эти и другие понятия почти во всех странах одинаковы и базируются на конституционных правах граждан этих стран на анонимность и неприкосновенность частной жизни. Основным международным документом, регламентирующим данные отношения, является Конвенция о защите физических лиц при автоматизированной обработке персональных данных, принятая в Страсбурге в 1981 г.

В США защита персональных данных на федеральном уровне регулируется отдельными отраслями права. К примеру, Закон о торговле финансовыми инструментами запрещает публиковать данные, связанные с покупкой акций, Закон о страховых агентах запрещает обнародовать информацию о застрахованных людях.

Отдельного федерального закона о персональных данных, который бы регулировал их защиту, в США нет, он есть только в ряде штатов, например, в Калифорнии, Массачусетсе

или в округе Колумбия. Там же, в Кремниевой Долине, Гарварде и Массачусетском техническом университете (MIT), сконцентрировано большинство IT-компаний, которые и попадают под действие этого закона¹⁰. При том, что в данных странах вышеуказанный закон принят уже относительно давно, со временем всплывают коллизии, связанные с оборотом персональных данных в современных условиях.

Вышеуказанное обуславливает принятие новых нормативных документов. К примеру, в мае 2018 г. в Европе вступит в силу новое постановление о защите персональных данных General Data Protection Regulation (GDPR).

В момент интенсивной «оцифровки» всех сфер социальной жизни в развитых странах уделяют особое внимание защите персональных данных, внедряя новые законодательные акты, не ограничиваясь имеющимися нормативными документами.

На данный момент в Узбекистане отсутствует самостоятельный Закон «О персональных данных», который бы регулировал отношения, связанные с получением, оборотом, хранением и использованием персональных данных личности. При оформлении биометрических паспортов у нас получают такие персональные данные, как черты внешности, анкетные данные, отпечатки пальцев. Черты внешности человека, которые снимает камера видео-

наблюдения, в отдельных случаях тоже относятся к персональным данным. Вышеуказанное обуславливает необходимость разработки специального законодательного акта, регламентирующего процедуру получения, оборота и хранения персональных данных.

Для обеспечения защиты прав и свобод личности и гражданина необходимо детально проработать нормативно-правовую базу получения, обработки и хранения персональной информации.

Реализация данного проекта на сегодняшний день позволяет кардинально повысить эффективность и оперативность реагирования органов внутренних дел совместно с иными ведомствами в вопросах общественной безопасности и правопорядка, путем целенаправленной координации деятельности государственных органов и иных организаций по вопросам предотвращения правонарушений в области использования информационно-коммуникационных технологий, а также взаимодействия с операторами и провайдерами сетей телекоммуникаций, правоохранительными органами в проведении мониторинга, идентификации нарушителей, методов и средств, используемых при осуществлении несанкционированных либо неправомерных действий в информационном пространстве.

¹ Воронин М.Ю., Смольянинов Е.С. Уголовная политика в сфере высоких технологий // Закон и право. – М., 2018. – № 1. – С. 15-17.

² Овчинский А.С. Информация и оперативно-розыскная деятельность: Монография. – М., 2002. – С.4.

³ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» от 29 августа 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 35 – Ст. 924.

⁴ Удовлетворенность народа государством во многом зависит от нашей самоотверженности, и мы обязательно добьемся этой цели: Выступление министра МВД Республики Узбекистан П. Бобожонова // На посту. – 2017. – № 9.

⁵ Туликов А.В. Обеспечение информационной безопасности как гарантия прав человека // Право (Журнал Высшей школы экономики). – 2015. – №2. – С.50-60.

⁶ Обухов К.Н. «Субъект виртуального общества» А. Бюля: техноцентризм в определении индивида в структурах коммуникативной реальности. – Ижевск, 2010.

⁷ Карнаушенко Л.В. Неприкосновенность частной жизни граждан в современном «электронном» государстве // Закон и право. – 2017. – №4. – С. 23.

⁸ Закон Республики Узбекистан «О принципах и гарантиях свободы информации» от 12 декабря 2002 г. № 439-П // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2003. – № 1. – Ст.2; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2015. – № 52. – Ст. 645.

⁹ Закон Республики Узбекистан «Об информатизации» от 11 декабря 2003 г. № 560-П // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2004. – № 1-2. – Ст.10; Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2014. – № 36. – Ст. 452.

¹⁰ <http://www.forbes.ru/tehnologii/354899-grazhdanin-proydemte-kak-rabotayut-zakony-o-personalnyh-dannyh-v-rossii-i-mire>

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга хос жиҳатлар ёритилган.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман, шаҳар кенгашлари.

Сотрудничество органов внутренних дел в профилактике правонарушений с органами самоуправления и другими институтами гражданского общества

Аннотация. В статье освещены особенности совершенствования сотрудничества органов самоуправления граждан и других институтов гражданского общества с органами внутренних дел.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, органы внутренних дел, органы самоуправления граждан, другие институты гражданского общества, районные и городские советы по координации действий органов самоуправления граждан.

Perfection of cooperation of law-enforcement bodies in carrying out preventive maintenance of offensive with self-management bodies and other civil society institutions

Annotation. Preventive maintenance of offences, law-enforcement bodies, bodies self-management of citizens and other institutes of a civil society, regional and city councils on coordination of actions of bodies self-management of citizens.

Key words: preventive maintenance of offences, law-enforcement bodies, self-management bodies of citizens and other institutes of a civil society, regional and city councils on coordination of actions of bodies self-management of citizens.

Жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки муҳим. Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни очиш, тезкор-қидирув фаолиятини жамоатчилик тузилмаларининг кўмаги, ҳамкорлигисиз самарали ташкил этиб бўлмайди¹. Ўзининг тарихий асосларига эга бўлган ушбу ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан

бирга бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади².

Шу сабабли, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида ушбу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий, ташкилий-методик, маънавий ва моддий-техникавий асосларини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги белгиланган бўлиб, ўтган йиллар давомида мазкур нормани жамият ҳаётига татбиқ этиш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчиллик билан амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниб, ижрога қаратилганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги ҳамкорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь) қонунга мувофиқ, ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда; вояга етмаганларни маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний жиҳатдан ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашда, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда; ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам беришда; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ва мослаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилади³.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (2013 йил 22 апрель) қонунда

маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашлари тегишли ҳудудда жамоат тартибini ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, хусусан ички ишлар органларига кўмаклашиши белгилаб қўйилган. Қолаверса, мазкур қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш орқали маҳаллаларда уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Дунёнинг камдан-кам мамлакатаида учрайдиган мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш тизими ўзининг демократиклиги, изчил бошқарувга асослангани, жойларда ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳага оид кўплаб масалаларни ишончли адо этиши билан ажралиб туради. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг самарадорлиги жамиятнинг барча аъзолари, гуруҳлар, ташкилотлар ва давлат органларининг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ бўлиб, бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам муҳим ўрин тутади. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки аниқ белгилаб қўйилган⁴.

Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида бир қатор ваколатларга, жумладан ҳудудий профилактика инспекторлари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, ҳузурида тегишли комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилак-

тикасидаги иштирокини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлигини таъминлаш ваколатига эга.

Жамият тараққий этиб боргани сайин ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини белгилловчи ҳуқуқий асослари ҳам мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда. Шу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 йил 25 сентябрь) қонуни ҳам ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилди. Мазкур қонунга мувофиқ, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш, лойиҳа ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ахборот алмашиш каби ижтимоий шериклик шакллари асосида амалга оширилиши мумкин⁵.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонунда ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни (жумладан, электрон шаклда) алмашишни, шунингдек бошқа маълумотлар алмашувини амалга ошириши, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт эканлиги аниқ белгилаб қўйилган⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор янги фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармонида сўнгги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар уларнинг зиммасидаги вазифаларнинг самарали бажарилишига тўсқинлик қилаётгани таъкидланиб, республикамиз ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари ва бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди⁷.

Мазкур фармонда профилактика инспекторлари ўз лавозимида тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтадиган муҳокамалар натижаларига кўра қабул қилинадиган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан тасдиқланиши; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиши, иш натижалари танқидий муҳокама

қилиниб, фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилди⁸.

Юқорида келтирилган қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш доирасида бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида муайян комиссиялар ва жамоатчилик тузилмалари фаолият олиб бормоқда. Буларга: яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассис ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларини киритиш мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ички ишлар органларининг профилактика хизмати, хусусан ҳудудий профилактика инспекторлари билан бир қатор йўналишларда ҳамкорликни амалга оширади. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, ҳудудда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; *иккинчидан*, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга, хусусан, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; *учинчидан*, ҳудуддаги оилаларни ўрганиш, улардаги нотинчликка барҳам бериш ва оила-турмуш доирасидаги низоларни ҳал этиш; *тўртинчидан*, ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, санитария ва гигиена қоидаларига риоя этилишини таъминлаш; *бешинчидан*, ҳудуддаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, шартли ҳукм қилинган, жазони ижро этиш муассасаларидан шартли озод этилган, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган ва

бошқа шу каби шахсларнинг турмуш тарзини назорат қилиш, улар билан тарбиявий-профилактик ишлар олиб бориш; *олтинчидан*, ҳудудда содир этилган тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фаолияти йўлга қўйилган таянч пунктлари маҳаллаларда ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш маскани сифатида ўзини оқлади. Шу боис ҳам, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча шаҳар, қишлоқ ва овулларда ички ишлар органларининг 4643 та таянч пункти ташкил этилган бўлиб, уларнинг 71,8 % фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашгани маҳаллалардаги жамоатчилик тузилмалари билан мунтазам ва узвий ҳамкорликни ташкил этиш имконини бермоқда. Бинолар атрофида спорт майдончалари ташкил этилган, кичик бизнес шохобчалари фаолият юритмоқда.

Шу ўринда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ишлаётгани муайян даражада ўз самарасини бераётганини айтиб ўтиш жоиз. Бунинг биринчи натижаси 2017 йилда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи ўтган 2016 йилга нисбатан 15,7 фоизга камайишига эришилгани, республиканинг 1200 га яқин қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллаларида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганида кўриш мумкин⁹.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар кечаётган бир шароитда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигида

эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, уни такомиллаштириш бўйича тегишли ташкилий-амалий чора-тадбирларни белгилаб олиш ва амалга ошириш лозим.

Фикримизча, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Қуйида улардан айримларига тўхталамиз.

1. Қонун ҳужжатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг асосий қоида ва йўналишлари белгиланган. Бироқ бугун ҳамкорликни ташкил этиш тартиби ва механизмларини белгиловчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжати мавжуд эмаслиги ушбу соҳада ҳуқуқий бўшлиқ келтириб чиқармоқда. Мазкур ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш учун ички ишлар органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш тартиби, асосий йўналишлари ва механизмларини белгилаб берувчи йўриқнома ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқлаган ҳолда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

2. Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича ички ишлар органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги фаолиятига доир амалиётни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, туман ва шаҳарларда жиноятлар кўп содир этилган, ўтган йилларга нисбатан уларнинг сони кўпайган маҳаллаларнинг аксариятида аҳоли бошқа маҳаллаларга нисбатан кўпроқ (баъзиларида 2-3 баробар кўп) истиқомат қилиши маълум бўлди. Табиийки, аҳоли сонининг қонун ҳужжат-

лари билан белгиланган даражадан ортиқлиги ушбу ҳудудга хизмат кўрсатувчи маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳудуд профилактика инспекторларининг аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиши ва уларга ёрдам кўрсатиши, қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳар бир оилага кириб боришида вақт жиҳатидан ҳам, жисмоний нуқтаи назардан ҳам муаммолар келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига олиб келади.

Масалан, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани ҳудудидаги маҳаллаларда жиноятчилик ҳолати 2017 йил якуни бўйича таҳлил қилинганида туманнинг жиноятчилик даражаси юқори бўлган, жиноятлар кўпайган маҳаллаларининг аксариятида аҳоли сони бошқа жойдагиларга нисбатан кўплиги маълум бўлди. Туманда истиқомат қилувчи аҳолининг сони ҳар бир маҳаллага ўртача 3500-4000 нафарни ташкил этгани ҳолда, жиноятчилик даражаси юқори бўлган «Олмачи», «Авайжон», «Шахриобод» маҳаллаларида аҳоли сони 7000-10000 нафарни ташкил этади.

Шундай экан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши томонидан мамлакатдаги маҳаллаларда яшовчи аҳоли сонини таҳлил қилиб, аҳоли сони норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган миқдордан кўп бўлган маҳаллаларни аниқлаган ҳолда улар ҳузурида янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бугунги кунда жойларда туман, шаҳар кенгашларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатувчи махсус таркибий тузилмалар мавжуд бўлмасдан, ушбу функциялар ҳар икки томондан раҳбарларнинг ўринбосарларига юклатилган. Бу эса ҳар доим ҳам ҳамкорликдан кутилган самарани бермаяпти.

Фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман, шаҳар кенгашларида, маҳалла фуқаролар йиғинларининг бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи мансабдор шахс ёки таркибий тузилма ташкил этиш профилактика фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, республикамизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак

манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлаштириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бугунги кунда юқоридаги фикр ва мулоҳазаларнинг инobatга олиниши ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

¹ *Зиёдуллаев М. З.* Милиция таянч пунктлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. — Т., 2016. — Б. 227.

² *Забелов С. М.* Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактике правонарушений. — Минск, 1979. — С. 7.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2010. — № 39. — 341-м.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 20. — 221-м.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 йил 25 сентябрь) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 19. — 209-м.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. — 2016. — № 38. — 438-м.

⁷ *Исмаилов И., Зиёдуллаев М. З.* Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш. — Т., 2017. — Б. 88.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель) фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-м.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон (2017 йил 7 июль) фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-м.

Т. Б. Маматкулов,

*ИИБ Академияси криминалистик экспертизалар
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент*

СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Аннотация. Мақолада суд экспертизаларининг предмети, объекти ва методикаси, экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини хужжатлаштириш ҳамда баҳолаш ва ундан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Таянч тушунчалар: суд экспертизаси, суд-экспертлик фаолияти, эксперт тадқиқоти, экспертиза хулосаси, эксперт методи.

Рекомендации по назначению и проведению судебных экспертиз

Аннотация. В статье рассматриваются предмет, объект, метод, порядок назначения, проведения, а также вопросы процессуального оформления, оценки и использования результатов судебных экспертиз в раскрытии и расследовании преступлений.

Ключевые слова: судебная экспертиза, судебно-экспертная деятельность, экспертное исследование, заключение эксперта, экспертная методика.

Recommendation by appointment and carrying out of judicial examination

Annotation. The article deals with the concept, types as well as the order of detection, observation, seizure in preliminary investigation, packing, methods and technical means used during the work with microobjects on the scene of commission of the crime including the order of technical (photo and video filming) and procedural registration of microobjects.

Key words: forensic examination, forensic expertise, expert research, expertise conclusion, expert method.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, қонунийликни таъминлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлашдир. Мазкур мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан бири фан-техника тараққиётининг ютуқларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд фаолиятида кенг татбиқ этиш бўлиб, у иш юритиш сифатини оширади, жиноят ишига оид далилларни ўз вақтида қўлга киритиш, жиноят содир этган шахсларни тезда аниқлаш ва фош этиш орқали жиноят процесси вазифаларининг самарали бажари-

лишини таъминлайди. «Шу маънода, экспертиза бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда»¹.

Турли жинойи, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишларда шахс, фуқаро, давлат ҳамда хўжалик фаолиятини юритувчи корхоналарнинг қонуний манфаатларини умум эътироф этган нормалар асосида ҳимоя қилишда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, қолаверса, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда суд экспертизасининг ҳам муносиб ўрни бор.

Шу боис судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва адвокатнинг суд эксперти-

заси асосий принципларини мустақкам эгаллаши унинг имкониятларидан самарали фойдаланишнинг зарурий шартидир. Бу билимлар уларга эксперт хулосаларини баҳолашнинг тўғри мезонларини аниқлашда, изланишнинг мазмунини тушуниб етишда ҳамда эксперт нима сабабдан айрим ҳолатларда аниқ хулосага, бошқа ҳолатларда эса тахминий (эҳтимолли) фикрга келишининг сабабларини англашда ёрдам беради.

Суриштирувчи, терговчи ва судьяларнинг суд экспертизасига доир махсус билимларни қўллаш шакллари оид билимлари, касбий тайёргарлиги мунтазам равишда оширилиб, такомиллаштирилиб бориши лозим. Чунки, махсус билимларнинг айрим шакллари асоссиз қўллаш олинган натижаларга илмий асосланмаган, нотўғри баҳо берилишига, қонунийликнинг бузилишига, дастлабки тергов ва ишни суд муҳокамасида кўришнинг ҳолислиги бузилишига, пировардида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин.

2010 йил 1 июнь куни «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг² қабул қилиниши суд жараёни, суд экспертизалари ташкил қилиниши ва ўтказилишини ҳуқуқий тартибга солишни юқори даражага кўтариш имконини берди.

Ушбу қонун қабул қилингунига қадар одил судловда махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг тегишли моддалари, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилар эди.

Мазкур ҳужжатлар кўп ҳолатларда бири-бирини такрорлар ёки ушбу соҳадаги айрим ҳуқуқий муносабатлар охиригача тартибга солинмаган эди³. С.А.Смирнованинг таъкидлашича, «турли вазирликлар қошидаги экспертиза муассасаларининг иш фаолияти ҳамда ушбу фаолиятга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги айрим фарқлар тегишли экспертизаларни ўтказишда зарур тактика ва методикани

танлашда қийинчиликлар келтириб чиқаради»⁴. Шу сабабли ҳам суд-экспертлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва суд экспертизасининг асосий тушунчаларини аниқлашда ягона тизим йўқлиги муаммолари учраб турарди. Натижада суд экспертизаларининг барча имкониятларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалий фаолиятида самарали фойдаланишда, соҳага оид атама, тушунча ва методикаларни тизимлаштирилган тарзда қўллашда бир қанча қийинчиликлар юзага келарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунда ушбу соҳага оид асосий тушунчалар (3-модда) ёритилган, процессуал қонунчиликдаги экспертиза муассасаси раҳбари (13–14-моддалар), экспертиза муассасаси (12-модда) ҳамда экспертнинг (10-модда) мақомига оид камчиликлар тўлдирилган. Қонунда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш (6-модда) масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ушбу қонуннинг аҳамияти шундаки, унда суд-экспертлик фаолиятидаги асосий тушунчалар (3-модда), суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари (4-модда), суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш (25-модда), давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-методик жиҳатдан таъминлаш (26-модда) ва бошқа қатор масалаларни, одил судлов соҳаларидан қатъи назар, бир хилда тушуниш имкони яратилган.

Суд экспертизаси жиноятнинг (субъектив томонидан бошқа) барча элементларига тегишли ҳолатларни аниқлаш имконини берадиган далилларнинг универсал манбаидир. Ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган излар, жиноят ҳодисасига тегишли ашёвий далиллар ва бошқа объектларнинг экспертиза тадқиқотлари жинойи тажовуз объекти, етказилган зарарнинг табиати ва миқдори, жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи ва механизми, жиноятчининг шахси, шунингдек жиноятнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар

ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар олишга имкон беради.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра, *суд экспертизаси* — фуқаролик, ҳўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳўнар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат процессуал ҳаракат бўлиб, унинг натижасида ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланган хулоса берилади. Бу хулоса жинорий иш юзасидан далил бўлиб, бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Суд ва тергов органи ходимлари экспертиза тадқиқотлари учун зарур махсус билимларга эга бўлган тақдирда ҳам экспертиза тайинлаш мажбуриятидан озод қилинмайди, чунки уларнинг процессуал ҳолати бўйича ишни текширишда ўзига хос ваколати бўлиб, экспертиза ўтказадиган мутахассисларнинг ваколатлари ҳам процессуал ҳолатидан келиб чиқади.

Суд-экспертлик фаолияти суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича фаолиятдир. Экспертларнинг фаолияти ишлаш жойлари давлат экспертиза муассасаларида ёки бошқа ташкилотларда бўлиши мумкин. Улар қаерда ишлашларидан қатъи назар, иш юзасидан эксперт қилиб тайинлаш процессуал қонунда кўрсатилган тартиб асосида амалга оширилади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенгдир.

Экспертиза тадқиқотларини ўтказиш жараёнида эксперт мустақил процессуал шахс сифатида экспертизага оид қўшимча объектлар, жинорий иш ва экспертиза материалдан ташқарига чиқмайдиган маълумотлар талаб қилиши мумкин.

Эксперт олдига қўйиладиган саволлар унинг махсус билимлари ҳажмидан ташқарига чиқмаслиги лозим. Тадқиқот натижасида бериладиган хулосалар эса экспертнинг билим доираси билан чегараланади ва ваколатидан ташқари чиқмаслиги керак. Эксперт жиноятни тергов қилиш ва суд

жараёни даврида мутахассис сифатида ҳам жалб этилиши мумкин. Мутахассис мақоми ЖПКнинг 69-моддасида тўлиқ ифодаланган, 70-моддасида эса унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Криминалистик экспертизаларни ташкил қилиш учун материаллар тайёрлаш, эксперт ҳал қиладиган саволларни тўғри белгилаш, таққослаш тадқиқотлари учун намуналар олиш ва бошқа шу каби масалаларни ҳал қилиш учун терговчи ёки суд криминалистик техника соҳаси бўйича мутахассисни таклиф этиши мумкин. Экспертиза тайинлаш даврида мазкур эксперт тадқиқотининг имконлари, қайси соҳада махсус билим талаб қилиниши, тадқиқот объектларини кўчириб олиш, мустаҳкамлаш, тадқиқот вазифасини аниқ белгилаб, саволларни экспертиза предмети-га оид равишда тўғри тузиш каби чораларни амалга оширишда криминалист-мутахассиснинг ёрдами беқиёсдир.

Айрим турдаги далиллар (айбланувчи ёки гувоҳлар ўзларига дастлабки тергов жараёнида жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилганлигини важ қилиб, судда ўз кўрсатувларини ўзгартириши ёки рад этиши ва бошқалар) ишончсиз ҳисобланса-да, эксперт хулосаси холис ва илмий асосланган далил сифатида баҳоланади. Чунки *суд экспертнинг хулосаси* — суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжатдир.

Шу боисдан, хулосада: суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой; суд экспертизасини ўтказиш асоси; суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; суд экспертнинг бида туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи

ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; суд экспертнинг олдига қўйилган саволлар; суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилади (Қонуннинг 23-моддаси).

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, экспертнинг фаолияти «қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд-экспертнинг мустақиллиги, суд-эксперт тадқиқотларининг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги» каби принципларга асосланади. Шунинг учун суд экспертизалирининг аҳамияти ҳозирги кунда жуда катта.

Демак, суд экспертизасини тайинлаш мураккаб жараён бўлиб, у ишда иштирок этувчи шахслар ташаббуси ҳамда терговчининг ўз ваколатини амалга ошириши натижасидир.

Экспертиза тайинлаш чоғида бир қатор процессуал муносабатлар шаклланади. Терговчи ва ҳар бир ишда қатнашаётган шахс ўртасидаги, терговчи ва эксперт ўртасидаги муносабатлар ана шулар жумласидандир.

Экспертиза тайинлаш бўйича ҳаракатлар натижаси алоҳида процессуал ҳужжат, яъни терговчининг суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарорида акс этади. Мазкур қарор терговчи ва эксперт ўртасидаги муносабатлар тизимини вужудга келтирувчи асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис у муайян талабларга жавоб бериши ва тегишли тузилишга эга бўлиши талаб этилади. Қарор ЖПКнинг 180-моддасига асосан чиқарилади.

Экспертиза натижалари ва экспертнинг тақдим этилган объектлар билан ўтказилган тадқиқотлари эксперт хулосаси шаклида расмийлаштирилади. Эксперт хулосаси кириш, тадқиқот, якуний хулосалар ҳамда кўргазма материаллар (фотожадваллар)дан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, эксперт ҳамда жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчининг тизимли процессуал ҳаракатларни ҳамкорликда амалга оширишлари жиноятларни очишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис суриштирувчи, терговчи тайинлаётган ва ўтказилаётган экспертиза имкониятларини аниқ билиши ва экспертга хулосани шакллантиришда амалий ёрдам бериши зарур.

¹ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2010.

² Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2010. — № 22. — 173 м.

³ Хафизов Ш.Н. О нормативно-правовом регулировании судебно-экспертной деятельности // Адвокат. — 2007. — № 5. — С. 58-61.

⁴ Смирнова С.А. Судебная экспертиза на рубеже XXI века. Состояние, развитие, проблемы. — СПб., 2004. — С. 583.

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Аннотация. Мақолада судга қадар иш юритишда далилларни тўплаш, расмийлаштириш ҳамда мустақамлашнинг процессуал тартиби билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жиноят процесси, процессуал тартиб, далиллар, фактик маълумотлар, далилларни тўплаш, расмийлаштириш ва мустақамлаш.

Правовое регулирование процессуального закрепления доказательств в досудебном производстве

Аннотация. В статье анализируются вопросы, связанные с процедурным порядком сбора, фиксации и закрепления доказательств в досудебном производстве.

Ключевые слова: уголовный процесс, процессуальный порядок, доказательства, фактические данные, сбор, фиксация и закрепление доказательств.

Legal regulation of procedural securing of evidence in pre-trial proceedings

Annotation. The article analyzes the issues related to the procedural order of the collecting, fixing and securing evidence in pre-trial proceedings.

Key words: criminal process, procedural order, proof, data, collecting, fixing and securing evidence.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан, энг аввало, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг кафолатларини кучайтириш мақсади кўзланаётгани шубҳасиздир. Жиноят-процессуал ҳуқуқда далилларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларга мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда кам эътибор берилган бўлса-да, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида далилларни процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ суд-тергов амалиётига эътибор бир мунча кучая бошлади.

Далилларнинг процессуал жиҳатдан расмийлаштирилиши жиноят процессининг мақсадларига, хусусан, қонунчиликни мустақамлаш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини таъминлашга зид бўлмаслиги лозим. Бунинг учун эса судга қадар иш юритиш босқичларида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мукамал бўлиши керак.

Исботлаш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш

мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат эканлиги жиноят процессуал қонунчиликда ўз аксини топган.

Исботлаш жараёнида тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллардан улар расмийлаштирилганидан кейин далил сифатида фойдаланиш мумкин. Тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси баённомалари далилларни процессуал расмийлаштириш воситалари ҳисобланади. Далилларнинг расмийлаштирилишини чуқур таҳлил этиш учун уларнинг исботлаш жараёнидаги ўрнини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аввало, далилларни процессуал жиҳатдан расмийлаштирмай туриб уларни шакллантириш жараёни тугалланган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Процессуалист олим А.В.Белоусовнинг фикрича, «далилларни расмийлаштириш исботлаш жараёни биринчи босқичининг якуний элементиدير. Далилларни расмийлаштиришни ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни қайд этиш тизими сифатида ҳам тушуниш мумкин»¹.

Ўзбекистон олимлари эса далилларни тўплаш тизимини қуйидагича изоҳлайдилар: «Далилларни тўплаш тизимини тадқиқ этилаётган ҳодисанинг изларини акс эттириш деб тавсифлаш мумкин. Мазкур тавсиф бир мунча умумий бўлса-да, бу фаолиятнинг барча томонларини қамраб олмайди. Далилларни тўплаш исботлаш жараёнининг элементи сифатида мураккаб ички тизимга эга бўлиб, бутунлик ҳамда тизимлилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Далилларни тўплашнинг тизимлиги бу фаолиятни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро мустақам алоқасини тавсифлайди. Бутунлик эса бу фаолиятнинг чегараларини белгилайди ва уни атроф муҳит ва исботлашнинг бошқа элементларидан ажратиб туради. Бу икки тавсиф далилларни тўплаш тушунчасини аниқлаштиришда катта аҳамиятга эга»².

Далилларни тўплашнинг муҳим элементларидан бири объектда мавжуд фактик маълумотларнинг мазмунини аниқлашдир³. Бир қарашда бу фаолият далилларни аниқлаш билан уйғунлашиб кетади: объектни кўрган заҳоти биз унинг далилий аҳамиятга эга хусусиятларини пайқаймиз. Энг оддий ҳолатларда ҳақиқатан ҳам шундай, бироқ чуқур таҳлил асосида бунинг акси келиб чиқиши мумкин. Терговчи ва судья изларда қолган ахборотни иш материалларига ўтказиш учун объектни синчиклаб ўрганишлари, ундаги жиноятга алоқадор ёки жиноят таъсирида пайдо бўлган аломатларни ажратиб олишларига тўғри келади. Бошқача айтганда, далилий аҳамиятга эга ахборотнинг мазмуни аниқланиши лозим.

Далилларнинг келиб чиқишини ташкил қилувчи ва акс эттирувчи жараён қуйидагиларда намоён бўлади: ҳодиса биринчи навбатда бизни ўраб турган муҳитда акс этади, ўзида маълумот сақловчи излар қолдиради. Шундан кейин бу излар билиш жараёнида иштирок этувчи субъектлар (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд) онгида акс этади, ҳиссий ва мазмунга бой шаклларда ёзма ифодалангач, исботлаш мақсадида фойдаланиш учун олинган маълумот сифатида сақлаш имкониятини яратади.

Ушбу кўп босқичли жараён ўзида барча турдаги, яъни кўрсатувлар, хулосалар, баённомалар билан бирга ашёвий далиллар, ёзма далиллар ва ҳужжатлардан иборат далилларнинг шаклланишини қамраб олади⁴.

Бир қарашда бу турдаги далиллар, яъни воқеанинг объектив ривожланиши оқибатида вужудга келадиган, ўз ичига дастлабки олинган кўринишда қўшиладиган ашёвий далиллар ва бошқа ҳужжатларнинг вужудга келиши айтилганларга қарама-қарши ҳисобланади. Аммо бу каби тасаввур далилларни қўлга киритишнинг ҳаққоний жараёнларини қамраб олмайди. Шунга кўра нарса (предмет) унинг алоқадорлиги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш — воқеа ҳақидаги маълумотларга эга бўлган объект белгиларини, шунингдек ўз-ўзидан далилий аҳамиятга эга бўладиган, унинг жойлашган ерини аниқлаш учун кўздан кечириш ва ушбу ҳолатларни баённомада ёки бошқа воситалар ёрдамида расмийлаштириш орқали мустақамлангандагина ашёвий далилга айланади. Бу турдаги далиллар ҳам исботлаш субъекти томонидан «ашёвий маълумот»ни бошқа шаклда қайта ифодалаш орқали шакллантирилади. Далилларнинг шаклланиш жараёни нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга қўшиш тўғрисида қарор чиқарилиши билан тамомланади.

Далилларни тўплаш — бу нафақат маълумотлар топиш, балки уларни процессуал тартибда тўғри расмийлаштириш, хусусан, ҳужжат ва нарсаларни иш материалларига бириктириш эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бундай қарор қабул қилиш фақат исбот қилиш субъектлари, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тегишлидир⁵.

Бизнинг фикримизча, исботлаш жараёнида далилларни аниқлаш фаолиятини далилларни тўплаш жараёнидан ажратиб бўлмайди, сабаби бу икки тушунча бир-биридан ажралмасдир. Шунингдек далилларни аниқлаш, олиш, расмийлаштириш ва сақлаш каби процессуал ҳаракатлар бир бутун мажмуа сифатидаги далилларни тўплаш фаолиятини ифодалайди.

Зеро, далилларни аниқлаш ва тўплаш — суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фактик маълумотлар манбаини аниқлаш, ундан зарур ахборотни олиш ҳамда уни расмийлаштириш борасидаги фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган шакл ва усулларда амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар далилларни ЖПКнинг 22 ва 86-моддалари талаблари асосида тўплайдилар. Далилларни, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, ҳар қандай фуқаро ва ташкилотлар ҳам тақдим этишлари мумкин. Далиллар жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ҳар бир босқичнинг процессуал хусусиятларидан келиб чиқадиган шакл ва усулларда тўпланади⁶.

Далилларни расмийлаштириш фаолияти айнан исбот қилиш жараёнидаги далилларни тўплаш босқичининг асосий элементи сифатида процессуал қонунчиликда ўз аксини топган. Лекин нима сабабдан исбот қилиш жараёнидаги далилларни текшириш босқичида айнан далилларни расмийлаштириш фаолиятига эътибор қаратилмаган? ЖПКнинг 94-моддасида далилларни текширишнинг мазмуни қуйидагича ёритилган: «Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текшириладиган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин».

Демак, текширув қўшимча далилларни тўплаш фаолиятидан иборат бўлса, далилларни аниқлаш, олиш, қайд этиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолият айнан далилларни тўплаш босқичининг асосий элементларини ташкил этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, далилларни расмийлаштириш билан боғлиқ фаолият исботлаш жараёнидаги далилларни тўплаш ва текшириш босқичларининг асосини ташкил қилувчи устунлардан биридир.

ЖПКда далилларни процессуал расмийлаштириш мазмунига оид қоидалар ифодаланмаган бўлиб, жиноят ишларини юритиш амалиётида далилларни процессуал расмийлаштириш масалалари юзасидан айрим муаммолар юзага келмоқда. Бизнингча, далилларни процессуал расмийлаштириш моҳиятининг қонунда ўз ифодасини топиши далилларни процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг қонуний ҳал этилишига, далилларнинг мақбуллигини таъминлашга хизмат қилади.

ЖПКнинг 87-моддасида далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш (гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш) йўли билан тўпланиши, ЖПКнинг 90-моддасида эса маълумотлар ва нарсалардан улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида расмийлаштирилганидан сўнггина далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Далилларни расмийлаштириш деганда уларни мустаҳкамлаш, яъни иш бўйича бу каби ҳаракатдан кейин уларни далил деб эътироф этиш учун қонунда кўрсатилган тартибда аниқ маълумотларни акс эттириш тушунилади. Расмийлаштириш жараёнининг ўзи мураккаб ўзаро алоқадор криминалистик ва процессуал томонларни ташкил этади.

Ҳуқуқий адабиётларда⁷ мазкур термин турлича талқин қилинади. Процессуалист олимлар процессуал расмийлаштиришни кўп ҳолларда «далилларни мустаҳкамлаш» тарзида ифодалаганлар. Бунда далилларни мустаҳкамлаш «терговчи томонидан аниқ-

ланган фактик маълумотларни процессуал ҳужжатларда акс эттириш», «тўпланган далилларни ҳужжатлаштириш ва процессуал тасдиқлаш» каби шаклларда талқин этилади. Криминалистикага оид адабиётларда расмийлаштириш объекти сифатида асосан расмийлаштиришнинг усули, воситаси ва моддий вужудга келишига урғу берилади.

Н.Н.Лисов далилий маълумотларни расмийлаштириш тушунчаси асосини қуйидаги муҳим белгилар ташкил этишини кўрсатган: расмийлаштиришнинг бевосита вазифаси (турли манбаларда мавжуд далилий маълумотларни сақлаш); расмийлаштиришнинг предмети (воқеа-ҳодиса ҳақидаги маълумотлар: нарсалар, ҳаракатсиз объект ва субъектларнинг суратлари, жиноий фаолият ривожланишининг динамикаси, ҳаракатлар ва бошқалар); расмийлаштириш усуллари (жиноятларни аниқлаш ва очиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган тактик усул ва илмий-техникавий воситалар); расмийлаштиришнинг якуний мақсади (иш ҳужжатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун зарур бўлган, процессуал расмийлаштирилган фактик маълумотларни олиш)⁸.

Далилларни расмийлаштиришнинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади: а) моддий ифодаловчисида мавжуд далилий маълумотларни шарҳлаш ва исботлаш воситасига ўтказиш; б) исботлаш жараёнида бир неча маротаба фойдаланиш мақсадида далилий маълумотларнинг сақланишини таъминлаш; в) расмийлаштирилган далилий маълумотларнинг сақланиши натижасида уларнинг исботлаш предметига тааллуқли бўлганларини йиғиб бориш ва исботлашни тўлиқ амалга оширишда фойдаланиш; г) исботлашни амалга оширувчи субъектга қонуний тартибга солинган ва исботлаш предмети нуқтаи назаридан келиб тушган маълумотлар тўлиқ расмийлаштирилмасдан, исботлаш предметига тааллуқли бўлган ҳолатларгина саралаб олиниб, исботлаш жараёнида фойдаланилиши; д) исботловчи маълумотлар нафақат қайд этилади, балки маълумот олишнинг йўллари, усул ва воситалари ҳам унинг ишга тааллуқлилигининг зарурий шarti сифатида расмийлаштирилади.

Қайд этиш лозимки, исботлаш даврида далилий маълумотларнинг тааллуқлилиги ва мақбуллиги бирламчи хусусиятга эга бўлади.

Далилларни расмийлаштиришдан иш бўйича маълум бир фактларни тасдиқлаш билан бирга, фактик маълумотларни қайд этиш мақсади ҳам кўзланади. Процессуал жиҳатдан қараганда, далилларни расмийлаштириш процессуал шаклда тасдиқланиши ва қайд этилиши натижасида келиб чиққан ҳолда расмий жиҳатдан тўғри эканлигини эътироф этиш лозим. Бу ўринда шу нарса аён бўладики, далилий маълумотлар қонунда белгиланган тартибда ва усулда расмийлаштирилиши билан қонуний шаклга эга бўлади. «Далилий маълумотларни расмийлаштириш» тушунчаси, процессуал жиҳатдан фарқли ўлароқ, криминалистик жиҳатдан бойроқ мазмунга эга. Бунда асосан далилий маълумотларни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар ва ушбу ҳаракатларни амалга ошириш воситаларига таянилади.

Юқоридагиларнинг давоми сифатида А.Р.Белкиннинг қуйидаги фикрини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир: «Далилларни расмийлаштириш тушунчасининг мазмунини таҳлил қилиш жиноят ишларини юритиш жараёнида ушбу тушунчани қуйидаги кўринишда тавсифлашни тақозо этади: далилларни расмийлаштириш — бу жиноят ишларини тўғри ҳал этиш учун фактик маълумотларни қонунда белгиланган шакллар, шартлар, усуллар ва воситалар ёрдамида аниқлаш ҳамда мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуидир»⁹.

Мазкур таърифдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1) далилларни расмийлаштириш фикрлаш билан бажариладиган иш эмас, балки том маънодаги жисмоний ҳаракатлар мажмуидир;

2) расмийлаштиришнинг объекти барча ҳақиқий маълумотлар эмас, балки исботлашни амалга оширувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 85-моддасида кўрсатилган тартибда ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар

тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида тўпланган маълумотлардир;

3) ушбу фаолият расмийлаштириш объектини процессуал шаклда акс эттиришга йўналтирилган, тегишли талабларга жавоб бериши билан бирга процессуал қонун талабларига риоя қилинган фаолиятдир;

4) далилларни расмийлаштиришга нафақат уларни процессуал шаклда қайд этиш, балки уларни аниқлаш, манбаи ва мақбуллиги билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам тааллуқидир;

5) далилларни расмийлаштиришда нафақат маълумотларни процессуал шаклга келтирган ҳолда қайд этиш, балки ушбу далилларнинг аниқланиши, олиниши, қайд этилиши ва сақланиши билан боғлиқ жараёнларни ҳам кўрсатган ҳолда акс эттириш лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан далилларни расмийлаштиришнинг объекти қуйидагича бўлиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин: а) фактик маълумотларнинг айнан ўзи; б) уларни аниқлаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар; в) уларни аниқлаш ва расмийлаштириш шароитлари; г) фактик маълумотларни аниқлаш ҳамда расмийлаштириш усуллар ва воситалари.

Бундан ташқари, далилларни процессуал шаклларда расмийлаштириш, ўз навбатида, расмийлаштириш субъектларига ҳам йўл-йўриқ талаб қилишини қайд этиш лозим.

Далилларни тўплаш вақтида уларни процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштириш исботлаш жараёнида муҳим ўрин тутлади. Иш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни ҳар бир далил турининг

ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда расмийлаштириш процессуал қонунда тартибга солинган: расмийлаштириш натижалари мужассамлаштирилган процессуал шакл, барча реквизитлар, кетма-кетлик, расмийлаштириш натижаларини ишга қўшиш усуллари, уларни тасдиқлаш усуллари, улардан исботлаш жараёнида фойдаланиш тартиби назарда тутилган.

Далилларни расмийлаштиришнинг бу каби қоидалари жорий этилиши иш ҳужжатларида далилларнинг аниқ акс этишини ва ишончли далиллар олинишини кафолатлашга ҳамда олинган маълумотларни сақлаш шароитларини таъминлашга хизмат қилади. Бу каби қоидалар, авваламбор, шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайди. Далилларни тўплаш жараёнида қонуннинг бузилиши эса олинган маълумотларнинг юридик кучи йўқолишига олиб келади. Юқорида қайд этилган фикрлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ЖПКни 87¹-модда билан тўлдиришни таклиф этамиз:

87¹-модда. Далилларни расмийлаштириш

Далилларни расмийлаштириш – жиноят-процессуал фаолият жараёнида тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш натижасида иш учун аҳамиятли ҳодиса ёки ҳолат тўғрисидаги муайян маълумотларни ва шундай маълумотларга эга нарса ва ҳужжатларни қонунда белгиланган тартибда йиғишга қаратилган ҳаракатларни баённомада, шунингдек бошқа қайд этиш воситалари ёрдамида акс эттириш.

¹ Белоусов А.В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. – М., 2001. – 174 с.

² Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. – Т., 2006. – Б. 82.

³ Ратинов А.В. Вопросы следственного мышления в свете теории информации. – М., 1997. – С 58.

⁴ Шейфер С.А. Формирование доказательств по уголовному делу – реальность доказательственной деятельности или «научная фантазия» // Российская юстиция. – 2009. – № 4. – С. 46–48.

⁵ Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлар талабалари учун дарслик (Иноғомжонова З.Ф.нинг умумий таҳрири остида). – Т., 2008. – Б. 310.

⁶ Жиноят процесси / Тузувчи-муаллифлар Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 105–106.

⁷ Доля Е.А. Доказательства и доказывание // Уголовный процесс. – М., 2004. – С. 149; Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. – Т., 2006. – 64 б.

⁸ Лысов Н.Н. Фиксация доказательств в уголовном процессе. Ч. I: Методологические проблемы. – Н.Новгород, 1998. – С. 70.

⁹ Белкин А.Р. Теория доказывания в уголовном судопроизводстве. – М., 2007. – 192 с.

ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада трасологик экспертизаларнинг назарий ва амалий имкониятлари ҳамда тадқиқотлар ўтказишда самарадорликни оширишга тўсқинлик қиладиган муаммолар кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: трасология, эксперимент, эксперт, техника, экспертиза.

Актуальные проблемы трасологических экспертиз

Аннотация. В статье анализируются теоретические и практические возможности трасологических экспертиз и проблемы, препятствующие повышению эффективности проведения исследований.

Ключевые слова: трасология, эксперимент, эксперт, техника, экспертиза.

Actual problems of trasological examinations

Annotation. In the theoretical and practical possibilities of the trasological examination and the consideration of the problem are presented? Which hinder the increase in the efficiency of research.

Key words: tracery, experiment, expert, equipment, experts from.

Ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган ҳавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда бугун Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари кўриломоқда¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан бошланган бу ишларнинг тўғрилигини ҳуқуқни қўлловчи органлар ва судлар олдида турган вазифаларнинг ҳал қилиниши фан ва техника соҳасидаги махсус билимларни талаб қилишидан ҳам англаса бўлади. Улар ўз фаолиятида жиноятларни тезкорлик билан фош этиш, ҳолисона тергов қилиш ва судда кўриш ҳамда низоларни ҳал қилиш жараёнида суд экспертизаси имкониятларидан кенг фойдаланишлари лозим. Чунки суд экспертизалари махсус билимларга асосланган иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган асосий процессуал восита бўлиб, инкор этиб бўлмас далиллар беради.

Илмий билимларнинг ҳар қандай соҳаси, жумладан трасологик экспертизаларнинг ривожланиши босқичма-босқич кечган. Ҳар қандай янги фан ёки унинг бирорта соҳаси

вужудга келиб, инсонлар онгига сингиб ва кўпчилик томонидан ҳаётнинг турли жабҳаларига татбиқ этилиб борар экан, унинг ривожланишида янги босқич — эмпирик материаллар, ушбу фаннинг қоидаларидан амалда фойдаланиш натижаларининг йиғилиши ҳамда уларни ўрганиб, таҳлил этиш босқичи келади. Бу жараёнда нафақат ижобий, балки салбий натижалар ҳам фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Йиғилган фактлар тартиб билан ўрганилади, уларнинг моҳияти тушунилади, назарий умумлаштириш келиб чиқади, олинган эмпирик материаллар тизимлаштирилади. Натижада объектлар акс этишининг аниқлик даражаси ортади, фанда муҳим бўлган илмий назария ривожланади. Назария, ушбу соҳанинг асосий ғоялари сифатида амалий тажрибаларни умумлаштирувчи ҳамда ушбу фанда ўрганилаётган барча билимларнинг объектив қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган методологик восита ҳисобланади.

Трасологик экспертизалар криминалистиканинг бир соҳаси бўлгани учун унинг методологияси ушбу фаннинг умумий назариясидир. Фаннинг, хусусан трасология-

нинг умумий назарияси деганда эса — унинг принциплари, назарий концепциялари, категория ва тушунчалари, методлари ва бошқа фанлар билан алоқалари, таъриф ва атамаларининг тизими тушунилади.

Трасологик экспертизалар криминалистик методологиянинг таркибий элементи бўлиб, билиш методлари ҳақидаги таълимот, назарий қоидаларнинг шаклланиш методлари ҳамда назарияларни шакллантириш методи ҳақидаги таълимотлар ҳисобланади.

Трасологик экспертизалар предметининг асосий элементини далилларнинг вужудга келиши, уларни йиғиш, тадқиқ этиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш қонуниятлари ташкил этгани боис, ушбу қонуниятларни акс эттирувчи қоидалар криминалистиканинг умумий назарияси ҳисобланади. Мазкур қоидаларни тўртта бўлимга, яъни далилларнинг вужудга келиши, уларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолаш ва қўллаш қонуниятлари ҳақидаги криминалистик билимларга ажратиш мумкин.

Трасологик экспертизаларнинг илмий асослари ҳақида фикр юритишдан олдин унинг методлари ва турларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Чунки, методнинг асосини инсон тўплаган билимлар, ўтказган тажрибалар, ҳосил қилган малака ва кўникмалар ташкил этади. Инсон улар ёрдамида воқеликни янада яхшироқ билиш усуларини, йўлларини излаб топади. Демак, методни бир неча томондан, яъни объектни ўрганиш усуллари тизими сифатида ёки ўрганилаётган объектни ифодаловчи назарий қоида, принцип ва қонунлар сифатида тушуниш мумкин². Метод билиш усули бўлса, методология барча методларни ўрганувчи таълимотдир.

Трасологик экспертизаларнинг махсус методлари криминалистикада ушбу экспертиза олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган усуллардир. Демак, криминалистиканинг юқорида келтирилган махсус методлари трасологик экспертизаларга ҳам тегишлидир. Шундай экан, ушбу махсус методларни кенгроқ кўриб чиқайлик.

Кузатиш методи — ҳодиса ва далилий ашёларни мақсадга мувофиқ равишда идрок этиш усули. Кузатиш ёки кўздан кечириш орқали объектларнинг ташқи кўриниши, уларнинг хусусиятларини ажратиб турадиган белгилари тўлиқ кузатилади ва қайд этилади. Кузатиш барча экспертиза тадқиқотларида қўлланилади.

Ўлчаш методи ёрдамида текширилаётган барча далилий ашёлар ва объектларнинг сифати, сони, ҳажми, турғунлик даражаси ва бошқа томонлари қайд этилади. Бу метод ҳодисани текшириш ёки объектни тадқиқ этишда кенг қўлланилади. Мазкур методни амалга оширишда турли ўлчов асбоблари, оптика ва замонавий техника воситаларидан фойдаланилади.

Қайд этиш методи кузатиш ва ўлчаш натижасида олинган ва тўпланган барча маълумотларнинг қонунга мувофиқ тарзда қайд этилишини тақозо этади. Бу метод ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, объектларнинг ташқи ва ички тузилиши, текширишнинг сифат ва миқдор белгилари, турли объектларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг ўзаро муносабатлари, барча тадқиқот объектларининг идентификацион ва ноидентификацион белгиларини қайд этишда қўлланилади³.

Таққослаш методи текширилаётган объектларнинг умумий ва хусусий мансублигини, келиб чиқиш манбаларини, икки объектнинг ўзаро таъсирлашиш фактини аниқлаш имконини берадиган усулдир. У кузатиш методи билан боғлиқ бўлиб, бунда турли техник ва оптик асбоблар ёрдамида объектлар ва улар аломатларининг сифати солиштирилади. Текширилаётган объектларнинг умумий ва хусусий аломатлари асосида жиноят билан бевосита боғлиқ бўлган объектлар ҳамда уларнинг ўзаро фарқ қилувчи жиҳатлари аниқланади.

Эксперимент (тажриба) методи орқали экспертиза тадқиқотлари ўтказишда турли объект ва ҳодисаларнинг маълум шароитлардаги ўзига хос жиҳатлари, из ҳосил бўлиш механизми, текширилаётган объектларнинг ўзаро таъсирлашиш шарт-шароитлари қайта тикланиб аниқланади.

Бу методларни кўриб чиқишдан мақсад шуки, трасологик тадқиқотларни ўтказишга

бўлган жараёнларнинг ўзида бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйилиши кузатилган.

Трасологик экспертизаларга оид назарий ва амалий билимларни кенгайтириш бугун давр талабидир. Чунки трасологик экспертизаларга оид объектларнинг турлари ҳам бир қанча бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни кун сайин ривожланиб бориши натижасида объектларнинг ҳам турлари кўпайиб бормоқда. Шундай экан, назарий билимларни мустаҳкамлаш учун амалий тажрибалар кўламини кенгайтириш зарур бўлади. Мисол учун объектлар турларининг кўпайиши деганда пломбаларнинг, транспорт воситалари трасологик экспертизасига оид шиналарнинг, пойафзал излари трасологик экспертизасига оид пойафзал турлари ва ўлчамларининг ўзаро мос келишидаги муаммоли ҳолатларни, ишлаб чиқариш механизmlарининг маҳсулотларда қолган излари бўйича трасологик экспертизаларга оид объектлар тарзидаги миллий маҳсулотларнинг кўпайиши ва хорижий маҳсулотларнинг кириб келишини ҳамда уларнинг янги кўринишлари юзага келаётганлигини айтиш мумкин. Бунинг исботи тариқасида Республика ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг 2017 йил давомидаги хизмат фаолиятининг таҳлилига кўра, ходимларнинг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларидаги иштироки сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,45 фоизга, тадбирлардаги ходимларнинг ижобий иштироки 18,08 фоизга камайганлигини, ҳодиса жойини кўздан кечиришлар

эса ўтган йилга нисбатан 0,24 фоизга кўпайганини; 2017 йил давомида ходимлар томонидан кўздан кечирилган воқеа жойининг 78,3 фоизидан турли ашёвий далиллар олинганлигини, ходимлар томонидан амалга оширилган экспертизалар сони 2,03 фоизга, ижобий экспертизалар салмоғи ҳам 2016 йилга нисбатан 4,10 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Юқорида кўриб чиқилган назарий методлар яна шуни кўрсатадики, бугунги кунда трасологик экспертизалар амалиёти ва назариясида бир қатор муаммолар ҳам учраб турибди. Криминалистик экспертизаларнинг барча турларини тайинлаш, ўтказиш, янги метод ва методикаларини яратиш билан машғул бўлган назария ва амалиёт ходимлари олдида турган, дастлабки эътиборни қаратиш лозим бўлган вазифалар сирасига, албатта, трасологик экспертизалар фани ва ушбу турдаги экспертизаларни ўтказишга оид ўзбек тилидаги махсус адабиётларни кўпайтириш ҳам киради. Мазкур муаммолар қаторига, трасологик экспертизаларни бевосита ўтказувчи эксперт-мутахассисларни электрон технологиялар билан таъминлаш муаммосини ҳам киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жинойтчиликка қарши курашишда трасологик экспертизалар тадқиқотларининг мавжуд назарий методларини амалиётда қўллашни такомиллаштириш, замонавий фан-техника имкониятларидан фойдаланган ҳолда трасологик объектларга оид маълумотлар базасини кенгайтириш зарур.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.

² *Селиванов Н. А.* Основные проблемы криминалистической экспертизы и пути их решения // Теория и практика криминалистической экспертизы. – Волгоград, 2000. – С. 3–15.

³ *Шевчук Б. И.* Теоретические основы трасологической идентификации в криминалистике. – М., 2005. – С. 59.

Ҳ. Т. Маҳмудова

*ИИВ Академияси хизмат фаолияти психологияси кафедраси
доценти вазифасини бажарувчи, психология фанлари номзоди*

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ПСИХОЛОГИЯСИНING ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида суд психологиясининг илмий-амалий долзарблиги ва аҳамияти, методологик базасини яратиш зарурлиги кўрсатилган. Суд-психиатрия экспертизасининг турлари ёритилган.

Таянч сўзлар: суд-психиатрия, суд психологияси, методология, қонун, экспертиза, эксперт, амалиёт, жиноят, илмий тадқиқот, жиноятчилик, руҳият, ҳиссиёт.

Актуальность и научно-практическое значение судебной психологии в Узбекистане

Аннотация. В данной статье рассматриваются научно-практическое значение, актуальность судебной психологии в Республике Узбекистан. С учетом необходимости организации методологических основ представлены предметные виды судебно-психологических экспертиз.

Ключевые слова: судебная психология, методология, закон, экспертиза, эксперт, практика, преступление, научное исследование, преступность, психическое состояние, эмоция.

The relevance and scientific and practical importance of forensic psychology in Uzbekistan

Annotation. This article examines the scientific and practical significance, the relevance of forensic psychology in the Republic of Uzbekistan, taking into account the need to organize methodological foundations. Also, the subject-matter types of forensic psychological examinations are presented.

Key words: forensic psychology, methodology, law, expertise, expert, practice, crime, scientific research, crime, mental state, emotion.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда суд психологияси яхлит концептуал, назарий-амалий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан тўлиқ ўрганилмаган. Жиноят содир этган шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини ва руҳияти (ҳиссиёти) билан боғлиқ ҳолатларни инобатга олмасдан, низоли вазиятларни психологик таҳлил қилмасдан туриб инсон омили билан боғлиқ одил судловни амалга ошириш имконияти чекланган.

Ҳуқуқбузарлик, экстремизм, терроризм каби иллатларнинг олдини олишда, жиноятга қарши кураш самарадорлигини оширишда, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятида, содир этилган жиноятнинг шарт-шароитларини аниқлашда суд психологияси билимларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги суд психологияси йўналиши кенг тармоқлидир. Унинг таркиби асосан

қуйидагича: криминал психология; терроризм психологияси; жабрланувчи психологияси; жиноят содир этган вояга етмаганлар психологияси; тергов олди психологияси; психологларнинг консультант, мутахассис ёки эксперт сифатида жалб этилиши; жиноят ва фуқаролик ишларида суд-психологик экспертизалар; жиноят ва фуқаролик ишларида суд жараёнлари психологияси; ахлоқ тузатиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси.

2010 йилда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда суд экспертизасининг изчил ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос, замонавий илмий даражада ўтказилиши учун ҳуқуқий асос яратди. Шу борада фан-техника ютуқларини жалб этишнинг ўзига хос усули

сифатида экспертиза институтига алоҳида ҳуқуқий мақом берилиши, суд амалиёти олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида суд психологик экспертизасининг ҳам ўрни, мавқеи ва долзарблиги даражасини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Суд психологиясининг асоси Сократ, Демокрит, Платон ва Аристотель кашфиётларига бориб тақалади. Ўша даврлардан бошлаб бу соҳага тегишли кўплаб эмпирик тадқиқотлар ўтказилиб, психологиянинг ҳуқуқий амалиётига асос яратилган. XIX аснинг охири XX аср бошларида суд психологияси бутун жаҳон эътирофига сазовор бўлиб, кўплаб фундаментал тадқиқотлар амалга оширилган. Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг Адлия вазирлиги қошидаги суд экспертизалари марказида суд психологияси бўйича йилига мингдан ортиқ экспертизалар амалга оширилиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва кўплаб илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

АҚШда 1962 йилдаёқ суд психологиясига ҳуқуқий мақом берилган. 1978 йилда АҚШ Суд психологияси ҳайъати ташкил этилган. Унинг асосий мақсади малакали мутахассисларни аттестациядан ўтказиш, суд психологиясини мустақил фан сифатида такомиллаштиришдан иборатдир. Айнан ушбу ташкилотнинг ташаббуси билан «Law and Human Behavior» («Ҳуқуқ ва инсон хулқ-атвори»), «Criminal Justice and Behavior» («Жиноят суд ишлари ва хулқ-атвор») номли журналлар ташкил этилган ва унда ҳозирги кунга қадар мунтазам равишда илмий мақолалар нашр этилади. Бундай мисолларни жаҳон тажрибасидан кўплаб келтириш мумкин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида ҳам бу йўналишни ривожлантириш, унинг илм-фан йўналишидаги ўрнини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Фан тараққий этиши билан психология ютуқларини одил судлов соҳасига татбиқ этиш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида суд психологиясининг суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнидаги ўрни мето-

дологик ва тизимли концептуал ўрганилиши, шу билан бирга унинг амалиётдаги асосий ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ўрни аниқланиши лозим. Республикамизда «Суд психология» асосларини ўрганиш учун объектив шарт-шароит ва илмий зарурат мавжуд бўлиб, жумладан, унинг методологик асосларини яратиш, назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, мукамал дастур ва амалий тажрибаларга асосланган ҳолда расмий мақомга эга бўлган суд психологик экспертизаларининг ҳуқуқий-норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳозирги таҳликали даврда экстремизм, терроризмнинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш, таҳлил қилиш, малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда суд ва тергов жараёнларига кўмаклашиш долзарб масаласидир.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди»¹. Ушбу соҳадаги амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда айнан ёш малакали кадрларни тайёрлашни суд психологиясининг методологик базасини яратмасдан туриб йўлга қўйиб бўлмайди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.4-бандида (Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш) «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади», деб белгиланган. Шунингдек, 2.4-бандда (Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш) «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолият-

ни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари-га қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни янада кучайтириш» лозимлиги таъкидланган. Ушбу муаммоларни эса илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганмасдан, таҳлил қилмасдан туриб, уларни бартараф этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам республикамызда суд психологияси бўйича лаборатория ташкил этиш, тегишли чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, методологик база (лаборатория) асосида суд психологияси соҳасидаги мутахассислар фаолиятининг умумий илмий-амалий стратегиясини яратиш; суд психологларининг амалий тажрибаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш; МДХ ва хорижий давлатларнинг суд психологиясига доир манбаларидан фойдаланган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, янги технологияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим бўлиб, айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади, назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади. Ҳозирги кунда суд психологиясига эҳтиёж тобора ортиб бораётганини эътиборга олар эканмиз, бу борада ёш кадрлар тайёрлаш, махсус билимга эга бўлган «эксперт-психолог» мутахассислар етиштириш, методологик базага асос бўладиган лабораториялар яратиш, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий мезонларини белгилашдек долзарб вазифалар турибди.

Таъкидлаш жоизки, суд психологияси инсон омили (руҳияти, шахси), унинг тақдири билан боғлиқ экан, психологик билимларсиз ўз ечимини топмайди. Юқорида таъкидланганидек, республикамызда айнан ушбу йўналиш илмий-амалий нуқтаи назардан етарли даражада ўрганилмаган. Ялпи тизимга эга бўлган методологик база йўқлиги, норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги, замон талабларига мос бўлмаган эксперт-психологлар хулосаларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, суд, тергов жараёнларида иштирок этувчи мутахассислар малака даражасининг ниҳоятда пастлиги жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича суд-психологик экспертизаларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

– жиноятчининг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи суд-психологик экспертизаси (жиноятнинг ретроспектив психологик таҳлили, жиноятчи шахсининг мотивацион, эмоционал ва иродавий жабҳасини аниқлаш);

– жиноят содир этган шахсларда физиологик аффе́кт (кучли руҳий ҳаяжон) ҳолатини аниқловчи суд-психологик экспертиза;

– вояга етмаган айбланувининг руҳий хаста бўлмаган, ақлий ривожланишдан орқада қолган, жамоат учун хавfli бўлган жиноятни содир этишда ўз хатти-ҳаракатларини англаш ва уларни бошқара олиш даражасини аниқловчи суд-психологик экспертиза;

– гувоҳларнинг ёки жабрланувчиларнинг ҳолатни тўғри тушуниш ва тўғри кўрсатма бериш қобилиятини аниқловчи суд-психологик экспертиза;

– номусга тегиш жинояти бўйича унга нисбатан содир этилган жинсий тажовузнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш қобилияти ва қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатини аниқловчи суд-психологик экспертиза;

– ўз жонига суиқасд қилган шахснинг психологик ҳолатини аниқловчи суд-психологик экспертиза (ўлимдан кейинги экспертиза).

Фуқаролик ишлари бўйича суд-психологик экспертизага ҳозирги кунда суд амалиётида эҳтиёж катта. Булар жумласига қуйидагилар киради:

А. Битимлар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш. Булар қаторига ўлимдан кейинги суд психологик экспертиза ҳам киради.

Фуқаролик ишлари бўйича бу йўналишда бир қанча психологик омиллар инобатга олинади, жумладан:

– ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФК-121 м.);

– янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФК-122 м.);

– алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФК-123 м.);

Б. Болалар билан боғлиқ бўлган, хусусан болани олиб бериш, унинг ота-оналаридан қайси бири билан яшашини белгилаш.

В. Маънавий зарарни қоплаш (ФК-102¹ м.).

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатда ҳуқуқий давлат барпо этишдек конституциявий мақсад ва шу мақсадга сафарбар ялпи миллий суд сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш талаб-эҳтиёжи вужудга келди. Ўзбекистон тараққиётининг асосий мезони демократик ислоҳотларни янада чуқурлаш-

тириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида суд ҳокимияти қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айланди.

Илм-фан борасида юксак мақсадларга эришиш, амалий тадқиқотларни кучайтириш, суд психологияси соҳасининг ҳам назарий-амалий жабҳаларига эътибор қаратиш ҳозирги замон талабларидан биридир. Шу сабабли унинг кўп қиррали йўналишлари ва турларини тизимли равишда таҳлилий ўрганиш натижасида методологик база яратиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Суд-психологик экспертиза жараёнларида психолог мутахассислар фақат тадқиқотчи сифатида иштирок этмайдилар, балки тўғридан-тўғри юридик ҳолат иштирокчиларига айланадилар. Шунинг учун ҳам суд психологиясининг назарий, методологик ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганмасдан, ташкил этмасдан туриб, бу йўналишдаги малакали психолог-мутахассислар, психолог-экспертлар фаолиятини илмий-амалий тизим структурасида кўриш мумкин эмас.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – Б. 45–46.

Ш. Р. Гофуров,

ИИБ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедрасининг ўқитувчиси

УЮШМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари, шу жумладан, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизимининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ёшлар, уюшмаган ёшлар.

Приоритетные направления профилактики правонарушений среди неорганизованной молодежи

Аннотация. В статье освещены приоритетные направления профилактики правонарушений среди неорганизованной молодежи, правовые, социальные, организационные аспекты системы мероприятий в данной сфере, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию профилактики правонарушений среди неорганизованной молодежи.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика правонарушений, молодежь, неорганизованная молодежь.

Priority directions of prophylaxis of offences among the unorganized young people

Annotation. The article deals with the priority directions of prevention of offences among unorganized youth and legal, social, organizational and other aspects of the system are covered in this sphere. The author elaborates some proposals and recommendations on improvement of prevention of offences among unorganized youth.

Key words: offence, prevention of offences, youth, unorganized youth, prevention of offences among unorganized youth.

Бугун мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган вақт мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятчилиكنинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 мингта маҳаллада жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади¹.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёшлар, айниқса уюшмаган ёшлар профиликкасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Сабаби, ёшлар масаласи

мустақиллик йилларида давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги икки йил ичида ёшларга оид давлат сиёсатини янада юқори босқичга кўтариш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тузилиб, барча давлат органлари ва маҳаллаларда ёшлар масалалари бўйича раҳбар ўринбосари лавозимлари ташкил этилди.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шундай дейди: «Айни вақтда бугунги мураккаб ва таҳликали дунёда ёшлар тарбияси биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолаётганини ота-она, устоз-мурабий сифатида ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим-тарбия масаласида хато қилишга ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ. Бу масалада хато қилсак, болаларимиз, фарзандларимизга, Ватанимизга хиёнат қилган бўламиз»².

Криминологик адабиётлар ва тадқиқотларда³ ёшлар ҳуқуқбузарлиги турли ракурслардан ўрганилган ва атрофилича ёритилган. Бироқ шундай бўлса-да, ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш масалалари криминология фанининг ҳамда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш амалиётининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаверади. Гап шундаки, ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш доимий равишда нафақат ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, балки давлат ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, мамлакат ва жамиятнинг келгуси тараққиёти кўп жиҳатдан мазкур масаланинг қанчалик ҳал этилганига боғлиқ. Шу билан бирга, ёшлар ҳуқуқбузарлиги динамикаси мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт даражаси ҳақида аниқ тасавур ҳосил қилиш имконини берувчи параметрларни ифодалайди.

Одатда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида сўз борганида биринчи гада ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларга тўхталинади. Шу нуқтаи назардан, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари хусусида сўз юритганда мазкур тоифдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги тушунчаларимизни ойдинлаштириб олишимиз даркор.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари турли мисоллар асосида кенг ўрганилган. Криминологик адабиётларда бу борада муайян умумий тўхтамлар мавжуд⁴. Аммо ёшлар, жумладан, уюшмаган ёшлар ҳуқуқбузарлигининг сабаблари хусусида ягона ёндашувлар мавжуд эмас.

Уюшмаган ёшлар ҳуқуқбузарлигининг сабабларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Иқтисодий-ижтимоий сабаблар.

Уюшмаган ёшлар ижтимоий-ҳуқуқий мақомига кўра ишсиз ва таълим тизимидан ташқарида бўлган ёшлардир. Шу сабабли бу

тоифадаги ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келувчи сабаблар тизимида ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳал қилувчи хусусиятга эга.

Криминологик ва психологик тадқиқотлар жиноятчиларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси шаклланишида унинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи катта аҳамиятга эгаллигини тасдиқлаган⁵. Ишсизлик, даромадлар даражасининг пастлиги ҳам шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлувчи бош омиллардан бири ҳисобланиши аксиома сингарини аниқ.

2. Маънавий-ахлоқий сабаблар. Тадқиқотлар айрим тоифадаги ёшларнинг уюшмаган ёшлар сафига кириб қолиши уларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ва принциплари билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Хусусан, бекорчилик ва енгил-елпи ҳаёт тарзини танлаш, ноқонуний йўллар билан осон даромад топишга қизиқиш, ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланмаслик, қарз эвазига яшаш каби иллатлар уюшмаган ёшлар сафи кенгайишига олиб келувчи субъектив маънавий-ахлоқий сабабларга киради.

3. Руҳий-эмоционал сабаблар. Илмий тадқиқотлар ва адабиётларда шахснинг руҳий-эмоционал ҳолати унинг жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи аффеckt ҳолати сифатида ёритилган. Узоқ вақт ишсиз юриш, мутахассислигига мос ишнинг йўқлиги, олий ўқув юртига қабул имтиҳонларидан бир неча йиллар мобайнида ўта олмаслик, ҳарбий хизматга яроқсизлик каби ҳолатлар шахсни уюшмаган ёшлар сафига етаклаши билан бирга, унда амалдаги тузумдан норозилик, камситилиш, ўз ўринини бошқа ғайриқонуний муҳитдан топишга уриниш каби ҳиссиётлар шаклланишига олиб келади.

Уюшмаган ёшлар ҳуқуқбузарлигига имкон яратадиган шарт-шароитлар эса назоратсизлик, ваколатли субъектларнинг бу борадаги фаолияти билан боғлиқ камчилик ва муаммоларда, уюшмаган ёшларнинг бекорчилиги, вақтини ўзи истаган машғулотга ёки фаолиятга сарфлаш имкони юқорилиги ва ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигида намоён

бўлади. Бу борада давлатмиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган нутқидаги «юртимиздаги минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат «Камолот»нинг, айти вақтда давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмоқда. Улар билан ҳеч ким деярли шуғулланмаяпти, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, десак, аччиқ ҳақиқатни тан олган бўламиз.

Бунинг оқибатида уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда»⁷ деган фикрини келтириб ўтишимиз жоиз.

Фикримизча, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари сифатида бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Уларга батафсилроқ тўхталамиз.

Ҳуқуқий чора-тадбирлар. Уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим. Чунки, бугунги кунда давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги фаолиятини тартибга солувчи нормалар мавжуд эмас. Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органларнинг ҳеч бирида уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг аниқ асослари мавжуд эмаслиги аниқланмоқда. Фикримизча, уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда тегишли субъектларнинг мазкур йўналишдаги аниқ вазибаларини белгилаш билан бирга улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларни ҳам ишлаб чиқиш зарур. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари эътиборли: «Эндиликда ички ишлар, прокуратура органлари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жинойтчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида

олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиши лозим»⁸.

Ижтимоий чора-тадбирлар. Айрим адабиётларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида сўз юритилганда ижтимоий профилактикага алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида ва ҳуқуқбузар шахсининг шаклланишида ижтимоий омиллар катта аҳамиятга эга. Айниқса, уюшмаган ёшлар қатламининг шаклланиши ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, асосан, ижтимоий омиллар хизмат қилмоқда. Гап шундаки, шахсининг ишсизлиги, ўқиш ва ҳарбий хизматдан ташқарида қолиши айнан ижтимоий сабаблар натижасида содир бўлади. Масалан, тегишли маълумот ва касб-ҳунарга эга бўлган шахсининг ишсиз қолиши ёки ҳарбий хизматга яроқли шахсининг ҳарбий хизматга қабул қилинмаслиги унинг жамиятдан бегоналашувига олиб келади.

Фикримизча, уюшмаган ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда қуйидаги ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ёшларнинг ўз ўрнини топишларига монелик қилувчи объектив ва субъектив сабабларни ўрганиш;

ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалдаги имкониятларни ўрганиш, уларни келгусида янада ошириб бориш;

ёшларни бизнесга жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш бўйича тегишли чоралар кўриш ва ҳоказо.

Ташкилий чора-тадбирлар. Уюшмаган ёшлар билан ишлаш самарадорлиги бу борадаги чора-тадбирлар қай даражада ҳаётий ва оптимал ташкил этилишига боғлиқ. Фикримизча, бу масалада қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

тегишли чора-тадбирлар ҳаётий, амалдаги реал ҳолатга, уюшмаган ёшлар билан ишлашга жалб этилган субъектларнинг жис-

моний имкониятлари ҳамда бошқа кунлик вазибаларга мос, тегишли субъектларнинг кенг ҳамкорлигига йўналтирилган бўлиши; ички ишлар органларининг координатор бўлиши;

белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга ёшларнинг ўзларини ҳам кенг жалб этиш; ахборот алмашишнинг тезкорлиги; натижаларининг баҳоланиши ва ш.к.

Манавий-ахлоқий чора-тадбирлар.

Ёшлар, айниқса, уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маънавий-ахлоқий масалалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ёшларнинг муваффақиятсизликка учрайвериши (ишсизлиги, олий ўқув юртига кира олмаганлиги ёки ҳарбий хизматга қабул қилинмаганлиги) уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳам салбий таъсир қилади. Бу эса амалдаги тузумдан норозилик ва ҳуқуқий нигилистик қарашлар шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ёшлар ўртасида тарбиявий таъсирга эга чора-тадбирларни кенг кўламда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ёшлар ўртасида тарбиявий таъсирга эга чора-тадбирлар таълим тизимининг барча

босқичларини, шу билан бирга, таълимдан ташқари жараёнларни ҳам қамраб олиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омалаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки спорт аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради, турли касалликлар ва зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга гурур-ифтихор бағишлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ёшлар, хусусан, уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумдавлат ва умумжамият иши ҳисобланади. Уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашни янги босқичга кўтариш чораларини кўриш лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи. 10.11.2017).

² Ўша манба.

³ Данилова С.О. Профилактика преступлений, совершаемых несовершеннолетними осуждёнными в воспитательных колониях (теоретический, правовой и организационный аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2012. – С. 21.

⁴ Ольховик Н.В., Тараленко К.Н. Индивидуальное криминологическое прогнозирование поведения условно осужденных как фактор коррекции плана индивидуально-профилактической работы // Альтернативы тюремному заключению в Российской Федерации: Материалы межд. конф. – М., 2001.

⁵ Шальгин Б.И. Состояние законности в сфере административных правоотношений, работа органов прокуратуры и органов, наделенных административной юрисдикцией по предупреждению нарушений законодательства // Административное право. – 2009. – № 3. – С. 10–32; АLEXIN И.А. Патриотическое воспитание студенческой молодежи в истории России // Мир образования – образование в мире. – 2012. – № 3. – С. 22–31.

⁶ Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи // Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 01.07.2017).

⁸ Президент: олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 20 ноябрь куни ўтказилган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишдаги маърузасидан // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 21.11.2017).

А. Т. Холов,

ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими катта илмий ходими

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ЖИНОЯТ ҚИЛИШГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти, жумладан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш масалалари таҳлил қилиниб, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, вояга етмаган болаларни тарбиялаш

Значение профилактических мер в предупреждении вовлечения несовершеннолетнего лица в совершение преступления

Аннотация. В статье проанализировано значение профилактических мер в предупреждении вовлечения несовершеннолетнего лица в совершение преступления, в частности, рассмотрены вопросы предупреждения преступлений среди несовершеннолетних, выявления причин их совершения и условий, сопутствующих им.

Ключевые слова: преступления, совершенные несовершеннолетними, вовлечение несовершеннолетнего лица в совершение преступления, воспитание несовершеннолетних детей.

Some aspects of improvement of organizational legal measures in combating against crimes connected with involvement of juvenile to antisocial behavior

Annotation. The article analyzes the issues related to increasing the effectiveness of the state youth policy, in particular the prevention of offences among youth, determination and elimination of reasons and conditions of their commission, as well as criminal legal measures to combat involvement of juvenile to antisocial behavior is considered and appropriate proposals and recommendations are formulated.

Key words: state youth policy, antisocial behavior, involvement of juvenile in antisocial behavior, early prevention of offenses, criminal-legal measures, rights of juvenile.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотлар йўлида ўз ечимини кутиб турган вазибаларимиз замон талаби ҳамда жамият эҳтиёжи билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Жиноятчиликка қарши курашнинг таркибий қисми бўлган вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик давлатнинг жинойий-ҳуқуқий йўналишдаги сиёсатида муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун

ҳам бу муаммони давлат сиёсати даражасида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган, зеро вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш том маънода ижтимоий-сиёсий муаммодир¹.

Бу борада ҳаётнинг ана шундай талаб ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, ўтган давр мобайнида изчил жорий этиб келинаётган ва амалда ўзини оқлаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси биз учун аниқ йўлни белгилаб берди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларнинг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда².

Жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларини, уларнинг ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида, 2018 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимининг жорий этилгани, биринчи навбатда, ёшлар ва вояга етмаганлар масалаларига эътибор кучайтирилганидан, шунингдек профилактика инспекторларининг улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасидаги масъулияти оширилганидан далолат беради. Иккинчидан, ушбу қарор профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ушбу йўналишда барча соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ваколатига эга бўлган аниқ жавобгар шахсларни белгилаб берди.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат

дастурида меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказилган касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини мустақкамлашга оид чоратадбирлар белгиланди. Бунда 2018 йилда жами 25 мингдан ортиқ ёшларни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-ҳунар коллежлари ва касбга тайёрлаш марказларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, ушбу вазирлик тизимига ўтказилган 16 та касб-ҳунар коллежининг моддий-техник базасини мустақкамлаш, ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказларида ўқийдиган шахслар сонини кўпайтиришни назарда тутадиган самарали тизимни шакллантириш чоралари кўрилиши дастурдан ўрин олган.

Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган бешта устувор йўналиш асосида белгиланган вазифалар ва бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар самараси улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни жиловлашга замин яратмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятларига оид статистик маълумотлар таҳлили юқорида кўрсатилган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда. Хусусан, таҳлилларга кўра, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 2012 йилда 2,6 фоиз, 2013 йилда 2,8 фоиз, 2014 йилда 2,7 фоиз, 2015 йилда 2,4 фоиз, 2016 йилда 2,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2,1 фоизни ташкил этган ҳамда сўнгги беш йил давомида бундай жиноятлар 31,5 фоизга камайишига эришилганлигини кузатиш мумкин³.

Бироқ вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар қаторида коллеж, лицей талабалари ва мактаб ўқувчиларининг

мавжудлиги ташвишли ҳол ҳисобланади. Бинобарин, статистик маълумотлар таҳли-лига кўра, 2017 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 65,4 фоизи коллеж, лицей ҳамда мактаб ўқувчилари томонидан содир этилганлиги ушбу масаланинг нечоғлик долзарб эканли-гидан далолатдир⁴.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг жиноий йўлни танлашларига асосий криминоген омиллар — уларнинг бўш вақтларида назорат-сиз қолаётганликлари, уларнинг маълум бир қисмининг ҳеч жойда ишламасдан ва ўқимас-дан юришлари, зўравонликни, жиноий йўл билан бойлик ортиришни, маънавий бузуқ-ликни тарғиб қилувчи фильмларни томоша қилишлари ҳамда жиноят олами вакиллари-нинг ҳаёт тарзига тақлид қилишлари — таъсир қилмоқда⁵.

Бинобарин, оилада тарбияланаётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланиши оила аъзолари, атрофидаги вояга етган катта ёшдаги шахслар ўртасида барқарор бўлган соғлом муносабатларнинг хусусияти ва характери-га боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, вояга етмаган ёшлар онгида ижобий ёки салбий муносабатлар, низолар ҳамда улар-нинг оқибатлари тўғрисидаги илк тасаввур-лар шаклланишига туртки бўлади.

Маълумки, вояга етмаган шахсларнинг жиноят содир этишларига кўп ҳолларда катта ёшдаги шахслар сабабчи бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан вояга етмаганлар жиноят қилишга жалб этилишининг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг доимий диққат марказида турган долзарб муаммолардан биридир. Бу масалага оид илмий изланишлар эса ҳар бир миллат менталитети, шу жамиятда устувор бўлган оилавий муносабатлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасида турли тадқиқотлар-нинг предмети бўлиб келган.

Қонун чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

127-моддаси учинчи қисмида вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш деганда вояга етмаган шахсда жиноят содир этиш ниятини қўзғатишга (далолатчилик), вояга етмаган шахсни жиноят содир этишда иштирок этишга тайёрлашга (жиноят содир этиш жойи ва усуллари ҳақида масалаҳатлар бериш, ушбу жиноятни содир этиш натижасида топилган мулкни реализация қилишда ёрдам беришни ваъда қилиш кабилар орқали жиноят содир этиш ниятини қўзғатиш) ёки уни жиноятни содир этишда бажарувчи, ёрдамчи, яширув-чи сифатида жалб қилишга қаратилган ҳаракатларни тушуниш зарур⁶.

Шу нуқтаи назардан, вояга етмаганларни комил инсон қилиб тарбиялаш ота-она ва педагогларга катта масъулият юклайди. Инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Хусусан, болаларда билиш жараён-лари, ирода, одатлар, хулқ-атвор, атрофга муносабат ва қарашлар вужудга келиши ва маълум бир меъёрда шаклланишида оилавий муҳит, атрофдаги катта ёшдагилар кучли таъсирга эга. Оилада соғлом фарзандни тарбиялашнинг муҳим жиҳатларидан бири ахлоқий тарбияни изчил ва тартибли амалга оширишда кўзга ташланади. Болаларнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори оилада қўйилади.

Агар бола тўғри тарбияланмаса, айрим хатти-ҳаракатлари кутилмаган нохушликлар-ни келтириб чиқариши мумкин. Боланинг оиладаги тарбияси билан таълим-тарбия жараёнидаги муносабатлари орасида кўп-гина тафовутлар кузатилади. Айрим ҳолларда боланинг оилада ота-онаси томонидан кўрсатилаётган ортиқча хайрихоҳлик, эркалашлар, унинг хоҳиш-истагига кўра талабларини қондиришлари атрофдаги тенгдошлари билан муносабатларида зиддиятли ҳолатларга олиб келаётгани, бунинг оқибатида эса вояга етмаганлар томонидан турли жиноятлар содир этилиши кузатилмоқда.

Буни биргина Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар марказининг Тошкент шаҳрида 2017 йилда содир қилинган ва фoш этилган ўғирлик жиноятларини ўрганиш натижалари ҳам тасдиқлайди. 2017 йил давомида ўғирлик жиноятини содир этган шахсларнинг энг катта қисми, яъни 47,8 фоизи – 19 ёшдан 30 ёшгача, 13,3 фоизи эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар эканлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Ушбу жиноятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган асосий омилларлардан бири вояга етмаган шахсларнинг қаровсизлиги, ота-она, маҳалла эътиборидан четда қолганлигидир. Бунинг оқибатида катта ёшдаги жиноятчилар таъсири сабабли жиноят кўчасига кириб қолмоқдалар. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг олдини олишда профилактика инспекторлари ҳамда яшаш жойлари бўйича вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг иш фаолиятини тўғри ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Айни масала хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қароридан берилган тушунтиришларга кўра, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга оширувчи орган ҳисобланишига эътибор қаратилиши белгилаб қўйилган.

Шу боис судлар вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда ушбу комиссияларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажарган-бажармаганликларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини ҳолисона баҳолаб, аниқланган камчиликларга нисбатан тегишли муносабат билдиришлари шарт⁷.

Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, уларнинг содир этилишига шарт-шароит яратувчи омилларни бартараф қилиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, кўпгина алломалар ўзларининг бадиий ва публицистик асарларида инсонларнинг бурч ва мажбуриятларини бажаришга қатъий риоя қилиш билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик ва зийраклик лозимлигини таъкидлашган.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислom Каримовнинг «ёшлар ўртасидаги жиноятчилик – бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш – аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади»⁸ деган сўзлари айни ҳақиқат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу боис вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни катта ёшдагилар томонидан жиноят қилишга жалб этишнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада профессор Қ.Р.Абдурасулованинг таъкидлашича, профилактика чораларининг самарадорлиги, энг аввало, унинг кўп қирралилиги билан белгиланади. Бу чоралар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши, фуқароларга ижтимоий-салбий таъсир қиладиган омилларнинг барча йўлларини беркитиб ташлаши, жиноят содир этилишининг барча шароит ва сабабларини бартараф қилиши керак. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш учун, энг аввало, бу борада белгиланган тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа давлат органлари билан биргаликда олиб борилиши керак⁹. Профессор И.Исмаиловнинг ёзишича, вояга етмаганларнинг шахсий хислатларини билиш профилактик чора-тадбирларни тўғри танлаш

ва қўллашда катта аҳамият касб этади. Зеро, вояга етмаганларнинг жиноят йўлига киришида унинг шахсига хос салбий ёки ижобий хислатлари алоҳида ўрин тутади¹⁰.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда вояга етмаганларнинг жиноят йўлига киришига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш, мониторинг қилиш, тарбия турларининг кенг қамровли, миллий ва умуминсоний жиҳатларидан келиб чиқиб белгилаш олиб борилган профилактик чораларнинг самарадорлигини таъминловчи жиҳатлар ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолият мониторинги ва унинг натижалари таҳлилини, *биринчидан*, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз соҳалари бўйича, *иккинчидан*, фаолиятни ҳамкорликда амалга оширувчи субъектлар биргаликда олиб боришлари самаралидир¹¹.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олиш ҳамда улар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

биринчидан, мактаб, коллеж, лицейларда бериладиган таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини янада бойитиш, ўқувчиларга мустақиллик гоёларига, юксак маънавият ва инсонийлик миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт гоё ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

иккинчидан, мактаб, коллеж ҳамда лицейларда ўқувчилар ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва турли кўринишдаги психологик ёрдам бериш бўйича тадбирларни амалга ошириш, ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоага аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш каби вазифалар юклатилган амалиётчи психологлар билан вояга етмаганлар ишлари бўйича профилактика инспекторларининг

ҳамкорлигини мақсадли режа асосида амалга ошириш, шунингдек амалиётчи психолог лавозимларини олий маълумотли амалий иш тажрибасига эга мутахассислар билан жамлаш чораларини кўриш;

учинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим муассасалари, лицей, коллеж ва мактабларда ҳуқуқбузарликларнинг оқибати учун жавобгарлик муқаррар бўлган қонунларнинг тарғиботини ташкил этишда уларнинг таъсирчанлигини ошириш; *тўртинчидан*, криминоген вазияти оғир бўлган шаҳар, туманларда аҳолининг, айниқса ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, инсон ҳаётида муомала лаёқатига эришгунга қадар бўлган давр, халқимиз тили билан айтганда, беғуборлик, шу билан бирга, энг нозик ва мураккаб давр ҳисобланади. Шу давр оралиғида инсон онги, хулқ-атвори ҳамда унинг инсоният оламига хос бўлган барча маънавий жиҳатлари тўлиқ шаклланади. Айнан шу даврда болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, таълим олишга, касб-ҳунар ўрганишларига бепарволик, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этмаслик келажақда оғир оқибатларга, ҳатоки, оғир ва ўта ўғир жиноятларни содир этишга олиб келиши муқаррардир.

Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Қўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди»¹².

Шу маънода, республикамиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни катта ёшдаги жиноятчилар ва бошқа турли оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан ҳимоя қилиш нафақат

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки кенг жамоатчиликнинг вазифасидир.

Вояга етмаган болаларни тарбиялаш, камолга етиши учун қулай шарт-шароит яратиш, тўғри йўлдан адаштирмай мустақил ҳаётнинг чароғон йўлига олиб чиқиш, уларни бой

маънавий меросимиз ҳамда қадриятларимиз руҳида, аждодларимизнинг муносиб давомчилари қилиб вояга етказиш, тарбиялаш, ёт гоя ва мафкуралар, иллатлар исканжасига тушиб қолишдан асраш барчамизнинг вазифамиз эканлигини унутмаслик лозим.

¹ Криминология: Дарслик / З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2008. – Б.178.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. – 2018. – 23 янв.

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказининг 2012–2017 йиллардаги статистик маълумотлар таҳлили.

⁴ Ўша манба.

⁵ *Мухторов Ж. С., Қурбонов Х. Ў.* Профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича вазифалари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Респ. илмий-амалий конф. мат-лари. – Т., 2011. – Б. 89.

⁶ *Рустамбоев М. Х.* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Махсус қисм. – Т., 2016. – Б. 123.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 15 сентябрь 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари туплами. 2-ж. – Т., 2006. – Б. 225.

⁸ *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 41.

⁹ *Абдурасулова Қ. Р.* Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари // Қонун ҳимоясида. – 2001. – № 1. – Б. 23.

¹⁰ Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. – Т., 2015. – Б. 11.

¹¹ *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Респ. илмий-амалий конф. мат-лари. – Т., 2011. – Б. 6.

¹² *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 25–52.

Р. Х. Душанов,

*ИИВ Академияси хизмат фаолияти психологияси кафедраси
бошлигининг ўринбосари, психология фанлари номзоди, доцент*

ҲАРБИЙЛАШГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация. Мақолада ҳарбийлашган олий таълим тизимида ўқитувчининг психологик компетентлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва уни ривожлантириш омилларига оид фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч тушунчалар: психологик компетентлик, педагогик эрудиция, мақсадга интилиш, амалий фикрлаш, педагогик-психологик одоб, касбий кузатувчанлик, коммуникативлик, психологик-педагогик рефлексия.

Повышение психологической компетентности преподавателя в высшей военнизированной учебной системе

Аннотация. В статье изложены мнения и взгляды о повышении специфических качеств и факторов, влияющих на развитие психологической компетентности преподавателя в высшей военнизированной учебной системе.

Ключевые слова: психологическая компетентность, педагогическая эрудиция, мыслить иррационально, педагогико-психологический такт, профессиональная наблюдательность, коммуникативность, педагогико-психологическая рефлексия.

Promotion of teacher's psychological competent in the higher military educational system

Annotation. There are noticed about specific qualities of increasing the psychological competention of teacher at the system military (militarian) higher education and thought-meditations about it's developing factors in this story.

Key words: psychological competention, pedagogical erudation, striving to object, practical think, pedagogical-psychological tact, professional observation, communication, psychological-pedagogical reflection.

Маълумки, таълим-тарбия инсоният тараққиётида ҳамиша ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланган. Хавфсизлик ҳам таълим-тарбияга боғлиқ. Шу боис дунё мамлакатлари унга миллий масала сифатида қараб келмоқда.

Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмай туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этолмаймиз.

Мамлакатимизда мустақиллик боис таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, таълимнинг миллий модели яратилди.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва

дунёқарашини ўзгартириш, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини, ўз келажагига ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосидир. Бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатидан холи ёшларимиз бугун мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон фармони ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш, касбий фаолиятга тайёрлаш ишлари самарадорлигини оширишнинг психологик омилларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур мураккаб ва муҳим вазифаларни амалга ошириш педагог кадрларнинг касбий маҳорати, таълим олувчилар жамоасини бошқариш ва уларга психологик таъсир кўрсатиш қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун «...таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур»².

Шу маънода, мутахассиснинг психологик компетентлиги шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, у «инсон-инсон» тизимидаги касбий фаолият самарадорлигини таъминлайди. У когнитив ва амалий таркибий қисмлар, психологик билимлар, касбий тафаккур, шахслараро алоқа ўрнатиш ва психологик таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган амалий кўникма ҳамда малакалардан ташкил топган.

Амалий психология луғатида компетентлик «чуқур билимга асосланганлик ва шахслараро муносабат тизимида атрофдаги инсонлар билан самарали муносабатда бўлиш қобилияти»³ сифатида таърифланган. Педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун ўқитувчида рефлексивлик, коммуниктивлик ва ҳамкорлик қилиш каби шахсий хислатлар муҳим ва зарурдир⁴.

Айрим олимлар (А.К.Макарова, М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Фозиев ва бошқ.) ўқитувчининг энг муҳим касбий психологик хислатлари рўйхатини педагогик эрудиция, мақсадга интилиш, амалий фикрлаш, педагогик-психологик одоб, касбий кузатувчанлик, тинглай билиш қобилияти, турли ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш, психологик башорат қилиш ва психологик-педагогик рефлексия каби билан тўлдиради. Ўқитувчининг мазкур хислатлари унда педагогик фаолиятга нисбатан психологик компетентликка эга бўлиш билан бирга, уйғун ҳолда намоён бўлади.

Психологик компетентликнинг таркибий қисмлари бир-бири билан узвий бўлиб,

ички (субъектив) ва ташқи (объектив) тузилмаларининг яхлит тизимини ташкил этади.

Ўқитувчининг психологик компетентлиги қуйидагиларни тақозо этади:

– ҳар бир таълим олувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари, темпераменти, қобилияти, характериға хос кучли ва кучсиз томонлари, фаолиятдаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

– жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни яхши билиш, таълим олувчи ва таълим берувчи муносабатларининг психологик хусусиятлари тўғрисида билимларга эга бўлиш;

– таълим беришнинг энг қулай ва замонавий методларидан хабардор бўлиш, улардан самарали фойдалана олиш, таълим жараёнига янги инновацион технологияларни татбиқ этиш борасида малакага эга бўлиш, ўз фаолиятининг кучли ва заиф томонларини психологик таҳлил қилиш сифати ва самарадорлигини ошириш, ўзини ўзи назорат қилиш, касбий билимларини ошириш ҳамда ўз устида ишлашнинг энг қулай усулларини юқори даражада ўзлаштира олиш.

Ўқитувчининг психологик компетентлиги унинг таълим олувчиларга муносабатидагина ифодаланиб қолмай, шахсий педагогик фаолиятини ташкил этишда ҳам яққол намоён бўлади. У ўз психологик хислатларини билмаслиги туфайли педагог ҳамкасблари тажрибасидан нусха кўчиради, уларга тақлид қила бошлайди.

Шу маънода, таълим жараёнида ўқитувчининг психологик компетентлигини оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

– ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштириш, психик жараёнлари (касбий хотира, диққат, сезги, мантиқий тафаккур ва бошқалар)ни ривожлантириш, касбий билим ва қобилиятлари ҳамда кўникмаларини шакллантириш, зўриқишлардан халос бўлишнинг психологик усулларини ўзлаштириш масаласида ижтимоий-психологик тренинглар ташкил этиш;

– касбий фаолиятга алоқадор масалалар (ўзлаштиришнинг сустиги, гуруҳдаги низоли вазиятлар)ни ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида психологик вазиятларни таҳлил қилиш;

– педагогнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида «ёш педагоглар маҳоратини ошириш мактаби»да ўқиш;

– ўқитувчининг касбий фаолиятида ўз имкониятларини тўла намоён этиши учун муҳим бўлган шахсий хислатлар (ўзининг педагогик фаолиятини таҳлил қилиш, «ақлий тренинг», ақлий ҳужум» каби кўникмалар)ни такомиллаштириш.

Психологик компетентликнинг ривожланишида етакчи омиллардан бири, педагогнинг мутахассис сифатида ўзини ўзи шакллантириши бўлса, иккинчиси шахс сифатида ўзини ўзи англашидир.

Ўқитувчининг психологик компетентлиги бир маромда эмас, балки бутун касбий фаолият жараёнида шаклланиб боради. Мазкур динамик жараёни мониторинг қилиш ва адекват (мос) баҳолаш ривожланишини ва ўқитувчи шахсинининг тараққиётини башорат қилиш имконини беради. Ўқитувчининг шахсий-касбий хислатлари унинг психологик компетентлиги билан уйғунлашиб кетади.

Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим.

Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Ўқитувчининг профессиограммаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқитувчи шахсининг психологик хусусиятлари;
- ўқитувчининг психологик-педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;
- ихтисослигига оид услубий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўз навбатида, ўқитувчи шахсининг психологик компетентлиги қуйидаги соҳаларда намоён бўлади:

ғоявий соҳада: илмий дунёқараш ва эътиқод; ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруратни чуқур тушуниш; ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш; ижтимоий-сиёсий фаоллик;

педагогик касби соҳасида: таълим олувчиларни севиш ва улар билан ишлашга интилиши, педагогик фаолиятга қизиқиш; руҳий-педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик одоб, педагогик тасаввур; ташкилотчилик қобилияти; ҳаққонийлик; самимийлик; талабчанлик; қатъийлик ва мақсадга интилиш; вазминлик; ўзини тута билиш; касбий лаёқат;

когнитив соҳада: кенг илмий савия; маънавий эҳтиёж ва қизиқиш; интеллектуал қизиқиш; янгиликни ҳис қила билиш; педагогик маълумотни оширишга интилиш.

Педагогик фаолият самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим:

- билиш қобилияти;
- ўқув материалларини тушунтира олиш;
- кузатувчанлик;
- нутқ қобилияти;
- ташкилотчилик қобилияти;
- обрў орттира олиш;
- тўғри муомала қилиш қобилияти;
- келажакни кўра билиш;
- диққатни тақсимлай олиш.

Шу маънода, ўқитувчининг психологик компетентлигини шакллантириш мақсадида турли психодиагностик усуллардан фойдаланиш лозим. Психодиагностик маълумотлардан олинган натижаларга кўра ўқитувчи ўзининг касбий фаолият талабларига қандай мослашиб бораётганлигини англаши ва шунга мувофиқ тарзда ўзининг педагогик қобилиятини янада ошириши зарур.

Ўқитувчининг обрў-эътибори, аввало, ўз касбига бўлган садоқатида намоён бўлади. Шундагина ўқитувчи ўз амалий фаолияти билан таълим олувчиларга ибрат бўла олади ҳамда уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотади. Бу фазилатлар ёшларнинг таълим-тарбияси, касбий тайёргарлигида муҳим омил ҳисобланади. Зеро, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини уйғотиш, Ватанни саждагоҳ каби ардоқлаш, ён-атрофга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатиш ҳар бир ўқитувчининг муқаддас бурчидир.

¹ Каримов И. А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзuidaги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. – Т., 2012. – Б. 18.

² Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қoидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – Б. 45.

³ Карпенко Л. В. Психология: Словарь. – М., 2004.

⁴ Лукьянов Н. И. Как подготовить профессионального педагога. – М., 2012. – С. 17.

Б. Б. Қодиров,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси (DSc), юридик фанлар номзоди

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаси ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган, уларнинг ваколатлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: олий таълим, ҳуқуқ, қонун, юридик шахс, ҳуқуқ субъекти, ҳуқуқий асослар, ислоҳ қилиш, қонун устуворлиги.

Особенности правового статуса высшего образовательного учреждения

Аннотация. В статье освещены особенности правового статуса высшего образовательного учреждения, проанализированы его полномочия.

Ключевые слова: высшее образование, право, закон, юридическое лицо, субъект права, правовые основы, реформирование, верховенство закона.

The features of legal status of the higher educational institute

Annotation. This article highlights aspects of the legal status of higher education institutions, and analyzes their authority.

Key words: higher education, right, law, legal entity, subject of law, legal foundation, reformation, rule of law.

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада таълим тизимини тубдан яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган ҳужжатларда белгиланган вазифалар таълим тизимининг ҳар бир иштирокчисига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, «ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси — ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир»¹.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида билим олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади².

Шундай экан, жамиятда фаолият кўрсатувчи ҳар қандай идора ёки ташкилот, шу жумладан, олий таълим муассасасининг ҳам фаолияти унинг ҳуқуқий мақоми билан бевосита боғлиқ. Илмий адабиётларда «ҳуқуқий мақом» тушунчаси ҳақида қатор фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи турли субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати орқали намоён бўлади.

Ҳуқуқ субъекти иштирокидаги тегишли ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши ҳамда тараққий топишининг ўзига хос имкониятлари ҳақидаги масалани ойдинлаштиришда ҳуқуқий субъектлик хусусияти ҳал қилувчи омил сифатида эътироф этилади. Бошқача айтганда, маълум бир ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиш имконияти субъект эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ ҳажмини белгилайди. Мазкур хулоса, аслида, Д.В. Винницкийнинг юқоридаги тушунчалар «айнан бир ҳуқуқий ҳодисани тавсифлайди, чунки турли ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш лаёқати ҳамда айрим ҳуқуқ

ва мажбуриятларни амалга ошириш имкониятини ажратишни кўзда тутди»³ деган фикрини тасдиқлайди.

П.И. Кононов юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми таркибига умумий ва махсус ҳуқуқ, умумий ва махсус мажбурият, юридик шахснинг умумий ва махсус ҳуқуқларини маъмурий-оммавий соҳаларда чегаралаш мезонлари, шунингдек маъмурий-оммавий соҳаларда қонунбузарлик содир этилганда юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган юридик жавобгарлик чораларини ҳам қўшишни таклиф этади⁴.

Д.Н. Бахрахнинг фикрича, жамоавий субъектнинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми қуйидаги асосий жиҳатлардан таркиб топади: 1) ташкилотнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятидаги мақсад, вазифа ва йўналишлари; 2) таркибий-ташкилий фаолият: ташкилотни тузиш, қайта ташкил этиш, тугатиш тартиби, идоравий бўйсунниши, ташкилий таркиби, фаолиятини амалга ошириш усуллари; 3) ваколатлари: ташкилот ишларини идоравий бошқариш ва ташкилотнинг раҳбарий ваколатлари⁵.

Олий таълим муассасасининг мақоми давлатга қарашли олий таълим муассасасини таъсис этиш ҳақидаги далолатнома асосида таълим фаолиятини олиб бориш ҳуқуқининг берилиши орқали намоён бўлади. Давлат олий таълим муассасаси биринчи битирувчиларини чиқаргандан кейин белгиланган тартибда давлат аттестацияси ва навбатдаги аккредитациядан ўтади.

Таълим муассасаси давлат таълим дастурларига мувофиқ таълим жараёнини амалга оширувчи муассаса ҳисобланади⁶. «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда аккредитациядан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий таълим муассасасининг ҳуқуқий мақомига юридик шахснинг ҳуқуқий муносабатлардаги ҳолати сифатида қаралганда «ҳуқуқий мақом» ва «ҳуқуқ субъект-лиги»ни бир бирига ўхшаш тушунчалар деб

эътироф этиш мумкин. Мақом мазмунини изоҳлайдиган асосий тушунчалар, компонентларни ўрганиш орқали олий таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шулардан жамоавий субъект мақоми компонентлари ҳуқуққа оид адабиётларда турлича изоҳланади.

Бу борада айрим олимларнинг илмий изланишлари таҳлили шунини кўрсатадики, олий таълим муассасаси ҳуқуқий мақоми-нинг элементлари сифатида унинг тури, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва давлат аккредитацияси мавжудлиги каби тавсифлари белгиланган бўлиб, бундан ташқари бошқа тавсифлари ҳақида ҳам муайян фикрлар мавжуд. Масалан, Д.Н. Бахрахнинг фикрига кўра, жамоавий субъект маъмурий-ҳуқуқий мақоми-нинг мазмунини аниқлаш учун асосан қуйидаги саволларга жавоб бериш керак: 1) у давлат механизмининг бир бўлагими ёки йўқми? 2) у фаолиятнинг қайси тури билан шуғулланади (хўжалик, маданий-тарбиявий ва ҳ.к.)? 3) у мустақил ташкилий бирликми ёки бошқа бир мураккаброқ ташкилий таркибга тобеми?⁷.

Олий таълим муассасасининг мақоми қуйидаги асосий қисмларга ажратилади: мақсад ва вазифалар, олий таълим муассасасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари: фаолият йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги; олий таълим муассасасини бошқариш тартиби, маъмуриятнинг таркибий тузилмаси ва вазифалари, шунингдек, ҳуқуқни амалга ошириш механизмлари, ташкилий-ҳуқуқий шакл, давлат аккредитацияси, олий таълим муассасасининг тури кўрсатилади⁸.

Ижтимоий соҳада умумий аҳамиятга эга бўлган оммавий фаолиятни бажарувчи олий таълим муассасаларининг турли-туманлиги ҳамда турини эътиборга олиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми таркибига қуйидагиларни қўшиш мақсадга мувофиқ: олий таълим муассасасининг республика ва маҳаллий ҳокимият органларидаги ўрни, аниқ бир бошқарув органига бўйсунниши ёки бошқарув органлари билан ўзаро алоқаларининг кўриниши; олий таълим муассасасининг ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатишидан кўзланган умумий ва махсус мақсадлар,

олий таълим муассасаси бажариши керак бўлган оммавий вазифалар, олий таълим муассасаси зиммасидаги оммавий фаолият йўналишлари, олий таълим муассасасининг ҳуқуқлари (ваколатлари), ҳуқуқий муносабатлар доирасида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун олий таълим муассасасининг жавобгарлиги.

Олий таълим муассасаларининг мазкур энг муҳим вазифалари ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида олий таълим муассасаларининг турларини таҳлил қилиш имконини беради.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда вазирлик ва идораларга бўйсуннишига кўра олий таълим муассасаларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Давлат ноҳарбий вазирлик ва идораларига бўйсунувчи олий таълим муассасалари, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида — 1 та, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида — 36 та, Адлия вазирлигида — 1 та, Ташқи ишлар вазирлигида — 1 та, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида — 7 та, Соғлиқни сақлаш вазирлигида — 10 та, Маданият вазирлигида — 5 та, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида — 6 та, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКда — 1 та, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида — 2 та, Давлат солиқ қўмитасида — 1 та, Автомобиль йўллари давлат қўмитасида — 1 та, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида — 1 та, Бадиий академияда — 1 та, Навоий кон-металлургия комбинатида — 1 та.

2. Хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон Республикасидаги филиаллари, жумладан: Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Г.В. Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, И.М. Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника институти, Тошкент шаҳридаги Инха университети.

3. Ҳарбий йўналишдаги олий таълим муассасалари: Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ёнгин хавфсизлиги институти, Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти, Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти кабилар.

Таъкидлаш жоизки, «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 25-моддасида таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек, ушбу қонуннинг 26-моддасида таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқи доирасига киритилиши мустаҳкамланган. Демак, бу махсус ваколат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Бироқ, ҳарбий йўналишдаги олий таълим муассасалари давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билими ва касбий тайёргарлигига талабларни ишлаб чиқиш, ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни аксарият ҳолларда мустақил амалга ошириб келади.

Бу эса, ўз навбатида, таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишида муайян ноаниқликлар келтириб чиқаради. Шу боис, ушбу масалага аниқлик киритиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши ёки амалдаги таълимга оид қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади.

Шунингдек, илмий адабиётларда олий таълим муассасалари уларнинг хизматидан фойдаланувчи шахсларга нисбатан бошқарув ҳокимиятига эгаллиги масаласи ёритилган. Бундай ёндашув олий таълим муассасалари бошқарув органларини нафақат ходимлар,

балки мазкур муассасаларда муайян хизматлардан фойдаланиш даврида вақтинча фаолият кўрсатувчи жисмоний шахсларга нисбатан ҳам маъмурий тузилмалар сифатида қарашни тақозо қилади. Масалан, олий таълим муассасаси ректори бошқарув ва тегишли ваколатлари орқали айрим ҳуқуқий ҳаракатларни фақат талабалар, ходимлар ва ўқитувчиларга эмас, балки бошқа фуқароларга нисбатан ҳам амалга оширади.

Мазкур ҳуқуқий ҳаракатларни олий таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми жиҳатидан қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1. Ички ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ваколатлари берилган олий таълим муассасалари. Уларнинг ваколоти доирасига олий таълим муассасаси билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи фуқаролар ва ташкилотлар киради. Олий таълим муассасасининг ички ҳуқуқ ва мажбуриятлари талабалар (академик таътил бериш, курсдан курсга кўчириш) ва ўқитувчиларга (лавозимларга танлов асосида ишга қабул қилиш) нисбатан қабул қилинган ижобий мазмундаги индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларда (буйруқ ва фармойишларда) ўз аксини топади. Бундан ташқари, олий таълим муассасаси ваколатига интизомий чораларни қўллашга оид (хайфсан эълон қилиш, талабалар сафидан четлаштириш) ҳужжатлар ҳам киради. Ҳужжатларда алоҳида тартибда юқорида зикр этилган шахсларнинг иш фаолияти ва дам олишини ташкил этишга оид масалалар (пуллик ёки давлат ҳисобидан бепул маданий ҳордиқ, таълим ва бошқа шу каби хизматларни кўрсатиш) ҳам

мувофиқлаштирилиши мумкин.

2. Ички ва қисман ташқи ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ваколатларига эга, оммавий вазифаларни бажарувчи олий таълим муассасалари. Улар ўзлари идоравий бўйсундиган давлат органларининг муайян ваколатларини ҳам амалга оширади. Булар қаторига, масалан, тиббиёт ёки ҳарбий йўналишдаги олий таълим муассасаларини киритиш мумкин. Олий таълим муассасалари бошқарув органларининг муайян ваколатларини белгиланган доирада амалга ошириши билан бир вақтда соғлиқни сақлаш ёки ҳарбий тизим учун кадрлар тайёрлайди, давлат буюртмаси асосида бошқа хизматларни бажаради.

Масалан, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари таркибида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича клиникалар мавжуд бўлиб, улар аҳолига тиббий хизматлар кўрсатади. Ушбу жараёнда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари бевосита иштирок этади. Шунингдек, ҳарбий йўналишдаги олий таълим муассасалари жамоат тартиби ёки ёнги хавфсизлигини таъминлашда муайян функцияларни бажаради.

Юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, олий таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми деганда унинг фаолият мақсади ва вазифалари, давлат бошқарув органлари билан ўзаро муносабатлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлат аккредитацияси билан боғлиқ ҳуқуқлари, мажбурият ва ваколатлари йиғиндисини тушуниш лозим бўлади.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. — Т., 2016. — Б.14.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 9. — 225-м.; 2013. — № 41. — 543-м.; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

³ *Виницкий Д.В.* Субъекты налогового права. — М., 2000. — С. 11.

⁴ Административное право России. Общая часть / Под ред. П. И. Конова. — М., 2006. — С. 88.

⁵ *Бахрах Д.Н.* Административное право России. — М., 2002. — С. 27-28.

⁶ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. — Т., 2008. — Б. 448.

⁷ *Бахрах Д.Н.* Административное право. Часть общая. — М., 1993. — С. 24-25.

⁸ *Рекрут О.А.* Административно-правовой статус негосударственных высших учебных заведений в России. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2003. — С. 17.

Д. Р. Тураева,

Тошкент Темир йўллар муҳандислик коллежи
ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОНДА «ЎҚИТУВЧИ – ЎҚУВЧИ» ПСИХОЛОГИК ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИ УСЛУБЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация. Мақолада педагоглар фаолияти назарий таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: «ўқитувчи-ўқувчи» тизими, кластер, ассоциатив тасаввурлар методи, ўқитувчиларнинг ўқувчилар ҳақидаги тасаввури.

Изучение методов деятельности педагогов в психологической системе «педагог-учащийся» в Узбекистане

Аннотация. В статье проводится теоретический анализ деятельности педагогов.

Ключевые слова: система «педагог-учащийся», кластер, метод ассоциативных представлений, представление учителей об учащихся.

The study of methods of activity of pedagogues in the psychological system «pedagogue-student» in Uzbekistan

Annotation. The article deals with the theoretical analysis of activity of pedagogues.

Key words: «teacher-pupil» system, cluster, methods assistive, style, style of activity of the teacher, management style.

Таълим – педагогик жараённинг аниқ кўриниши. Ижтимоий жиҳатдан ишлаб чиқилган билим ва кўникмалар махсус тайёрланган шахс (ўқитувчи) раҳбарлиги остида махсус тайёргарлиги шарт бўлган шахс (ўқувчига)га берилади. Мазкур ҳолатда, шахслар юзма-юз келади ва бу яқин алоқанинг таъсири ҳамда натижаси тарбия, ривожланиш жараёнларини амалга оширади.

Бу ўзаро таъсир тизимида иккита муҳим жараён: таълим бериш, яъни билим, кўникма ва тажрибаларнинг берилиши ҳамда таълим олиш, яъни таълим олувчининг идроки, англаши, ўзлаштириши ва ҳаётда зарур бўладиган тажрибаларни ўзлаштириши яққол кўзга ташланади. Аниқроғи, бу тизимда иккита фаолият турини: ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу иккала фаолият уйғунлиги ва ҳамкорлигининг натижаси сифатида самарали таълим-тарбия тизими юзага келади.

Ўзбек психологиясида педагогик психологияга, хусусан, ўқитувчи фаолиятига тааллуқли масалалар энг кўп ўрганилган. Ўзбекистонлик психолог олимлардан М. Г.

Давлетшин, Э. Ф. Фозиев, Р.З. Гайнутдинов, В.М. Каримова, Т.М. Адизова, Ф.Б.Шоумаров, Ш.Р. Баратов, А.М. Жабборов, Э.Н.Сатторов, А.Й. Расулов, А.А. Закиров, З.Т. Нишонова, М.А. Борисова ва уларнинг шогирдлари, яъни М.М.Мавлонов, Б.Н. Сирлиев, Л.С. Бекназарова, Г. Бердиев, Н.Ш. Азимов, Э.Б. Шуванов, Л.А.Норматова, Н.С. Жўраев юқорида қайд этилган масалани турлича таҳлил қилганлар.

М.Г. Давлетшин олий таълим ўқитувчилари фаолиятининг хусусиятларига бағишланган ишларида ўқитувчилар илмий ва педагогик фаолияти ўртасидаги муносабат турларига тўхталиб ўтган. Олимнинг фикрича, биринчи турга ўқитувчининг юксак даражадаги илмий ва педагогик фаолияти киради. Бунда илмий ва педагогик йўналишдаги ишлар ўртасида ўзаро муносабатлик кузатилади. Ўзаро таъсирнинг иккинчи турига юксак қобилият ва паст даражадаги илмий фаолият ўртасидаги қарама-қаршилик хосдир¹.

Ўқитувчида кузатиладиган ўзаро таъсирнинг учинчи турига илмий ижоднинг юксак ва педагогик фаолиятнинг паст даражадалиги хосдир. Ўтказилган тадқиқот натижаларига

асосланиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, олий таълим ўқитувчисининг конструктив ва гностик қобилиятлари ёшга, тажрибага боғлиқ ҳолда ривожланади, ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятлари эса одатда сусаяди. Педагогик маҳоратнинг «чўққига чиқиши» 15-20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган, яъни 40-45 ёшдаги ўқитувчиларда кузатилади².

М.Г. Давлетшин илгари сурган илмий ва педагогик ижоднинг ўзаро таъсири босқичлари тўғрисидаги фикрларга алоҳида эътибор берсак. Олим бу борада олтига босқични фарқлайди, тўғрироғи, асосан, иккита яъни ёш мезони ва стаж мезонига таяниб, ўзаро таъсир жараёни баҳолайди. Муаллифнинг илмий ва педагогик фаолият ўртасидаги ўзаро муносабатга кўпроқ эътибор қаратганимизнинг сабаби шундаки, фикримизча, «ўқитувчи-ўқувчи» педагогик тизимини ўрганаётганимизда бу омилларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш ўқитувчи фаолиятининг услуби ҳақидаги билимларимиз кенгайтишига сабаб бўлди.

М.Г. Давлетшин илмий изланишларида таълим жараёнининг умумий психологик қирралари, яъни сезги, идрок, тафаккур, нутқ, диққат, хотира каби психик компонентлар таъсирига алоҳида тўхталиб ўтган. Шунингдек, таълим жараёнида замонавий дарс ўтиш усуллариининг роли масаласини ҳам қисман ёритиб берган. У, айниқса, муаммоли таълимга атрофлича тўхталган, «ўқитувчи-ўқувчи» педагогик тизимини алоҳида ёритган. «Психологлар ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг жамоавий равишда, биргаликда амалга оширадиган меҳнатигина самарали ўқув фаолиятининг бошланғич шакли бўла олиши мумкинлигини етарли даражада асослаб бердилар. Кўпгина методик муаммоларни ҳал этишдаги ҳақиқий захира худди ана шу шаклда яширинган бўлади»³.

Олим ўз қарашларида «ўқитувчи-ўқувчи» педагогик тизимидаги ўқитувчи компоненти алоҳида эътибор қаратган ва ҳозирги замон ўқитувчиларига қўйиладиган талабларга батафсил тўхталган. Муаллиф тадқиқот-

ларида «жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва касби билан боғлиқ» эканлигини таъкидлаб ўтган. Олимнинг илмий ишлари ўқитувчи шахсига, ўқитувчининг қобилияти, малакасини ошириш муаммолари каби масалаларни бевосита «ўқитувчи-ўқувчи» тизимидаги ҳолатга, унинг оптималлаштирилишига қаратилган. Мазкур муаммони тадқиқ этиш бугунги кун психологиясида долзарб масалалардан ҳисобланади.

А. Раҳмоновнинг Э. Ғозиев бошчилигида олиб борган илмий-тадқиқотлари касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўқувчиларга психологик таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Муаммо мақсади ва тадқиқот предмети касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини касбга мослаштириш жараёнида ишлаб чиқариш таълими усталари билан ўзаро муносабатларини педагогик психология тест ва услублари воситасида текширишдан иборат⁴.

Олима В.М. Каримованинг тадқиқотларида таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро алоқадорлиги ва унинг самарали бўлишида сабоқ олувчилар эркинлигини ошириш, мустақил ва ижодий фикрлашлари учун зарур психологик имкониятларни ишга солиш лозимлиги таъкидланади. Муаллиф ўқувчида мустақил фикр юритиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун, аввало, ўқитувчи ва ўқувчи, талаба ва профессорнинг ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш, билим олувчи шахсни таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириш лозимлигини таъкидлайди; буни мақсадли амалга оширишнинг бир қатор психологик шартлари ва омиллари мавжудлигини кўрсатади:

биринчидан, ўқитувчи ёшларни қандай бўлса, шундайлигича, яъни иқтидори, лаёқати, зеҳни билан идрок қилиш, табиий қабул қилишни ўрганиши лозим;

иккинчидан, ҳар бир таълим муассасаси амалда ёшларга алоҳида-алоҳида (якка тартибда) ёндашувни ташкил этиши ва уларнинг психологик имкониятларини эътиборга олиши керак;

учинчидан, янги технологиялар асосидаги, таълимнинг демократик турларини жорий этиши даркор;

тўртинчидан, ўқитувчи ўқувчига ўз фикрларини изҳор қилиши учун кўпроқ шароит яратиши, интерфаол усулларни қўллаши лозим;

бешинчидан, ўқитувчи гуруҳда ишлаш қонунларини ҳамда ижтимоий-психологик мезонларни тўлиқ инobatга олиши зарур⁵.

Ўзбек психологларидан Т.М. Адизова ишлаб чиқариш жамоасини бошқариш усуллари тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борган⁶. Олиманинг мазкур тадқиқотдан кўзлаган мақсади: усталар шахсининг типологик хусусиятлари ва жамоани бошқариш усулари ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишдан иборат.

Маълумки, мақсадимиз «ўқитувчи—ўқувчи» тизимида ўқитувчи фаолияти услубининг ижтимоий-психологик томонларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишдир. Шу нуқтаи назардан, олима Т. М. Адизованинг илмий тадқиқоти фаолият услуби масаласини ўрганиш жиҳатидан тадқиқотимизга мос келади. Дарҳақиқат, **устанинг жамоани бошқаришдаги услуби билан ўқитувчининг ўқув жамоасига таъсир этиш услуби** ўртасида муштараклик кузатилади. Т. М. Адизованинг илмий тадқиқотида устанинг шахси билан унинг жамоани бошқариш услуби ўртасидаги алоқа, мазкур алоқанинг ишлаб чиқариш жамоаси фаолияти самарадорлигига таъсири асосли равишда ёритиб берилади. «Ўқитувчи—ўқувчи» тизимидаги асосий ҳолат ўқитувчининг ўқувчига кўрсатадиган педагогик таъсирига бориб тақалади.

А. М. Жабборовнинг тадқиқотида таълим-тарбия жараёнига таъсир этувчи ижтимоий психология ва миллий маданият омилларини, ўзбек мактаби ўқитувчисининг этник хусусиятлари, ўқитувчи—ўқувчи ҳамкорлиги миллий психологик омилларини кенг миқёсда ўрганган. Муаллиф ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг муваффақияти педагогнинг шахсий, касбий ва миллий психологик қиёфаси қай даражада ривожланганлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

А.М.Жабборовнинг изоҳлашича, ўзбек мактаби ўқитувчисининг миллий психологик қиёфаси ва уни белгиловчи омиллар ўқитувчининг атрофдагиларга хушмуомала ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ўзини тута билиши, ўз миллатига хослиги, обрў-эътибори, ижтимоий ўхшашлиги, ижтимоий дадиллиги⁷ кабилардан иборат.

3. Т. Нишонванинг тадқиқотларида таълим жараёнида ўқитувчи—ўқувчи ҳамкорлигининг муҳим омили, яъни мустақил фикрлашни шакллантириш механизмлари ҳақида фикр юритилади. Олиманинг фикрича, бу мураккаб жараённинг муваффақияти ўқувчи билан мулоқот шакллариининг тадқиқ этилишига, уларнинг ҳамкорлигига, индивидуал билим олиш фаолияти қулай тарзда бирикуви ва уйғунлашувига боғлиқдир. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятини шакллантириш ўқитувчига юксак талаблар қўяди, лекин унинг роли камаймайди, аксинча, мураккаб-лашади, уларнинг ақлий тараққиёти учун бевосита раҳбарлик қилиш зарурати вужудга келади. Айниқса, баҳслар олдиан синчковлик билан тайёргарлик кўриш ва баҳс-мунозарани моҳирона ташкил этишни тақозо қилади⁸.

Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг психологик томонларини илмий тадқиқ этган ўзбек олимларидан яна бири А. И. Расуловнинг тадқиқотидан кўзланган мақсад «ўзбек мактаби ўқитувчисининг ўқувчилар билан ўзаро муносабатини, шунингдек, этнопсихологик ва ижтимоий-маданий омилларини ҳисобга олган ҳолда, унинг болалар билан ўзаро муносабатига таъсир кўрсатувчи шахслилик ва индивидуал хусусиятларини аниқлашдан иборат»⁹. Тадқиқотчи асосий эътиборини ўқитувчининг ўқувчиларга тарбиявий таъсирига, улар ўртасидаги коммуникатив алоқаларни ўрганишга, шунингдек ўқитувчи шахс эканлигини ўқувчи—ўқитувчи муносабати орқали очиб беришга қаратади.

А.И. Расулов тадқиқотининг ўзбек психологиясидаги янгилиги шундаки, унда илк бор ўқитувчининг фаолияти ўқувчилар томонидан

баҳоланади. Ўқувчилар ўқитувчини тўртта тарбиячилик фаолиятига кўра баҳолайдилар ҳамда натижалари шаҳар ва қишлоқ кесимида шарҳланади. Олим ўқитувчиларнинг тарбия юритувчилик фаолиятига берган баҳолари юзасидан қуйидагича хулоса чиқарган: «Асосан, шаҳар мактабларида ўқитувчиларнинг тарбиячилик фаолиятида ўқувчилар билан ижобий ўзаро муносабат ўрнатишга таъсир кўрсатувчи табиийлик ва гўзалликдан етарлича фойдаланилмайди»¹⁰.

Тадқиқотчи «ўқитувчи—ўқувчи» ўзаро муносабатига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган: «ўқитувчи—ўқувчи» ўзаро муносабатининг ижтимоий оралиғи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муомала жараёнида ўз роллари ҳамда ўринларини субъектив равишда англаш билан боғлиқ объектив қонуният ҳисобланади»¹¹. Психолог олим томонидан чиқарилган хулоса «ўқитувчи—ўқувчи» педагогик тизимида ҳам ҳукм суради, яъни уларнинг «ўз роллари ҳамда ўринларини субъектив равишда англаш»лари мазкур тизим фаолиятининг самарали бўлишига олиб келади.

Олим ўз хулосаларидан бирида «ўқитувчи—ўқувчи» муносабатлари ҳақида шундай дейди: «ўқитувчи—ўқувчи» ўзаро муносабатидаги «субъект—субъект» муносабати ўқитувчининг ўқувчини ва аксинча, тушунишда когнитивлик, эмоционал-қадриятлар бирлиги бўлишини тақозо этади»¹². Бу хулоса «ўқитувчи—ўқувчи» педагогик тизими фаолиятининг самарадорлигини оширадиган энг муҳим омиллардан бири эканлигини билдиради. А. И. Расуловнинг илмий тадқиқоти ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабати даражаларини ҳар томонлама, батафсил кўрсатиб берганлигидан далолатдир.

И.Б. Шуванов тадқиқотларида ўқитувчи фаолият услубидан фаолият натижалари, муваффақиятларига эришилганлиги, шунингдек, ўқитувчининг фанга ва ўқувчига йўналганлиги ўрганилган. Шунга қараб, саккиз турдаги фаолият методи аниқланган. Муаллиф мазкур фаолият методларидан тўрттасини қўп учрайдиган метод сифатида таърифлайди¹³.

Ю.М. Асадов эса педагогик кадрлар малакасини ошириш амалиётида ўқитувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари педагогик маҳоратини ривожлантирувчи омил эканлигини ўрганиб, корреляцион таҳлил натижасида ўқитувчиларнинг психологик жиҳатдан етгита турини аниқлашга эришди. Ўқитувчи касб маҳоратининг яхлит таркибий қисмларини таснифловчи, «ўқитувчи касб маҳорати», «ўқитувчининг психологик типи» каби тушунчаларни белгилайдиган, ўқитувчи индивидуал-психологик хусусиятларининг психологик типларда интеграллашуви ва уларнинг малака ошириш ташкилий шакллари таанлаш мотивациясига таъсирини изоҳловчи, индивидуал-психологик хусусиятларнинг ўқитувчи касб маҳоратини ривожланиш омиллари сифатидаги аҳамиятини очиб берадиган илмий асосланган маълумотларга эга бўлган¹⁴.

Э.И. Ганиеванинг тадқиқотларида, ўқувтарбия жараёнида ўсмирларда индивидуал мулоқот услуби муаммоси ўрганилган. Тадқиқотда 6-7-синф ўқувчилари қамраб олинган. Муаллиф илмий тадқиқотида ўсмирлар интеграл индивидуаллиги таркибидаги индивидуал муомала услуби этномаданий омилни ҳисобга олган ҳолда, интеграл индивидуаллик ва унинг ривожланишида индивидуал услубнинг ўрни нуқтаи назардан тадқиқ этилиб, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда муомала индивидуал услуби шаклланишининг хусусиятлари изоҳлаб берилган¹⁵.

Тадқиқотчи Э. Аъзамхўжаеванинги педагогик жараёнда муомала маромининг ёш хусусиятлари ва динамикасига бағишланган диссертация ишида тарбиячи билан тарбияланувчи ўртасида шаклланадиган муомала маромининг қонуниятлари, механизмлари, хусусиятлари уларнинг ёш ва жинс бўйича тафовутлари очиб берилган. Олиманинги фикрича, «муомалага киришишда шахс томонидан уни амалга ошириш даражалари жараённи назорат қилишнинг кўринишлари ҳамкорликда, узлуксиз равишда иштирок этади. Бунда муомала жараёнидаги мақсадга йўналтирил-

ган функционал мўлжаллар алоҳида аҳамият касб этади. Натижада муомала эҳтиёжининг генезиси қиммати ортиб боради»¹⁶. Диссертациянинг объекти меҳрибонлик уйлариининг тарбияланувчилари бўлиб, тадқиқотчи умуман катталар ва кичиклар ўртасидаги коммуникатив жараёнга алоқадор муомаланинг «ижтимоий ва ижтимоий-психологик хусусиятларининг функциялар бажарилиши»дир деган хулоса чиқарган¹⁷.

Устоз-шогирд муносабатлари тўғрисида тадқиқот ишлари олиб борган олимлардан яна бири Ш.А. Эшметовдир. У олиб борган

тадқиқот ишининг мақсади «устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик мезонлари ва тамойилларини ўрганиш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашга имкон берувчи педагогик-психологик тамойилларнинг устоз шахси ва ҳамкорликда ишлаш маҳоратига боғлиқ томонларини устоз, уста билан шогирдлар, ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий тасаввурлари ҳамда кутилмалари (ижтимоий экспектация) доирасида эмпирик жиҳатдан кенг қамровли ўрганиш»дан иборат¹⁸. Умуман айтганда, мамлакатимиз психолог-лари мавзунинг турли қирраларини ўрганган.

¹ Давлетишин М. Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. — Т., 1999. — 30 б.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ғозиев Э. Ғ. Ўқитувчининг ўқув фаолиятини бошқариши. — Т., 1988. — 102 б.

⁵ Каримова В. Психология: Ўқув қўлланма. — Т., 2002. — 205 б.

⁶ Адизова Т. М. Социально-психологические особенности личности мастера и стиль руководства производственным коллективом: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. — Ленинград, 1986. — 17 с.

⁷ Жаббаров А. М. Ўзбек мактаби ўқитувчисининг психологик ва этник хусусиятлари: Психол. фан. д-ри ... дис. — Т., 1999. — Б. 218.

⁸ Нишоновна З. Т. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари: Психол. фан. д-ри. ... дис. — Т., 2005. — 319 б.

⁹ Расулов А. И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари: Психол. фан. номз. ... дис. — Т., 2001. — 177 б.

¹⁰ Ўша жойда. — Б. 11.

¹¹ Ўша жойда. — Б. 10.

¹² Ўша жойда. — Б. 17.

¹³ Эшметов Ш. А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари: Психол. фан. номз. ... дис. — Т., 2005. — 147 б.

¹⁴ Асадов Ю. М. Индивидуально-психологические особенности учителя как фактора развития профессионализма: Дис. ... канд. психол. наук. — Т., 2007. — 155 с.

¹⁵ Ганиева Э. И. Формирование индивидуального стиля общения у подростков в учебно-воспитательном процессе: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. — Т., 2002. — 24 с.

¹⁶ Абзамхўжаева Э. А. Муомала маромининг ёш хусусиятлари ва динамикаси: Психол. фан. номз. ... дис. — Т., 2002. — Б. 15-18.

¹⁷ Ўша манба.

¹⁸ Эшметов Ш. А. Кўрсатилган асар.

Б. Иноятов,

*преподаватель цикла боевой и физической подготовки
факультета профессиональной подготовки Академии МВД*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИЛОВЫХ КАЧЕСТВ У КУРСАНТОВ И СЛУШАТЕЛЕЙ АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, СПЕЦИАЛИЗИРУЮЩИХСЯ ПО САМБО

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы, касающиеся совершенствования силовых качеств у курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан, специализирующихся по самбо, а также разработанный и экспериментально апробированный комплекс упражнений, направленный на совершенствование силовых качеств.

Ключевые слова: физическая подготовка, техническая подготовка, физические качества, силовые способности, скоростно-силовые способности, упражнения скоростно-силовой направленности.

ИИВ Академиясида самбо кураши билан шуғулланувчи тингловчи ва курсантларнинг куч хислатларини ривожлантириш

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг самбо кураши билан шуғулланувчи курсант ва тингловчиларида тажриба тадқиқотлари асосида куч хислатларини ривожлантиришга қаратилган машқлар мажмуи ишлаб чиқилган ва амалда синаб тасдиқланган.

Таянч сўзлар: жисмоний тайёргарлик, техник тайёргарлик, жисмоний хислатлар, куч қобилиятлари, тезкор-куч қобилиятлари, тезкор-куч йўналишидаги машқлар.

Perfection of power quality by the cadets and listeners of the Academy of MIA of the Republic of Uzbekistan specializing in sambo

Annotation. This article discusses issues related to the improvement of the power qualities of cadets and listeners of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan specializing in sambo, and a set of exercises aimed at improving the strength qualities has been developed and experimentally tested.

Key words: Physical preparation, technical preparation, physical qualities, strength abilities, speed-strength abilities, speed-strength exercises.

Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан является государственным высшим специализированным образовательным учреждением по подготовке кадров для органов внутренних дел.

Важнейшим направлением деятельности Академии является воспитание физически здоровых, способных надежно обеспечивать общественную безопасность, обладающих высокими нравственными качествами сотрудников органов внутренних дел. В связи с этим особое внимание в образовательном учреждении уделяется вопросам укрепления здоровья курсантов и слушателей, развития у них необходимых физических качеств посредством занятий различными видами спорта. Приоритетными видами спорта в

Академии являются спортивные единоборства, в том числе и борьба самбо, которая является эффективным средством подготовки кадров для органов охраны правопорядка.

Борьба самбо в системе физического воспитания служит средством всестороннего физического развития, укрепления здоровья¹. Она является одним из популярнейших видов спорта, и это вполне закономерно, так как здесь особенно ярко проявляются и воспитываются как физические, так и психологические, морально-волевые качества: сила, выносливость, быстрота, решительность, смелость и т.п.²

Современное самбо выдвигает высокие требования к уровню подготовленности к мышечной работе, выполняемой с большими перепадами интенсивности. Спортив-

ные успехи в единоборствах зависят от достаточно широкого числа требований, предъявляемых к спортсмену в ходе соревнований и тренировок, в том числе и от развития такого качества, как сила.

В силовой подготовке борцов используются методы и средства, воспитывающие скоростную и взрывную силу³. Однако применение максимальных и продолжительных силовых нагрузок, их ограниченность и кратковременность должны соответствовать особенностям организма занимающихся⁴.

В предлагаемой работе сделана попытка анализа средств и методов силовой подготовки, а также изучение их взаимодействия с другими средствами и методами при учете возрастно-половых и психофизиологических особенностей курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан, специализирующихся по самбо.

Многие специалисты в сфере спорта сходятся во мнении, что физические способности спортсменов являются основным элементом, определяющим их мастерство⁵.

Совершенствование процесса подготовки спортсмена зависит от выбора оптимальных путей повышения физического развития. Это служит фундаментом для роста технико-тактического мастерства, что способствует реализации индивидуальных способностей и потенциальных возможностей каждого самбиста в отдельности⁶.

По мнению специалистов, такие практические вопросы, решающие проблемы развития силы у спортсменов, очень важны, что делает данную тему актуальной для теории и методики спортивной борьбы⁷.

Проявление скоростно-силовых способностей наблюдается в двигательных действиях, для совершения которых наряду со значительной силой мышц требуется и быстрота движений. Скоростно-силовые действия включают в себя: а) быструю силу; б) «взрывную» силу.

Развитие силовых качеств борцов усложняется: растет роль специальной силовой подготовки, усложняется структура и содержание самих упражнений и условия их выполнения. Внимание уделяется тем

силовым упражнениям, которые способствуют развитию отдельных групп мышц и похожи по структуре и характеру на основные соревновательные упражнения. Акцент делается и на развитии тех мышечных групп, которые претерпевают наибольшую нагрузку во время выполнения именно соревновательных упражнений.

Дана характеристика тенденций развития силовых способностей при помощи круговой тренировки, что обусловило выбор методов исследования: анализ научно-методической литературы; педагогический эксперимент; тестирование уровня физической подготовленности; методы математической обработки полученных данных.

Изучение и обобщение имеющейся по данной проблеме научно-методической литературы позволило сформировать концепцию, а на этой основе определить подходы к решению обозначенной проблемы и разработать комплекс специальных упражнений.

Педагогический эксперимент применен в двух группах и по форме организации являлся сравнительным. Обработывались результаты за половину тренировочного года. Первое тестирование проводилось в январе, следующее в июне 2017 года.

Процесс физического воспитания в группах курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан, специализирующихся по самбо, был организован так, что в экспериментальной группе он имел акцент на воспитание силовых способностей с помощью определенных методических подходов, в частности, метода круговой тренировки.

С целью развития силовых качеств у самбистов помимо классических упражнений, направленных на развитие разных качеств, необходимых борцам, в экспериментальной группе применялся метод круговой тренировки. Она использовалась в конце тренировки и занимала по времени 20 минут (4 круга по 5 минут) и включала по 4 станции на каждом круге. Для развития названного качества подобран комплекс упражнений, в который включены специально-подготовительные упражнения. В качестве

таких упражнений выбраны броски манекена через бедро, прогибом, имитация броска через бедро на резине, броски с партнером через бедро, «восьмерка» и другие, а также тесты и задания на общую и специальную физическую подготовленность. Также использовались дополнительные упражнения на развитие силы, быстроты, гибкости, равновесия (внимание уделялось и технической, и тактической подготовке). В январе собиралась необходимая для эксперимента информация. Сам тренировочный процесс занял период с февраля по май 2017 г.

В результате анализа выявлено, что и в контрольной, и в экспериментальной группах произошли изменения во всех трех контрольных тестах и трех тестах общей физической подготовки (ОФП). Это свидетельствует об эффективности стандартной программы. Но применение разработанного комплекса упражнений, направленного на развитие силы, дает, судя по результатам, больший прирост показателей.

По первому тесту в контрольной группе прирост составил в среднем 2,9 единиц измерения ($P < 0,05$) или 18,9%; по второму 3,1 единиц измерения ($P < 0,05$) или 18,8%; по третьему 2,7 единиц измерения ($P < 0,05$) или 19,4%.

Таблица 1.
Результаты тестирования в контрольной группе до и после педагогического эксперимента

№	Показатели	До ($\bar{x} \pm \sigma$)	После ($\bar{x} \pm \sigma$)	Изменения
1.	Бросок через спину, кол-во раз	14,3±2,2	17±2	2,9
2.	Бросок через бедро, кол-во раз	13,9±2,4	17,1±2,2	3,1
3.	Передняя подножка, кол-во раз	13,9±2,8	16,6±2,76	2,7




Рис.1. Динамика показателей в контрольной группе до и после педагогического эксперимента

В экспериментальной группе наблюдались следующие результаты: по первому тесту прирост составил в среднем 3,4 единиц измерения ($P < 0,05$) или 22,7%; по второму 3,3 единиц измерения ($P < 0,05$) или 22,8%; по третьему 3,4 единиц измерения ($P < 0,05$) или 23%.

Таким образом, применение разработанного комплекса упражнений, направленного на воспитание скоростно-силовой выносливости у курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан, специализирующихся по самбо, применяемого в экспериментальной группе, значительно повышает уровень силовой подготовленности.

Таблица 2.
Результаты тестирования в экспериментальной группе до и после педагогического эксперимента

№	Показатели	До ($\bar{x} \pm \sigma$)	После ($\bar{x} \pm \sigma$)	Изменения
1.	Бросок через спину, кол-во раз	15±1,18	18,4±1,28	3,4
2.	Бросок через бедро, кол-во раз	14,5±1,96	17,8±2,09	3,3
3.	Передняя подножка, кол-во раз	14,8±1,47	18,2±2,03	3,4




Рис.2. Динамика показателей в экспериментальной группе до и после педагогического эксперимента

ниц измерения ($P < 0,05$) или 17%; по третьему 3,7 единиц измерения ($P < 0,05$) или 10%.

В экспериментальной группе наблюдались следующие результаты: по первому тесту прирост составил в среднем 11,8 единиц измерения ($P < 0,05$) или 9%; по второму 4,5 единиц измерения ($P < 0,05$) или 23,7%; по третьему 4,9 единиц измерения ($P < 0,05$) или 11%.

Таблица 3.
Результаты тестирования ОФП в контрольной группе до и после педагогического эксперимента

№	Показатели	До ($\bar{x} \pm \sigma$)	После ($\bar{x} \pm \sigma$)	Изменения
1.	Сгибание/разгибание рук в упоре лежа, кол-во раз	129,4±25,76	139,9±24,78	10,5
2.	Подтягивания, кол-во раз	19,8±5,36	23,2±5,4	3,4
3.	Подъем туловища из положения лежа	31±2,37	34,8±2,13	3,7

Таким образом в процессе анализа научно-методической литературы выявлено, что актуальность развития силовых качеств у борцов самбо и наличие большого количества инновационных и классических комплексов упражнений является составной частью в подготовке спортсменов. В системе трени-




Рис.3. Динамика показателей ОФП в контрольной группе до и после педагогического эксперимента

Таблица 4.

Результаты тестирования ОФП в экспериментальной группе до и после педагогического эксперимента

№	Показатели	До ($\bar{x} \pm \sigma$)	После ($\bar{x} \pm \sigma$)	Изменения
1.	Сгибание/разгибание рук в упоре лежа, кол-во раз	120,5±20.72	131,2±21.09	10.2
2.	Подтягивания, кол-во раз	19,4±3.87	24±5.06	4.6
3.	Подъем туловища из положения лежа	32±2.4	35,5±2.2	3.5




Рис.4. Динамика показателей ОФП в экспериментальной группе до и после педагогического эксперимента

ровочного процесса спортсмена наряду с решением различных задач тактической, технической, теоретической, психологической подготовки, важнейшую роль играет физическая подготовка. Определено, что к соревновательным нагрузкам субмаксимальной мощности и переменной интенсивности, самбистам необходимы не только хорошие скоростные и силовые качества, но и выносливость к мышечным нагрузкам. Это качество является одним из ведущих и определяющих результативность в соревновательных схватках самбистов.

Для развития названного качества подобран комплекс упражнений, в который

включены специально-подготовительные упражнения, выполняемые в форме круговой тренировки. В качестве таких упражнений выбраны броски манекена через бедро, прогибом, имитация броска через бедро на резине, броски с партнером через бедро, «Восьмерка» и другие, а также тесты и задания на общую и специальную физическую подготовленность. Также использовались дополнительные упражнения на развитие силы, быстроты, гибкости, равновесия (внимание уделялось и технической, и тактической подготовке).

В ходе исследования выявлены достоверные изменения в экспериментальной группе по сравнению с контрольной группой, где применялся разработанный комплекс упражнений. Это подтверждается ростом показателей и достоверно значимыми различиями между контрольной и экспериментальной группами после педагогического эксперимента. Достоверность и однородность результатов определялась с помощью средних арифметических показателей и среднего квадратического отклонения.

По бросковым тестам в процентном соотношении прирост в экспериментальной группе выглядит следующим образом: бросок через спину – 3,8%; бросок через бедро – 4 %; передняя подножка – 3,6%.

По тестам, отражающим общую физическую подготовку, полученные результаты также говорят о приросте: сгибание/разгибание рук в упоре лежа – 1%; подтягивания – 6,7%; подъем туловища из положения лежа – 1%.

Полученные в результате исследования данные свидетельствуют об эффективности разработанного комплекса, направленного на развитие силовых качеств курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан, специализирующихся по самбо.

¹ Харлампиев А. Борьба самбо. – М., 1997. – С. 182.

² Гаськов А. В. Теория и методика спортивной тренировки в единоборствах. – Улан-Удэ, 2010. – С. 50-52; Kerimov F. A. Sport kurashi nazariyasi va usuliyoti. – Т., 2009. – В. 74-87.

³ Tastanov N. A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. – Т., 2015. – В. 154-166.

⁴ Чумаков Е. М. 100 уроков самбо. Школа легендарного мастера. – М., 2005. – Б. 238; Шашурин А. В. Физическая подготовка. – М., 2005. – Б. 55; Kerimov F. A. Sport sohasidagi ilmiy tadqiqotlar. – Т., 2004. – В. 45-50.

⁵ Зацюрский В.М. Физические качества спортсмена. – М., 2007. – С. 200; Bayturyayev E.I. Sambo kurashi nazariyasi va uslubiyati. – Т., 2016. – В. 50-64.

⁶ Пулатов Ф.М. Борьба самбо. – Т., 2005. – С. 33-47.

⁷ Таухходжаев Х.М. Борьба самбо (самозащита без оружия). – Т., 2011. – С. 5-10.

А. К. Янгибаев,

ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада сиёсий партиялар ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқуқий нормалар ва қонунлар билан кафолатланганлиги баён қилинган бўлиб, унда партиялар ҳуқуқлари, партиялар фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатишнинг тартиб-таомиллари ҳамда партиялар фаолияти билан боғлиқ айрим таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: фуқаролик жамияти, жамоат бирлашмалари, сиёсий партия, кўппартиявийлик, фракция, муҳолафат, кафолат, назорат, ваколат, ҳокимиятнинг бўлиниши принципи.

Конституционно-правовые гарантии прав политических партий

Аннотация. В статье излагаются конституционно-правовые гарантии прав политических партий, даются предложения и рекомендации относительно порядка прекращения и приостановления деятельности партий.

Ключевые слова: гражданское общество, общественные объединения, политическая партия, многопартийность, фракция, оппозиция, гарантия, контроль, полномочия, принцип разделения властей.

Constitutional and legal guarantee of rights of political parties

Annotation. The article covers constitutional and legal guarantee of rights of political parties and the author gives proposals and recommendations on the system of termination and suspension of activities of parties.

Key words: civil society, social associations, political party, multi party system, faction, opposition, guarantee, control, power, principle of separation of powers.

Сўнги йилларда фуқаролик жамияти назариясига қизиқиш кучайиб бормоқда. *Фуқаролик жамияти* деганда одатда ўз моддий, маънавий ва бошқа хил манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш учун фуқаролар уюшмалари, иттифоқларига ихтиёрийлик асосида эркин уюшган индивидларнинг иқтисодий, ахлоқий, диний ва бошқа муносабатлари тизими тушунилади. Турли йўналишларда фаолият олиб борувчи жамоат бирлашмаларининг кенг тармоғи, шу жумладан сиёсий партияларсиз фуқаролик жамиятини шакллантириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир инсоннинг жамоат бирлашмаларига уюшиш, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи мустақамланган. Партияларнинг конституциявий

мақоми — уларнинг ташкил топиши ва фаолияти эркинлигига таҳдид эмас, балки уларни давлатнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилувчи муҳим кафолатдир. Конституциявий мақом фуқароларнинг бирлашмаларга уюшиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш кафолати бўлиб хизмат қилади, чунки сиёсий партияларнинг мақомини, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, давлат билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилайди¹.

Мазкур ҳуқуқлар жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва демократия устунлиги принципларига асосланган базавий қадриятларига киради ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашмаларни эркин ташкил этиш ҳуқуқини ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг эркинлигини ўз ичига олади. Фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш

хуқуқи бунинг алоҳида бир кўриниши ҳисобланади. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: «Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш беради»².

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашилари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади. Қонунда сиёсий партия ҳуқуқларининг очиқ рўйхати ҳам мустаҳкамланган. Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоё, мақсад ва қарорларини тарғиб қилиш;

– сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

– қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

– партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

– Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш сиёсий партияларни ташкил этиш, уларнинг фаолияти, уларни тугатиш ва қайта ташкил этиш тартиби муносабати билан юзага келувчи ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Шундан келиб чиқиб,

сиёсий партиялар мақомининг қуйидаги объектларини ажратиш мумкин:

а) сиёсий партиянинг ҳуқуқ ва бурчлари;

б) партиянинг функциялари, сиёсий фаолиятни амалга ошириш шакллари ва усуллари;

в) партиянинг ташкилий тузилиши;

г) партияни ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби;

д) сайловда ва давлат органлари фаолиятида партиянинг иштирок этиш асослари ва тартиби;

е) партиянинг молиявий ва хўжалик фаолияти;

ж) партия ва давлат органларининг ўзаро муносабатлари;

и) партиянинг халқаро алоқалари;

к) партиянинг мафкуравий ва тарғиботчилик фаолияти.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, шахснинг сиёсий ҳуқуқлари (уюшмаларга бирлашиш, ўз фикрини ифодалаш, сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқлари) мажмуига асосланади ҳамда улар тўлақонли амалга оширилишини таъминлашга қаратилади³. Айни пайтда партияга берилган ҳуқуқлар соҳиби вазифасини партия аъзоси бўлган фуқаролар мажмуи эмас, балки коллектив субъект саналган партиянинг ўзи бажаради⁴. Тегишли равишда, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини, шу жумладан сиёсий партияга бирлашиш ҳуқуқини ва сиёсий партияларнинг субъектив ҳуқуқлари мажмуини фарқлаш зарур.

Шу сабабли сиёсий партиялар ҳуқуқларининг мазмуни уларнинг ваколатлари билан белгиланади. Айни пайтда, партиянинг у ташкил топган санадан эътиборан юзага келувчи ваколатларини (партиянинг фуқаролар бирлашмаси сифатидаги ҳуқуқларини) ва унда давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан юзага келувчи ваколатларни (партиянинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқларини) фарқлаш лозим. Бундан ташқари, муайян шароитлардагина (масалан, камида қирқ минг нафар сайловчи имзоси йиғилганида) партия

сайлов жараёни субъектига айланади — бу ерда партиянинг тўлиқ ҳажмдаги ваколатлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Партияларнинг ваколатлари рўйхатида икки гуруҳни ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни уставга оид фаолиятнинг асосий йўналишларини амалга оширишга (сайловда иштирок этишга, ўз фаолияти ҳақида ахборот тарқатишга, давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этишга) оид ҳуқуқлар, иккинчи гуруҳни эса уларни таъминлаш, ҳимоя қилиш ва амалга оширишга (оммавий ахборот воситалари таъсис этиш, оммавий тadbирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ифода этишга) доир ҳуқуқлар ташкил этади.

Партияларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган фаолияти устидан назорат улкан аҳамият касб этади. Унинг вазифаси партия ва унинг вакиллари томонидан амалга оширилган ҳаракатларни таҳлил қилиш ва уларнинг қонунийлигини текширишдан иборат. Шунини қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан партияларга нисбатан амалга ошириладиган назорат доираси бошқа жамоат бирлашмаларига нисбатан амалга ошириладиган назоратга қараганда анча кенг. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунни, бошқа қонун ҳужжатлари ёки ўз уставини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатлари ёки уставнинг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатган ҳолда бу хусусда партиянинг раҳбар органларига ёзма равишда хабар қилади ва бундай ҳолида бузилишларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар ҳолида бузилишлари белгиланган муддат давомида бартараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача

муддатга тўхтатиб туриши мумкин. Сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда шу муддат давомида партиянинг ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади⁵.

Сиёсий партиялар фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳуқуқий асослари ва тартиб-таомилларининг таҳлили сиёсий партиялар фаолиятини тўхтатишнинг турли асослари келажакда бундай тўхтатишнинг юридик оқибатларини табақалаштиришни талаб қилишини кўрсатади. Масалан, партия ўз аъзолари сони, фаолиятининг ҳудудий миқёси ва сайловда иштирок этишга доир зарурий талабларни қаноатлантирмай қўйса, жамоат бирлашмаси ўзининг партия мақомини йўқотиши ва сиёсий партиялар рўйхатидан чиқарилиши санкциясини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Афсуски, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ушбу ҳолат ўз аксини топмаган. Экстремистик партияларга нисбатан эса амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган санкция, яъни партияни тарқатиб юбориш белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур санкция қўлланилиши оқибатида партия тугатилиши билан бир вақтда унинг номидан давлат ҳокимияти қонунчилиги (вакиллик) органларида иш олиб бораётган депутатлар бирлашмаларининг фаолияти ҳам тўхтатилиши лозим. Қонунда уруш ва фавқулодда вазият шароитларида партиялар фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалалари ҳам ўз аксини топмаган. Бинобарин, бу камчиликни ҳам бартараф этиш талаб этилади.

Амалдаги қонунда партиялар жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органларига сайловда мустақил иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган бирдан-бир тури сифатида эътироф этилади, лекин улардан сайловда албатта иштирок этиш талаб қилинмайди. Шу тариқа республикамик қонунчилиги сиёсий партияга ўз асосий мақсад ва вазифаларида сайлов кампания-

ларида иштирок этишни эълон қилгани ҳолда, амалда бу борада ҳаракатсизликни намойиш этишига имкон беради. Бизнингча, партиялар сайлов кампанияларида иштирок этиш борасида етарли тажриба тўплаган ҳозирги шароитда қонунга мазкур масалада партияларга қаттиқроқ талаблар қўювчи қоидалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Таклиф этилаётган қоида қўйидагича бўлиши мумкин. Партия мақомининг сақланиши унинг сайлов кампанияларида иштироки билан бевосита боғланади. Агарда сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловида сурункасига икки маротаба иштирок этмаган бўлса, фикримизча, у (Адлия вазири тақдими-га биноан Олий суд қарори билан) сиёсий партия мақомидан маҳрум қилиниши лозим.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлашда ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахслари (ҳокимлардан ташқари) иштирок этиши имконияти ҳам бекор қилинса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, Сенатни шакллантиришда қонунда белгиланган ҳокимият бўлиниши принципини тўлиқ амалга ошириш лозим. Мазкур принципга мувофиқ қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари мустақилдирлар. Бинобарин, ҳукумат аъзолари ва ижро ҳокимияти мансабдор шахслари Сенатга сайланиши мумкин эмас.

Амалга оширилган таҳлиллар Ўзбекистон Республикасида давлатнинг вакиллик ва

ижроия ҳокимияти органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида сиёсий партияларнинг иштироки аста-секин кенгайиб бораётганидан далолат бермоқда. Мазкур жараён қўйидагиларда намоён бўлади:

а) партияларга иш тартибига оид, ташкилий ва ахборот борасида преференциялар берилиши қонун йўли билан мустаҳкамланди ва натижада партиялар сайловнинг асосий иштирокчиларига айланди;

б) партиялар фракцияларининг парламент фаолиятидаги ваколатлари (қонун ижодкорлиги, назорат, кадрлар билан ишлаш ва бошқа функциялари) юридик жиҳатдан мустаҳкамланди;

в) партиялар ролининг кучайиши ҳукумат ва партиялар ўртасидаги алоқалар янада изчилроқ ва самаралироқ ўзаро муносабатлар томон кенгайиши билан боғлиқ. Натижада, партиялар мақоми мустаҳкамланишига қараб, давлат билан ҳокимиятга доир муносабатларда вакиллик органлари (парламент ва Кенгашлар) ваколатларининг ҳажми амалда ошиб боради.

Хуллас, сиёсий партиялар ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқуқий нормалар ва тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги ҳамда конституциявий-ҳуқуқий кафолатланганлиги, улар фаолиятининг тизимли равишда амалга оширилишига, партияларнинг вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари фаолиятида самарали иштироки таъминланишига, ўз электорати олдида партия дастурларидаги белгиланган вазифаларни ўз вақтида қонуний ҳал этишга ҳамда ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ифода этишга хизмат қилади.

¹ *Ўразаев Ш. З.* Власть и закон. – Т., 1991. – С. 8.

² Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-м.

³ *Адилходжаева С. М.* Эволюция политико-правовых идей либерализма, проблемы их реализации на современном этапе: вопросы теории и практики: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2003. – С.12.

⁴ *Агеев А. А.* Законодательный (представительный) орган государственной власти субъекта Российской Федерации как институт представительной демократии: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Волгоград, 2003. – С.17.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-м.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ва назарий асослари таҳлил қилинган, олимларнинг фикрлари ва амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: лицензия, маъмурий ҳуқуқ, лицензияловчи органлар, лицензия талабгорлари, шакл, усул, тартиб, таомил, лицензиялаш фаолияти.

Административно-правовая природа и теоретические основы лицензирования

Аннотация. В статье рассмотрена административно-правовая природа лицензирования, на основе изучения мнений ученых и правоприменительной практики даны предложения, направленные на ее совершенствование.

Ключевые слова: лицензия, административное право, лицензирующие органы, соискатели лицензий, форма, метод, способ, лицензионная деятельность.

Administrative-legal nature and theoretical foundations of license

Annotation. At the article are described law-enforcement bodies of licensing, it's the law-enforcement bodies of legal category and given invitations which deal with thoughts and improving results of learning practice of scientists.

Key words: license, authority of law, organs of licensing, client of licensing, shape, style, activity of licensing.

Лицензиялаш масалалари турли муаллифлар томонидан ўрганилган бўлса-да, бу борада ҳалигача умумий назарий қарашлар шаклланмаган. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва устувор йўналишлари ҳам лицензиялаш муносабатларини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, биз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир. Масалан, ҳозирги вақтда мавжуд 64 та турдаги лицензиянинг 21 таси – Вазирлар Маҳкамаси, 40 таси – марказий идоралар, учтаси – вилоятлар ҳокимликлари ва фақат биттаси туман ҳокимликлари томонидан берилади. Бундай ҳолатни рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин¹.

Лицензиялашни либераллаштириш, давлат органларининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва мақбуллаштириш зарурати лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиатини бутунлай бошқа жиҳатдан кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки бугунги кунда иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини ташкил этадиган 58 турдаги фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талаб этилади. Ўз мазмунига кўра комплекс ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлган лицензиялаш иқтисодиётни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг кенг қўлланиладиган усуллари билан бири бўлиб, оммавий ва хусусий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Бироқ лицензиялаш ўз табиатига кўра асосан императив қоида ва тартибларни акс эттириб, давлатнинг иқтисодий муносабатларга оммавий таъсир этиш воситаси ҳисобланади.

Лицензиялаш турли муаллифлар томонидан ҳар хил талқин этилган, хусусан,

ҳуқуқий режим, усул, назорат шакли, ижроия ҳокимият органлари фаолиятининг шакли, ҳуқуқий институт, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш усули, тадбиркорлик фаолиятини легитимлаштириш шакли, юридик шахс ҳуқуқий мақомининг пайдо бўлиши, рухсат бериш тизимининг шакли сифатида тадқиқ этилган. Масалан, В.С.Дробязко лицензиялашни тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларида бири сифатида изоҳласа², А.Б.Багданов ижроия ҳокимият фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий шакли сифатида тадқиқ этган³. О.С.Троценко лицензиялашни рухсат бериш тизимининг таркиби, жамоат муносабатлари тизими, комплекс ҳуқуқий институт ва инсон фаолиятининг шакли сифатида кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблайди⁴.

Бизнинг фикримизча, лицензиялашни тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш усули сифатидагина тушуниш унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, лицензиялаш нафақат тадбиркорлик фаолиятини, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ҳам тартибга солишга қаратилгандир.

Шу сабабли бу борада С.М.Селимановнинг лицензиялашга ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усули сифатида берган таърифини⁵ маъқуллаймиз. Қолаверса, 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида ҳам «лицензиялаш – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси» сифатида таърифланган.

М. Агапова лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий тарбиятига хос қуйидаги белгиларни ажратади: а) лицензион муносабатлар давлат бошқаруви соҳасида пайдо бўлади; б) қарор қабул қилиш бир томонлама ҳукмронликка асосланади; в) ижроия ҳокимият ваколатли

бошқарув субъектининг ваколатларини амалга оширади; г) лицензион муносабатларда қонунийликни таъминлашнинг махсус (маъмурий-ҳуқуқий) режими мавжуд бўлади⁶.

О.Қ.Умаровнинг таъкидлашича, лицензиялаш мазмун-моҳияти билан давлат хавфсизлиги ва мамлакат мудофаасини таъминлаш, фуқароларнинг саломатлиги, маънавияти, қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бир тури ҳисобланади⁷.

Ю.С.Юрьеванинг фикрича, лицензиялаш – иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий чораси⁸. Бироқ муаллифнинг бу фикри бир ёқламадир, чунки лицензиялашда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазаси, давлат хавфсизлиги кабилар ҳам таъминланади. Умуман олганда, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботлари орқали давлат томонидан тадбиркорлик соҳасидаги оммавий манфаатлар муҳофаза этилади.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботида муайян фаолиятни амалга ошириш учун, *биринчидан*, маълум маъмурий тартибқоидалар ва шартларни бажариш; *иккинчидан*, ушбу фаолият турларини амалга ошириш чоғида ҳам маълум маъмурий тартибқоидалар ва шартларга амал қилиш зарур; *учинчидан*, бу жараёнда ижроия ҳокимиятнинг тегишли ваколатли субъектлари томонидан маъмурий тартибда назорат қилиб борилади; *тўртинчидан*, лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тартиботларига амал қилмаслик маъмурий жавобгарликни ёхуд бу борадаги рухсатни маъмурий тартибда тўхтатиш ёки тугатишни келтириб чиқаради.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини жорий этишдан мақсад фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган муайян фаолият ёки ҳаракатнинг хавфсиз бажарилиши ёки амалга оширилишини таъминлаш бўлиб, бунга эришиш учун мажбурловчи маъмурий тартибот белгиланади. Ҳозирги кунда

мамлакатимизда 19 та соҳада жами 220 турдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этувчи ҳужжатлар⁹, шунингдек, 58 турдаги фаолиятни амалга ошириш учун 20 та ваколатли орган томонидан бериладиган лицензиялар талаб қилинади¹⁰.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасида лицензия талаблари ва шартларининг умумий принциплари белгиланган бўлиб, улар:

лицензиатнинг қонун ҳужжатларига риоя этиши шартлиги тўғрисидаги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишга даъвогар шахсларга қўйиладиган малака талаблари, жумладан махсус билимларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишнинг махсус шартларига қўйиладиган талаблар, жумладан фойдаланиладиган моддий-техник базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олиши лозим.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки,

Ўзбекистонда ҳам, МДҲ мамлакатларида ҳам лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини либераллаштириш бугунги талаблар нуқтаи назаридан етарли даражада ўрганилмаган.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, лицензиат маълум маъмурий тартиб-қоидалар ва шартларни адо этиши лозим;

иккинчидан, ушбу фаолият турларини бажариш ёки амалга ошириш чоғида ҳам маълум маъмурий тартиб-қоида ва шартларга амал қилиниши зарур;

учинчидан, бу жараён ижроия ҳоқимиятнинг тегишли ваколатли субъектлари томонидан маъмурий тартибда назорат қилиб борилади;

тўртинчидан, лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тартиботларига амал қилмаслик маъмурий жавобгарликни ёхуд бу борадаги рухсатнинг маъмурий тартибда тўхтатилиши ёки тугатилишини келтириб чиқаради;

бешинчидан, лицензиат маълум қатъий талабларга жавоб бериши лозим;

олтинчидан, лицензиялаш муносабатларида барча ҳолларда давлатнинг императив ҳукмронлиги намоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. — 2017 — 23 дек.

² Дробязко В. С. Административно-правовой статус индивидуального предпринимателя: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2006. — С. 16.

³ Багданов А. Б. Административно-правовой механизм лицензирования в Российской Федерации: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2008. — С. 34.

⁴ Троценко О. С. Проблемы лицензирования предпринимательской деятельности (гражданско-правовой аспект): Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Екатеринбург, 2005. — С.8.

⁵ Селиманова С. М. Административно-правовые аспекты совершенствования лицензионной системы в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Т., 2016. — С. 25

⁶ Агапова М. А. Институт лицензирования в административном праве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Москва, 2006. — С.4–5.

⁷ Умаров О. Қ. Хўжалик ҳуқуқи. — Фаргона, 2008. — Б.24.

⁸ Юрьева Ю. С. Лицензирование — правовое средство обеспечения экономической безопасности // Право и современность: Сб. науч.-практ. ст. Вып 3. Ч. 1. — Саратов, 2008.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2013. — № 33. — 442-м.; 2014. — № 15. — 167-м.; № 31. — 380-м.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2002. — № 2. — 14-м.

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ислом ҳуқуқи нормаларида оилавий муносабатлар масаласининг умумижтимоий жиҳатлари, ижтимоий-тарихий негизлари, маданий-маънавий хусусиятлари ҳамда ислом таълимотида оилавий муносабатларни йўлга қўйишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташкилий ўзига хослиги бирламчи манбалар асосида таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: оилавий масалалар, никоҳ муносабатлари, аёл ҳуқуқлари, оила ҳуқуқи, Қуръон, Ҳадис.

Особенности исламского права в укреплении семейных отношений

Аннотация. В статье рассматриваются историко-правовые и культурно-нравственные аспекты семейных отношений в исламском праве, а также их урегулирование посредством общесоциальных, общественно-исторических, социально-экономических, правовых, просветительско-организационных основ.

Ключевые слова: семейные проблемы, брачные отношения, права женщин, семейное право, Коран, Хадисы.

Peculiarities of islamic right in strengthening family relations

Annotation. This article examines the historical, legal, cultural and moral aspects of family relations in Islamic law, as well as their settlement with general social, socio-historical, socio-economic, legal, educational and organizational bases.

Key words: family problems, matrimonial relationships, women rights, family law, Qur'an and Hadiths.

Оилавий турмуш инсоният ривожланишининг барча давларида катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Шу боисдан қадим-қадимдан оилавий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари, уни камол топтириш, бузилиб кетишининг олдини олиш муаммолари ҳамда даврлар мутафаккирларини қизиқтириб келган. Хусусан, ислом оламида дунёга машҳур бўлган юртимиз алломалари ҳам оила инқирозининг олдини олиш муаммоларини таҳлил қилиб, бу борадаги ислом таълимоти қайтариқларини кенг оммага етказиб кўплаб асарлар битганлар.

Ислом динининг муқаддас манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда оила муқаддаслигини асраш, никоҳланишга бўлган кўплаб чақирувлар учрайди. Ислом динида оила қуришга Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбарларнинг тутган йўли сифатида қаралади. Жумладан, Қуръони

каримнинг «Раъд» сураси 38-оятда: «Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганмиз ва уларга хотинлар ва зурриётлар берганмиз»¹, дейилади. Ушбу оятнинг тафсирида айтилишича, Ислом дини келган вақтда баъзи инсонлар: «Бу қандай пайғамбар бўлдики, овқатланса, оила курса?» деб Расулуллоҳ (алайҳиссалом)га даъволар қилишган. Шунда Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани тушириб, Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳам оддий башар фарзанди экани, у ҳам ўзидан олдин келган пайғамбарлар сингари уйланиши, кўпайиши оддий ҳол эканини билдирди. Расулуллоҳ (алайҳиссалом)дан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича: «Тўрт нарса пайғамбарларнинг суннатларидандир: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутиш ҳамда никоҳ»².

Ислом динида никоҳ муқаддас, оила эса бузилмас деб эътироф этилади, эркак билан

аёл ўртасидаги боғланиш муқаддаслиги ҳимоя қилинган. Шу сабабдан ҳам, исломда эркак билан аёлнинг никоҳсиз яшашига йўл қўйилмаган. Бу ҳол мусулмонларни никоҳ ва оилага енгилтаклик билан муносабатда бўлишдан қайтарган.

Ислом ҳуқуқида оилавий ҳаётни давом эттириш, унда кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқариш мумкин бўлмай қолгандагина сўнгги чора сифатида ажрашишга рухсат берилади. Бу борада Пайғамбар (с.а.в)дан келтирилган қуйидаги ҳадиси шарифлар машҳурдир: «Уйланинглар, талоқ қилманглар, чунки талоқ сўзидан Раҳмоннинг арши ҳам ларзага келади», «Ҳалол нарсалар ичида Аллоҳга хуш келмайдигани талоқдир»³.

Умуман, ислом таълимотида оилавий муносабатлар масаласини ўрганганда маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, тарихий жиҳатдан ёндашиш зарур. Бунга эса ислом ҳуқуқида оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволини; оилавий муносабатларнинг шаклланиши, ривожланиши ва мустақамланиши асосларини ўрганиш орқали эришилади.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг пировард мақсади миллатни маънавий юксакликка кўтариш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини маънавий мезонлар, руҳий фазилатлар ва ахлоқий меъёрлар билан таъминлаш ва маънавиятни халқ руҳига сингдиришдир.

Маълумки, юртимиз алломалари томонидан яратилган ислом илмларига, жумладан ислом ҳуқуқида айниқса, ундаги оилавий муносабатларга доир асарлар маънавий меросимиз, айниқса, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Сабаби, ислом ҳуқуқи меъёрлари қарийб 13 аср давомида юртимизда амалда бўлган. Шу боис уларни ўрганиш мамлакатимиз давлат ва ҳуқуқ тарихининг катта қисмини ўрганиш ҳисобланади.

Ўрта асрлар Мовароуннаҳр фақиҳлари ўзларининг бебаҳо асарлари билан ҳанафийлик фикри ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Мана шундай бебаҳо асарлардан Фахруддин

Қозихоннинг «Фатовои Қозихон», Ифтихоруддин Тоҳур ал Бухорийнинг «Хулосатул Фатово», Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя», Убайдулло ибн Масъуднинг «Мухтасарул-Виқоя», Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг «Мажмаъ ул-Мақсуд» ва яна жуда кўплаб дурдона асарлар борки, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ушбу мумтоз асарларда келтирилган оилавий муносабатларга доир шариат нормаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнида шундай хулосаларга келиндики, оилавий муносабатлар масаласи инсоният жамияти вужудга келгандан бери мавжуд. Оила масаласи кишилик жамиятидаги ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялар билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг юзага келиши, ривожланиши, бир босқичдан, иккинчи босқичга ўтиши каби ижтимоий тарихий жараёнлар бу масалани ҳал этишга таъсир кўрсатган. Шу боис ҳар бир тарихий ривожланиш босқичида бу масалага ўзига хос тарзда ёндашилган ва ҳал этишга интилинган.

Исломда оила қуришнинг энг асосий ва муқаддас шarti никоҳдир. Исломда никоҳ масаласи атрофлича тартибга солинган. Унда никоҳдан ўтиш шартлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралиш масалалари белгиланган. Ислом ҳуқуқи нормаларининг асосий мақсади соғлом, пок никоҳ муносабатини шакллантиришдан иборат. Эр билан хотин ўртасидаги муносабатлар аёлнинг эрга ёки эрнинг аёлга иқтисодий ҳамда юридик жиҳатдан қарамлиги асосида эмас, балки никоҳ иттифоқи билан боғланган ҳамда оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган шахсларнинг ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қувватлаши негизида қурилади. Демак, биринчидан, исломда никоҳ бу — эркак ва аёлнинг ўз хоҳишини эркин ифода этиб, ихтиёрий тузган иттифоқи; ислом ҳуқуқи нормалари ҳар бир шахснинг ўз эркини ўз розилиги билан ифода этиш қобилиятига эга бўлишини назарда тутаяди; иккинчидан,

никоҳланувчиларнинг ҳар бири никоҳга киришда ҳам, никоҳ давомида ҳам шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар; учинчидан, никоҳ – муқаддас, абадий ва умр-бод иттифоқ бўлиб, унинг энг олий мақсади насл қолдириш ва фарзанд тарбиялашдир. Исломда аёлларнинг оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари замонавий қонунчиликдаги ҳуқуқлар билан ҳамоҳанг бўлиши билан бирга қатор ўзига хосликлар ҳам борки, улар асосан моддий таъминот, маҳр, мерос каби мулкӣ муносабатларда кўзга ташланади.

Ислом таълимотига кўра, оилада ва жамиятда эркак ва аёл тенгдирлар, улар ижтимоий ва дунёвий вазифаларни ўз эҳтиёж ва талабларига хос равишда (яъни аёл – аёллик вазифасини, эркак – эркаклик вазифасини) адо этиши ва шариат белгилаган йўлдан бориб, фақатгина эзгу ишларга қўл уришлари лозим. Бу ҳақда Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 228-оятда: «Аёллар учун (белгиланган ҳуқуқлар) ўз меъёрида эркаклар (ҳуқуқи) билан тенгдир...», дейилади. Шунингдек, «Нисо» сураси 19-оятда Аллоҳ таоло эркакларга қарата: «Улар билан тотув турмуш кечирингиз»⁴, деб буюради. Исломда аёл оилавий муносабатга киришар экан, унга ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, у оилада тўла муомала лаёқатига эга шахс сифатида мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуққа эга. Ислом динидан аввалги даврларда аёл учун мулк берилмаган ва у биронта фойдали мустақил иш қилишдан, ҳатто ворислик ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди. Ислом дини эса аёлнинг эркакка бутунлай тобе эмаслигини, у ҳам эркак сингари мулкка эгалик қилиши ва уни тасарруф этиши мумкинлигини жорий қилди.

Хотинни моддий жиҳатдан таъминлаш (нафақа) – эрнинг вазифаси. Болаларнинг нафақаси ҳам эрнинг зиммасидадир. У болаларни ўқитиш, тарбиялаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади. Агар аёл етарли мулкка эга бўлса, ўз хоҳиши билан болаларига ишлатиши мумкин. У ўз мол-мулкни эрининг аралашувисиз ўзи тасарруф қилишга ҳақли. Шунингдек,

қизлар тарбияси, таълими ва маданияти, ўсиб-улғайиши ота зиммасидаги, турмушга чиққач эса эр зиммасидаги мажбуриятдир. Ота ва эрсиз аёлнинг нафақаси ака ёки унинг ўрнини босувчи шахсга юклатилади. Умуман, исломда аёл киши нафақасиз қолиши мумкин эмас. Қизнинг нафақаси отага, хотинники эрга, сингилники акага, онаники ўғилга юклатилади. Шунинг баробарида ислом оилада аёлларга иқтисодий соҳада – тадбиркорликка ва мустақил билим олишга, маънавий-маърифий соҳада ҳар бир аёлнинг фаоллигини ошириш ва салоҳиятига яраша ижодий ва маърифий қирраларини намоён қилишига имкон яратади.

Исломнинг оилавий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларида умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик ғоялари, Шарққа хос ахлоқий тарбия қоидалари ўз ифодасини топган. Ислом оила ҳуқуқига кўра, эр оила бошлиғи, масъул кишиси, оила бошқарувчисидир. Бу ҳақда Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 34-оятда: «Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир. (Аёллар ичида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир...»⁵, – дейилади. Шариат ҳукмига кўра, эр аввало оиланинг барча молиявий тарафларига жавобгар бўлган, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шулар эвазига эркак оила бошлиғидир, чунки унинг зиммасига оила манфаатларини рўёбга чиқаришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Шу сабабли ҳам оилада интизом барқарор бўлсин деб аёлдан эрига маъруф, яъни гуноҳ бўлмайдиган ишларда итоат этиши талаб қилинади. Назаримизда, бир вақтнинг ўзида оиладаги ички тартибни таъминлаш ва уни ташқи тажовузлардан

ҳимоя қилиш вазифаси бўлган шахс бундай ҳуқуқий ваколатга эга бўлишга муносиб. Бундан кўринадики, ислом дини эркак ва аёлнинг тенглигини ўз қобилятига қараб белгилашни афзал кўради.

Исломда аёлга аввало инсоний вужуд сифатида қаралади ва унинг ҳам худди эркаклар каби инсоний руҳ ва жон эгаси эканлиги эътироф этилади: «Эй одамлар, сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳаво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан кўрқингиз!» («Нисо» сураси, 1-оят; «Хужурот» сураси, 13-оят). Ушбу оят орқали ислом маданияти аёлнинг инсоний фазилатларини тўлиқ эътироф этди, унга таълим соҳасини кўрсатди, балоғатга етгандан сўнг барча ишларда тўла молиявий иқтидор берди. Унинг эри ҳам, отаси ҳам унга тегишли бўлган нарсаларга ва ҳатто маҳрига ҳам дахлсизлиги кафолатланди.

Ислом дини аёлга меҳнат қилишни ман этмайди, балки ўз табиатига муносиб ишларни танлаши лозимлигини уқтирди. Шу тариқа аёл оғир меҳнатдан асралди. Ислом таълимоти аёлнинг жамиятдаги ва оиладаги ўзига хос аҳволини ҳар томонлама ҳисобга олиш унинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирок этиш имкониятларини инкор этмайди, балки шу имкониятларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда амалга оширилишини таъминлаш йўл-йўриқларини кўрсатади. Аёллар турмуш тарзининг майший хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар учун меҳнат фаолиятининг манфаатдорлик йўллари исломда кўрсатилган. Бу нарса аёлнинг ижтимоий ҳимояси учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Оилада фарзандларни боқиш, кийинтириш, тарбиялаш, вояга етказиш ота ёки аканинг, улар бўлмаган тақдирда бошқа бир эркак қариндошларнинг бурчи қилиб белгиланди. Иқтисодий омил оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аёл ҳомиладорлик, бола туғиш ва уни парвариш қилиш жараёнида ўзининг ва зурриёдининг моддий эҳтиёжини қондириш учун эркин фаолият кўрсата

олмайди. Бу вазифани эркак амалга оширади. Эркак оиланинг муҳофазасини таъминловчи, унинг моддий таъминотчиси, меҳнат қуролларининг, уй-жой, рўзғор ашёларининг эгаси, бундан ташқари, жисмонан ва руҳан кучли бўлгани учун ҳам оиланинг раҳнамоси даражасига кўтарилди ва аёлларни улуглаш, парваришга буюрилди. Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадисда: «Аёл қовурғадан яратилган бўлиб... Агар уни тўғрилашга ҳаракат қилсанг, синдириб қўясан... Бас, шундай экан, аёллар билан доимо яхшиликча маслаҳатлашингизлар!»⁶, дейилади. Умуман, исломда яхшилик ва ҳақгўйлик жамиятнинг ҳамма аъзоларига тааллуқли. Бу нарса биринчи навбатда оила ва асосан эр-хотин ўртасидаги муносабатларда шаклланмоғи лозим бўлади.

Дарҳақиқат, ислом динининг жамиятдаги маънавий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Ислом дини — кишилар ҳаётининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирадиган кўплаб инсоний меъёрларни қарор топтириб келди ва келмоқдаки, улар, аслида, ахлоқнинг умуминсоний меъёрлари бўлиши билан бирга, диннинг ҳам ижобий мавқеини истисно этмайди.

Маълумки, жамиятда оилаларнинг етарлича ҳимоя кафолатларини яратиш давлатларнинг ички ваколатига тааллуқлидир. Ҳар қандай давлатнинг оилага тааллуқли бўлган қонунчилиги халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ўша давлатдаги дин ва одат нормаларидан андоза олади. Назарий жиҳатдан яхши ишланган, мантиқий, тўғри дин ва одат нормалари, албатта, миллий ҳуқуққа имплементация қилиниши фойдадан холи эмас. Шундай экан, миллий ҳуқуқий тизим билан шарият ва одат ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди.

Мустақил Республикамизда амалга оширилаётган кўплаб тадбирлар оила масаласи диёримизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бу эса, ҳозирги жамиятимизда оилавий муносабатлар масаласига умумижтимоий ва миллий жиҳатдан ёндашишни талаб этади.

Ушбу илмий мақола доирасида амалга оширилган таҳлиллар натижасида бугунги кунда оилаларимиз мустаҳкамлигини ошириш, оиланинг жамият олдидаги асосий вазифасини янада ривожлантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишни яхшилаш борасида бир қанча ҳулосаларга келинди.

Биринчидан, жамиятда оиланинг ўрни, оилавий муносабатларда томонларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш борасида ислом ҳуқуқининг асрлар давомида ҳаёт тажрибаси синовларидан ўтган, оила манфаатларига тўла жавоб берадиган бир қатор нормалари борки, уларни ўрганиш, тўғри таҳлил қилиш ва такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, оилада оилавий муносабатлар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун зарур бўлган ислом ҳуқуқи нормаларида белгиланган муҳим кафолатларни назарда тутиш керак.

Учинчидан, оилаларимиз мустаҳкамлигини таъминлаш учун, оилавий муносабатлар иштирокчиларининг оила ҳуқуқига оид саводхонлик даражасини ошириш зарур, бу борада амалдаги қонунчилигимизда белгиланган қоидаларни ҳамда юртимиз алломалари асарларида оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ислом ҳуқуқи меъёрларини ёшлар ўртасида кенг тушунтириш, уларни оилага ҳар томонлама тайёрлаш лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 24 май) қарорида белгиланганидек, «бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни оммалаштириш, уни безарар сақлаш, илмий таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа мутахассисларига, тегишли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларга батафсил маълумот бериб бориш, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожига ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказиш» бугунги куннинг талабидир.

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ислом дини меъёрларининг жамиятимиз фуқаролари маънавий дунёсини пок асрашда ниҳоятда катта ахлоқий ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нима боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир»⁷. Чунки, халқимиз миллий менталитетининг шаклланишида, оилалар мустаҳкамлиги, баркамол авлод тарбиясида ислом дини таълимотининг аҳамияти катта бўлиб, у, ўз навбатида, юртимизда илму фаннинг ривожланишида ҳам алоҳида ўрин тутди.

¹ *Абдулазиз Мансур*. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т., 2006. — Б. 254.

² *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. Бахтиёр оила. — Т., 2016. — Б. 22.

³ Ўша манба. — Б. 445.

⁴ *Абдулазиз Мансур*. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т., 2006. — Б. 36, 80.

⁵ Ўша манба. — Б. 84.

⁶ *Имом Бухорий*. Ҳадис. Т. 3. — Т., 1994. — Б. 421.

⁷ *Мирзиёев Ш.М.* Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. 18.10.2017. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016>.

Д. Имамова,

докторант Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук

КОЛЛИЗИОННЫЕ ВОПРОСЫ ПРИ ОФОРМЛЕНИИ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СДЕЛОК С КУЛЬТУРНЫМИ ЦЕННОСТЯМИ

Аннотация. В статье раскрываются коллизионные привязки, возникающие при оформлении внешнеэкономических сделок, связанных с культурными ценностями.

Ключевые слова: принцип автономии воли, наиболее тесная связь, внешнеэкономические сделки, культурные ценности, применимое право, *lex rei sitae*, *lex originis*.

Маданий бойликлар билан боғлиқ ташқи иқтисодий битимларни расмийлаштириш бўйича коллизион масалалар

Аннотация. Мақолада маданий бойликлар билан боғлиқ ташқи иқтисодий битимларни расмийлаштиришда вужудга келадиган коллизион боғловчилар кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: эрк мухторияти принципи, энг узвий боғлиқлик, ташқи иқтисодий битимлар, маданий бойликлар, қўлланадиган ҳуқуқ, *lex rei sitae*, *lex originis*.

Collision questions of execution of the foreign economic transactions with cultural values

Annotation. In this article disclosing conflicting bindings arising in the process of execution of foreign economic transactions related with cultural values.

Key words: the principle of autonomy of will, the closest relationship, foreign economic transactions, cultural values, applicable law, *lex rei sitae*, *lex originis*.

Как известно, в международной договорной практике при оформлении и последующем заключении внешнеэкономической сделки независимо от предмета сделки могут возникнуть различные коллизионные вопросы, в особенности в отношении определения применимого права, так как одной из сторон сделки является иностранное лицо.

Согласно договору международной купли-продажи культурных ценностей на покупателя возлагается большой риск, что в свою очередь может привести к дисбалансу обязанностей между покупателем и продавцом. Данный дисбаланс может быть смягчен только за счет оптимального выбора применимого права. В действительности в настоящее время с развитием правового регулирования оборота культурных ценностей одним из самых противоречивых

остаётся вопрос выбора применимого права при разрешении связанных с ними споров.

В.О. Нешатаева считает, что общим правилом, действующим и в сфере оборота культурных ценностей, является применение принципов автономии воли и наиболее тесной связи¹.

Можно частично согласиться с мнением В.О. Нешатаевой в определении наиболее распространённого и действующего во всем мире принципа автономии воли сторон в отношении выбора применимого права. Так как наиболее важным значением при оформлении и заключении внешнеэкономических сделок, связанных с культурными ценностями, обладает принцип автономии воли сторон (*lex voluntatis*), который представляет собой право, избранное сторонами сделки применимого права страны. Использование принципа *lex voluntatis* во внешне-

экономических сделках способствует решению многих проблем, возникающих при реализации договора посредством надлежащего выбора применимого права.

Данный принцип также закреплен в ст. 1189 ГК РУз, в котором предусматривается, что стороны договора могут избрать применимое право как для договора в целом, так и для отдельных его частей. Также выбор применимого права может быть сделан сторонами договора в любое время, как при заключении договора, так и в последующем. Стороны могут также в любое время договориться об изменении применимого к договору права.

При этом следует учитывать, что свобода применения указанного принципа может быть ограничена императивными нормами международного и национального права².

А принцип наиболее тесной связи (*prope law*) является классической формулой прикрепления для договорных обязательств в международном частном праве, которая означает применение права того государства, с которым данное правоотношение наиболее тесно связано³. В соответствии со ст. 1190 ГК РУз: «При невозможности определить исполнение, имеющее решающее значение для содержания договора, применяется право страны, с которой договор наиболее тесно связан». Применение данной привязки к внешнеэкономическим сделкам с культурными ценностями может иметь ряд сложностей, а именно это связано с тем, что такие сделки часто имеют существенную связь с различными государствами в силу высокой оборотоспособности культурных ценностей.

Одним из распространенных принципов, применяемых при решении вопроса о праве собственности в отношении спорного предмета искусства, является принцип *lex rei sitae* (*lex situs* — право страны, где находится вещь в момент перехода права собственности на нее). Данный принцип также отражен в ст. 1184 ГК РУз и предусматривает, что право собственности и другие вещные права на недвижимое и движимое

имущество определяются по праву страны, где это имущество находится, если иное не предусмотрено законом. Следует отметить, что существуют различные толкования в отношении раскрытия данного принципа. Так, к примеру, возникает вопрос какое место считать местом нахождения вещи, а именно культурной ценности: место, где она находилась в момент, когда она выбыла из владения собственника не по его воли (например, была украдена) или была приобретена добросовестным приобретателем. По мнению М.М. Богуславского стороны спора уже не могут изменить место отчуждений данной вещи третьему лицу могло быть специально выбрано, чтобы затруднить собственнику защиту его прав⁴. В США, Великобритании, Канаде, Австралии, Новой Зеландии и в других странах общего права собственник украденной вещи может вернуть свое имущество от добросовестного приобретателя. Единственное средство правовой защиты, которое остается у добросовестного приобретателя — получить компенсацию у лица, укравшего данный предмет искусства. А в странах континентального права, в таких как европейские государства, страны Латинской Америки, большинство стран Азии и Африки законодательство направлено на защиту добросовестного приобретателя. Хотя и здесь степень защиты варьируется⁵.

В современной доктрине существует на этот счет две позиции. Во-первых, ряд специалистов считают, что нет необходимости создавать отдельный свод правил международного частного права, применимых исключительно к культурным ценностям. Поскольку встает вопрос, как разграничить культурные ценности и другие виды имущества, на базе какого признака⁶, и если это сделать, то количество правил международного частного права может значительно увеличиться, что усложнит их применение⁷. Так как оборот (торговля) культурных ценностей является одним из видов оборота (торговли) движимого

имущества, то к таким сделкам, как и раньше, следует применять общие правила международного частного права⁸. Кроме того, некоторые исследователи, придерживающиеся этой точки зрения, все же считают необходимым совершенствовать общие правила международного частного права для их применения в таких особых областях, как регулирование оборота культурных ценностей с учетом специфики данного подвида движимого имущества⁹.

Во-вторых, данную точку зрения поддерживает профессор Линдел Протт¹⁰ и профессор Джозеф Сакс¹¹, которые выступают за создание в международном частном праве отдельных правил, применимых исключительно к обороту культурных ценностей. Сторонники этого подхода приводят два довода: следует учитывать особую природу культурных ценностей, их высокую духовную и художественную ценность. Это объекты, которые являются не просто вещью, товаром, это часто культурное наследие целой страны; придавая столь неоднозначной категории имущества особое правовое значение, следует соответственно создать особый правовой режим — менее коммерчески ориентированный и с более сильным и защитными механизмами, чем обычные режимы, регулирующие оборот имущества¹².

По праву того государства, где находилась культурная ценность, будет разрешаться вопрос о законности прекращения и последующего перехода права собственности: прекратилось или нет право собственности на предмет культурного значения в результате таких юридических фактов, как отказ от права собственности, потеря, хищение культурной ценности; перешло ли право собственности к новому владельцу и не является ли переход права юридически порочным¹³.

В спорах о культурных ценностях возможны исключения действия принципа *lex situs*, так как он может ограничиваться на основании оговорки о публичном порядке (*public policy*), где иностранный закон может не применяться и закрепленные им права могут

быть не признаны судом, если такое применение закона или признание права противоречат публичному порядку данного государства.

Поэтому выделяют два вида исключений из применения *lex situs*, основанных на оговорке о публичном порядке:

1. Исключения, основанные на негативной оговорке о публичном порядке (*ordre public negative*). В этом случае принцип *lex situs* не применяется, а применяется право места рассмотрения спора, для того, чтобы защитить фундаментальные принципы данного права.

2. Исключения, основанные на позитивной оговорке о публичном порядке (*ordre public positive*). Данные исключения имеют место, когда нормы или принципы международного права имеют приоритет над *lex situs* в целях соблюдения международного правила (например, возвращение предмета искусства, украденного из публичной коллекции). Это исключение используется и для признания императивных норм (например, изъятие из торгового оборота некоторых видов культурных ценностей) третьего государства, с территории которого данная культурная ценность была перемещена.

Привязка при выборе применимого права в обороте культурных ценностей *lex situs* в настоящее время имеет значительное количество ограничений на основе оговорки о публичном порядке.

Коллизионные привязки *lex rei sitae* (*lex situs*) и *lex voluntatis* далеко не всегда гарантируют преимущественную защиту прав собственников культурных ценностей в тех случаях, когда применимое право отдает приоритет защите интересов добросовестных приобретателей. Данное обстоятельство может быть использовано и недобросовестными участниками гражданского оборота, которые преднамеренно совершают сделки по отчуждению культурных ценностей в государствах, защищающих добросовестных приобретателей перед петиторным иском собственника¹⁴.

Также в теории высказываются мнения авторов о необходимости применения

принципа *lexoriginis*, которое получило свое закрепление в Базельской резолюции по вопросу о международной торговле предметами искусства с точки зрения охраны культурного достояния 1991 г. Несмотря на то, что этот принцип вызывает много споров, так например профессор Симеонидес считает, что основным доводом против применения данного принципа является невозможность защиты интересов добросовестного приобретателя, поскольку *lexoriginis* однозначно встает на защиту пострадавшего собственника украденной вещи¹⁵, а М.М. Богуславский обращает свое внимание на то, что «определение страны происхождения трудно обосновать с точки зрения исторического происхождения культурной ценности», но данное установление места происхождения большинства культурных ценностей может привести в тупик. Также Д. Финчемом обосновывается применение к культурным ценностям привязки «закон места происхождения» (*lexoriginis*)¹⁶.

Поэтому нетрудно согласиться с тем, что однозначное применение принципа *lexoriginis* не всегда уместно, поскольку культурные ценности, которые составляли культурное наследие одной страны в прошлом, в силу своих исторических или географических изменений могут превратиться в национальное наследие другого государства. В практике государств существуют примеры имплементации данного принципа в национальное законодательство, так, к примеру, в Бельгии данный принцип в модифицированном виде закреплен в ст. 90 Кодекса международного частного право (от 27 июля 2004 г.), где предусматривается, что возврат вещи, незаконно перемещенной из страны, к культурному наследию которой она относится, регулируется нормами права данной страны. В качестве исключения из этого правила Кодекс предусматривает применение права настоящего места нахождения вещи, если право данного государства было выбрано государством истца или добросовестным приобретателем

– в тех случаях, когда *lex situs* не защищает добросовестного приобретателя.

В связи с тем, что основной проблемой в сфере оборота культурных ценностей является поиск баланса между интересами собственника культурной ценности и добросовестного приобретателя, возникает необходимость выработать более гибкую привязку, нежели *lex situs* и *lexoriginis*.

Поскольку на международном уровне до сих пор не выработан единый подход к определению грани, разделяющей интересы собственника и добросовестного приобретателя культурных ценностей, данная привязка также не является идеальной. Тем не менее она могла бы стать гибким средством для сохранения баланса не только между интересами собственника и добросовестного приобретателя, но и между публичными и частными интересами. Такой подход, с одной стороны, позволит сохранять и развивать активный оборот культурных ценностей (поскольку все участники данного процесса будут уверены в защите своих интересов), а с другой – даст возможность государствам сделать оборот культурных ценностей легальным (поскольку должен быть соблюден ряд критериев и, в первую очередь, критерий чистоты правового титула)¹⁷.

Внешнеэкономические сделки с культурными ценностями могут иметь тесную связь с разными государствами в силу своей оборотоспособности, критерия происхождения, признака нахождения и т.д. Поэтому вопрос определения применимого права в рассматриваемом случае может нести значительный субъективный момент правоприменителя.

А со стороны Э.Л. Король закрепление нового коллизионного принципа – закон государства, в котором культурная ценность зарегистрирована в качестве объекта. Применение данной коллизионной привязки могло бы иметь место, когда спорный предмет, представляющий историко-культурное значение, выступает объектом культурного наследия определенного государства и имеется подтверждение данного статуса. Регистрация культурной

ценности в качестве объекта национального культурного наследия, как правило, производится путем включения ее в государственный реестр (список) и установления особого режима охраны. Отсылка к праву государства, в котором культурная ценность поставлена на учет как объект историко-культурного наследия, позволит вполне однозначно применить правовые нормы, принятые государством в целях охраны наиболее уникальных и ценных предметов его материальной культуры. При рассмотрении дел о возвращении культурных ценностей преимущество при выборе применимого права целесообразно отдавать праву государства, в котором ценность зарегистрирована в качестве объекта культурного наследия¹⁸.

В заключение следует отметить, что коллизионные вопросы при оформлении внешнеэкономической сделки с культур-

ными ценностями возникают и разрешаются в следующих случаях:

— при оформлении внешнеэкономических сделок в виде привязок автономии воли или наиболее тесной связи;

— при разрешении вопросов собственности в виде уже существующих привязок *lex situs* и *lex originis*, а также ограниченных оговоркой о публичном порядке;

— при использовании во внешнеэкономических сделках закона государства, в котором культурная ценность зарегистрирована в качестве объекта;

— при разрешении вопросов приобретательской и исковой давности.

В действительности сбалансированная оценка каждого из данных коллизионных случаев позволит сторонам внешнеэкономической сделки выбрать необходимое им применимое право с учетом интересов всех сторон.

¹ *Неуштаева В.О.* Культурные ценности: цена и право. — М., 2013. — С. 88.

² *Неуштаева Т.Н.* Международное частное право и международный гражданский процесс: Учеб. курс в 3-х ч. Ч. 3. — М., 2004. — С. 263.

³ *Дмитриева Г.К.* Международное частное право: Учеб. пособие. — М., 2002. — С. 77.

⁴ *Богуславский М.М.* Культурные ценности в международном обороте: правовые аспекты. — М., 2005. — С. 106-107.

⁵ *Merryman J.H., Elsen A.E., Ureche S.K.* Law, Ethics and Visual Art. 5th ed. Kluwer Law International, 2007. — P. 151.

⁶ *Chatelain J.* Synthesis // *Lalive P.* International Sales of Works of Art. Geneva: Institute of International Business Law and Practice; Faculte de Droit de Geneve, 1988. — P. 654.

⁷ *Sandrock O.* Foreign Laws Regulating the Export of Cultural Property // *Lalive P.* International Sales of Works of Art. Geneva: Institute of International Business Law and Practice; Faculte de Droit de Geneve, 1988. — P. 457, 462.

⁸ *Symeonides S.C.* A Choice-of-Law Rule for Conflicts Involving Stolen Cultural Property // *Vanderbilt Journal of Transnational Law*. 2005. Vol. 38. — P. 322.

⁹ *Carruthers J.M.* Cultural Property and Law — an International Private Law Perspective // *The Juridical Review*. — 2001, Pt 3. — P. 142.

¹⁰ *Prott L.V.* Problems of Private International Law for the Protection of the Cultural Heritage. Hague Academy Collected Courses, 1989. — P. 306.

¹¹ *Sax J.L.* Playing Darts with a Rembrandt, Public and Private Rights in Cultural Treasures. Michigan Press, 1999.

¹² *Неуштаева В.О.* Культурные ценности: цена и право... — С. 94.

¹³ *Король Э.Л.* Споры о культурных ценностях: проблемы определения применимого права // *Международное право и международные отношения*. 2011. — № 1. — С. 20.

¹⁴ Там же. — С. 21.

¹⁵ *Symeonides S.C.* A Choice-of-Law Rule for Conflicts Involving Stolen Cultural Property // *Vanderbilt Journal of Transnational Law*. 2005. Vol. 38. — P. 1187.

¹⁶ *Fincham D.* How Adopting the Lex Originis Rule Can Impede the Flow of Illicit Cultural Property. — P.146. [Electronic resource] // *Social Science Research Network Electronic Library*. // <http://ssrn.com/abstract=1287365>.

¹⁷ *Неуштаева В.О.* Культурные ценности: цена и право... — С. 104.

¹⁸ *Король Э.Л.* Указ. раб. — С. 22.

